



**"Камолот" Ёшлар ижтимоий Ҳаракати
Марказий Кенгаши раиси
Акром АЛИМОВ билан суҳбат**

асосийси, ҳаётга кириб келаётган авлоднинг ижтимоий фаолиятини кучайтириш, бу борада "Камолот" ёшлар ижтимоий Ҳаракатига суяниш ва таяниш вазифаси мазкур давлат ташкилотлари фаолиятининг муҳим йўналиши деб ҳисобланиши белгилаб берилди.

Бу — "Камолот"ни таъсирчан ташкилотга айлантиришимиз учун яратиб берилган яна бир улкан имконият эмасми?

Шундай экан, бизнинг энг муҳим вазифамиз



ФАОЛЛАШАЁТГАН КАМОЛОТ

— Акром Маҳкамович, авваламбор Сизни янги масъулиятли лавозимга сайланганингиз билан самимий кутлаймиз.

Маълумки, "Камолот" ЁИХнинг навбатдаги II Курултойи зўр ишчанлик руҳида ўтди Айтинг-чи, ўтган давр сабоқлари ва II Курултой "Камолот" учун нималар беради?

— Раҳмат. Хабарингиз бор, муҳтарам Президентимиз томонидан жорий йилнинг 10 октябрида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида" қарор қабул қилинди.

Мазкур қарорда ҳаракатнинг ўтган даврдаги фаолиятига ҳолисона муносабат билдирилгани ҳолда, йўл қўйилган қатор камчилик ва хатолар кўрсатиб ўтилди. Ушбу камчиликларни тез кунларда бартараф этиш ҳамда Ҳаракатни ёшларнинг том маънодаги суянчи ва таянчига айлантириш барчамизнинг асосий мақсадимиздир.

Қарорда Вазирлар Маҳкамаси, ҳокимликлар, маънавий-маърифий соҳага дахлдор бўлган вазирлик ва идоралар томонидан ёшлар масалаларини, авваламбор уларнинг долзарб муаммоларини ечиш, жамиятдаги ўрни ва мавқеини оширишда йўл қўйилаётган совуққонлик, бепарволик ва масъулиятсизлик ҳолатларини бартараф этиш, энг

— Ҳаракатни Президентимиз қарори талаблари даражасига олиб чиқишдан иборат бўлиши лозим. Яъни Ҳаракатнинг энг қуйи бўғини бўлмиш бошланғич ташкилотлари ташаббусларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ишни "ташаббус — муҳокама — лойиҳа — ҳаётга татбиқ" тамойили асосида ташкил этишдир.

"Камолот"нинг навбатдаги Курултойи арафасида биз унинг Устав ва Дастурига ўзгартиришлар киритиш учун таклифлар беришни сўраб ёшлар ва жамоатчиликка мурожаат қилдик. Айтиш жоизки, ёшлар бу мурожаатга бефарқ қарашмади.

Ишчи гуруҳ томонидан лойиҳаларни тайёрлаш давомида халқаро ёшлар ташкилотлари тизими, уларнинг Устав ва Дастурлари ҳамда фаолияти синчиклаб ўрганиб чиқилди. Жойларда ёшларнинг барча қатламлари томонидан ушбу лойиҳалар кенг муҳокама этилди.

Интернетда "Milliy yoshlar portali", "Kamolot Uz". ва бошқа махсус сайтлар ташкил қилиниб, уларда ёшлар билан бевосита савол-жавоблар йўлга қўйилди. "Туркистон", "Маърифат", "Молодежь Узбекистана" газеталарида "Камолот" кеча, бугун, эртага" рукни ташкил қилиниб, унда ёшларнинг барча қатламлари билан бевосита муҳокамалар уюштирилди. "Ёшлар" телерадиоканалида махсус роликлар тайёрланиб, бир ой давомида эфирга узатиб борилди.

Демак, ёшларимиз мазкур анжуман сабаб ўзларининг фаолликларини исбот қилишди. Бу фаоллик асло сусаймаслиги, аксинча, жамиятнинг барча қатламларига сингиб бориши керак.

— **Мана шу янги тахрирдаги Устав ва Дастурнинг аввалгисига қараганда афзалликлари нималарда кўринади?**

— Ҳаракатнинг Дастури ва Уставига кўп изланишлар, фикр ва мулоҳазалардан кейин бир қанча ўзгартишлар киритилди.

Жумладан, Ҳаракат Дастури янги тахрирдаги лойиҳасини ишлашда, Ҳаракатнинг ташкил топган даврдан буёнги фаолияти ўрганилди. Унда ўтган беш йил давомида Ҳаракатнинг барча тизимларида йўл қўйилган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш масалалари, шунингдек, ёшларимизни қизиқтирадиган масалалар, келажакда ташкилот олдида турган вазифалар, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасида қилинадиган ишлар, ёшларга соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўқув юртларида ёшлар амалга оширадиган турли тадбир ва анжуманлар, ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда Ҳаракатнинг энг муҳим вазифалари акс этган.

Ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик, диний экстремизм, гиёҳвандлик, лоқайдлик каби турли иллатларга қарши курашишда ушбу Ҳаракат таъсирчан кучга айланиши муҳимлигига алоҳида эътибор берилди. Демократик ҳуқуқий давлат — фуқаролик жамияти барпо этиш соҳасида ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатимизда юз бераётган демократик ислоҳотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсад қилиб олинган.

"Маънавий-маърифий соҳа"даги йўналиш Ҳаракатнинг аввалги Дастурида ҳам ўз ифодасини топган эди. Аммо таъкидлаш лозимки, бу соҳага ҳам бугунги куннинг талаби ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда баъзи ўзгартишлар киритилди. Бунда мамлакатнинг ёш фуқароларини меҳнатсеварлик, инсонпарварлик каби юксак фазилатлар руҳида тарбиялашда барча манфаатдор давлат ва жамоат тузилмалари билан ҳамкорлик қилиш, бу олижаноб ишда оила, маҳалла, ўқув юртлари, маданият муассасалари ва оммавий ахборот воситаларининг куч-ғайратларини бирлаштиришга ҳар томонлама кўмаклашиш назарда тутилади.

Ёшларнинг истеъдод ва қобилиятларини қўллаб-қувватлаш учун мамлакатимиздаги барча ёшларни, дини ва миллатидан, ижтимоий тоифасидан қатъи назар бир мақсад йўлида, яъни Ўзбекистоннинг баркамол ва соғлом фикрлайдиган авлоди қилиб тарбиялаш Ҳаракат зиммасидаги энг масъулиятли вазифалардан бири саналади.

Ҳаракат Дастурига кирган ушбу масалалар йўлаймизки, келажакда унинг фаолиятини тўғри йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки олдимизда турган энг катта вазифа ёшларнинг турли қатлами билан ишлашни тўғри йўлга қўйишдир. Чунончи, ёшларнинг уюшган қисми билан бир қаторда уюшмаган қисми ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. Айниқса, жойларда, маҳаллаларда иш кўлами кенгайиши зарур. Шундагина ёшлар ҳар қандай ёт унсурлардан холи бўлиб, тараққийпарвар ғоиларга эргашадилар.

Ҳаракатнинг Устав лойиҳаси ҳам катта баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди. Амалдаги Устав асосида

фаолият юритган ташкилот ўтган йиллар давомида бир қатор ютуқларни қўлга киритганди. Аммо бугунги кунда Ҳаракат аъзолари томонидан ушбу ҳужжатга ҳам айрим ўзгартиришлар киритиш лозимлиги фикри билдирилди. Кўплаб таклифлар ва фикр-мулоҳазалар билан бойиган Устав лойиҳаси Ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилиб, 11 бобдан 16 бобга, 38 банддан 69 бандга кенгайтирилди.

Ушбу ўзгартиришлар Ҳаракатнинг қуйи ва юқори тизимлари фаолиятини такомиллаштириш, аъзоларнинг ҳуқуқ ва бурчларини кенгайтириш, уларга берилаётган имкониятлар, ваколатларни тўла тушунтириб беришга хизмат қилади.

Уставда Ҳаракатнинг мақсад ва вазифалари қайтадан белгиланиши кўзда тутилган. Унга кўра, Ҳаракат аъзолари мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилашда ва амалга оширишда, демократик тамойилларга асосланган эркин фуқаролик жамиятини барпо этишда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Қолаверса, турли тўғараклар, ижтимоий ёрдам марказлари, клублар орқали ёшларни турли касбларга ўргатиш, тадбиркорлик қобилиятини ривожлантириш, бозор иқтисодиётининг тамойилларини ўрганиш ва ўз соҳасининг етук мутахассислари бўлиб етишишларига кўмаклашишдан иборат.

Шунингдек, "Ҳаракат фаолиятининг асосий тамойиллари" деб номланган бобда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятининг қуйидаги асосий йўналишлари, тамойиллари белгилаб берилди:

а) ҳар бир аъзонинг манфаатлари, қадр-қиммати ва фикрини ҳисобга олиш, ҳурмат қилиш;

б) ишни жамоа бўлиб амалга ошириш, қарорлар қабул қилишда коллегиялик, қабул қилинган қарорларни бажариш учун ўзаро ва шахсан жавобгарлик;

в) барча органларнинг куйидан юқорига сайлаб қўйилиши;

г) сайлаб қўйилган раҳбар органларнинг ўз олий органи олдида, бошланғич ташкилотларнинг ўз аъзолари олдида ҳисобот бериб туриши, Ҳаракатнинг ҳудудий бўлимлари ва бошланғич ташкилотлари ўз фаолияти тўғрисида юқори органларга ахборот бериб бориши;

д) мунозаралар эркинлиги, барча орган ва ташкилотларнинг ишида тўла ошкоралик.

Юқоридагилар билан бир қаторда Ҳаракат аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари ҳам янги тахрирдаги Устав лойиҳасида ўз аксини топган. Уставнинг 26-бандига мувофиқ, Ҳаракатнинг барча аъзолари белгиланган тартибда тенг ҳуқуққа эгадирлар. Ушбу бандда белгиланишича, Ҳаракат аъзолари умумий йиғилишлар, Конференциялар, Қурултой, Ҳаракатнинг сайлаб қўйиладиган раҳбар органлари мажлислари ва Ҳаракатнинг матбуот нашрларида ҳар қандай масалаларни муҳокама қилишда ўз фикрини эркин билдириш, Ҳаракатнинг ҳимояси ва қўллаб-қувватлашидан фойдаланиш ва бошқа ҳуқуқларга эгадирлар.

Аъзолик тўғрисидаги қоидаларга асосан Ҳаракатга яқка тартибда ва жамоа тарзида аъзо бўлинади.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Маслаҳат Кенгашига тегишли бобга ҳам ўзгартишлар киритилган. Устав лойиҳасига мувофиқ, Маслаҳат Кенгаши бундан буён Васийлик Кенгаши деб



юритилиши белгиланган. Васийлик Кенгашининг асосий мақсад ва вазифалари — Ҳаракат тизимларининг барча йўналишдаги фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан илмий-услубий тавсиялар бериш, амалий ёрдам кўрсатиш, жойларда вужудга келаётган муаммо ва йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этишда кўмаклашишдан иборатдир.

Кўпгина таклиф ва фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, аъзолар ёшининг чегараси йигирма саккиздан ўттиз ёшгача узайтирилган. Бу албатта, аъзолар сонининг кескин кўпайишига олиб келади.

— **"Камолот", Президентимиз таъбири билан айтганда ёшларнинг таянчи ва суянчи бўлишга қодир ягона ташкилот. Унинг тамойил, мақсад ва йўналишлари аниқ. Бироқ 10 октябрдаги Президент қарорида таъкидланганидек, ёшларни ўз атрофига жипслаштириш, юксак мақсадларга йўналтиришда жиддий камчиликларга йўл қўйилган. Ўзбўларчилик, расмиятчилик каби иллатлардан воз кечилмаган. Мазкур нуқсонларни бартараф этиш борасида бугун ташкилот қандай йўл тутмоғи керак?**

— Ҳаракат фаолиятининг биринчи куниданоқ Президентимиз Ислам Каримов томонидан қўллаб-қувватланиб, давлатимиз раҳбари "Бу ташкилот ёшларнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин", дея тилак билдирган эдилар.

— Хўш, ўтган беш йил давомида "Камолот" ана шу катта ишонч ва эътиборга жавобан қандай фаолият юритди? Қандай натижаларга эришди? У ёшларнинг чинакам суянчи ва таянчига айлана олдиими?

— Аввало, таъкидлаш керакки, "Камолот" ёшлар ижтимоий Ҳаракати ўтган йиллар давомида республика миқёсидаги йирик ташкилот сифатида шаклланиб, ўз атрофида миллионлаб ёшларни бирлаштирди.

Айни пайтда Ҳаракат тизимлари томонидан маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-тарғибот, ҳарбий ватанпарварлик, спорт-соғломлаштириш каби йигирмадан ортиқ йўналишларда ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда Ҳаракат тизимида Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят, Тошкент шаҳар, 199 та туман (шаҳар) бўлимлари Кенгашлари, 17 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунгача 7 млн. 200 минг нафардан ортиқ 14 ёшдан 28 ёшгача бўлган мамлакат ёшларининг 4 млн. 600 минг нафардан ортиғи, яъни 64 фоизи Ҳаракатга аъзо бўлиб кирди.

Ҳаракат фаолиятини ташкил этишда 980 нафар ёшлар, 3070 та йирик бошланғич ташкилотлар етакчилари хизмат қилишмоқда, шунингдек, 20 мингдан зиёд ёшлар яқиндан кўмак беришяпти.

Ҳаракат таркибида унинг ҳомийлигида фаолият кўрсатадиган, 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўқувчиларни бирлаштирган "Камалак" Болалар ташкилоти тузилган. Бу ташкилотга 4,2 млн. нафардан ортиқ болалар аъзо бўлиб киришган.

Республикаимиздаги 9702 та умумтаълим муассасаларида "Камалак"нинг Сардорлар Кенгаши фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, ҳозирда унинг 300 минг нафардан ортиқ фаоллари мавжуд.

— **Ўтган даврда Ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга ҳар томонлама кўмаклашиш борасида қандай ишлар амалга оширилди?**

— Бу борадаги ютуқ ва камчиликлар нималарда намоён бўлмоқда? Таъкидлаш керакки, Ҳаракат тизимлари томонидан Республика бўйича 14670 нафар кам таъминланган оила фарзандлари, ногирон болалар, вояга етмаганлар назорати инспекцияларида ҳисобга турган ўсмирларга бепул дарсликлар, кийим-кечак, спорт анжомлари, шунингдек, ёзги дам олиш оромгоҳларига бепул ёки имтиёзли нархдаги йўлланмалар олиб берилган.

Шу билан бирга, 2961 нафар олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида ўқишга кирган талаба-ёшларга тижорат банкларидан таълим кредитлари, турли корхоналардан ҳомийлик маблағлари олишда амалий ёрдам кўрсатилган. Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш лозим деб ўйлайман. Ўтган беш йил давомида турли таълим муассасаларида айрим сабабларга кўра талабаликдан четлаштирилган жами 2432 нафар ёшларни ўқиш жойига қайта тикланишида яқиндан ёрдам кўрсатилган. Тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда республика бўйича вақтинча ишсиз юрган 138078 нафар ёшлар доимий ёки мавсумий иш билан таъминланди, шундан, 17470 нафари доимий иш жойига эга бўлдилар.

Ҳозирги кунда ёш йигит-қизларнинг билим малакасини тўла намоён этиши, жамиятда ўзига муносиб ўрин эгаллашлари учун етарли шарт-шароит яратиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида "Ёшлар ижтимоий хизмати" марказлари ташкил этилмоқда. Шу кунгача шундай 43 та марказ ишга туширилди. Ҳаракат бўлимларининг иштирокида ташкил этилган 269 та касб-ҳунарга ўргатиш, ўқитиш курслари, спорт-соғломлаштириш тўғрақларига 15 мингдан зиёд ёшлар бепул жалб этилди.

Шуни афсус билан қайд этиш керакки, бу ютуқлар билан бирга баъзи камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Айрим туман бўлимлари узоқни кўра олмасликлари оқибатида майда ишларга ўралашиб, ҳаракат Дастурида белгиланган асосий вазифалар, устувор йўналишларни аниқлаш, уларни ташкилий нуқтаи назардан амалга ошириш, ёшлар муаммоларини ўрганиш, ҳал этиш, уларга амалий ёрдам, кўмак бериш ишларини тўғри ташкил эта олмаяптилар.

Аччиқ бўлса ҳам айтишимиз керакки, бугунги кунда аксарият ёшлар Ҳаракат фаолияти тўғрисида етарлича маълумотга эга эмас, кўпчилик бошланғич ташкилотлар, кўйи бўлимлар фаолияти талаб даражасида эмас.

Шундай экан, бундай ҳолда биз бугун "Камолот" ёшларни ижтимоий ҳимояловчи ташкилот дея оламизми?

Ҳаракат бўлимларининг ёшлар муаммоларини еча олиш борасидаги имкониятлари ҳам турлича эканлиги фаолиятни талаб даражасида ташкил эта олмаслигига сабаб бўлмоқда. Кимдadir гоё ва ташаббуслар кўп-у, имконият йўқ, бошқа бировда имкониятлар кўп-у, ташаббус йўқ.

Шундай вазиятда "Камолот" кўмакка келиши шарт. Агар мавжуд имкониятни кўра билмасак, ёшлар ташаббусларини ўз вақтида амалий қўллаб-қувватлай олмасак, қандай қилиб ёшлар етакчисимиз дея оламиз? Изланиш, ёниб интилиш, ташаббускорлик йўқлиги сабаб жойларда, айниқса, чекка қишлоқ ва маҳаллалар ёшлари орасида Ҳаракатнинг ўрни сезилмаяпти, ёшлар учун иш

ўринлари ташкил этишда, уларни фойдали меҳнатга жалб этишда имкониятлардан тўла фойдаланилмапти. Баъзи шаҳар ва туманлардаги ҳаракат масъуллари ёшларга "улкан муаммолар манбаи" сифатида муносабатда бўлишяпти. Ана энди холис, виждонан айттайлик, ёшларни ўз муаммолари гирдобига ташлаб, ечим ва чора-тадбирлар йўлини ахтариш ўрнига ўзимизни четга олсак, қандай қилиб улар оптимиздан эргашсин? Ахир бу бевосита биз ечим ахтарган вазифалар эмасми?!

Хўш, уларнинг издошларини топиш, кўмак бериш ҳам сизу бизнинг вазифамиз эмасми?

Қайд этиш керакки, ўтган давр мобайнида дин уламолари, диншунос олимларни таклиф этган ҳолда, муқаддас динимизни ниқоб қилиб, ёшларни жоҳиллик ботқоғига бошлашга интилган ёвуз кучлар, оқимлар, ҳаракатлар моҳиятини очиб ташлашга қаратилган кўплаб учрашувлар, давра суҳбатлари, амалий мулоқотлар ўтказилган. Аммо, бу жараёнларда ҳам мамлакатимиз ҳудудидаги аҳоли зич жойлашган ҳудудлар яхши қамраб олинмаган. Бу безътиборликнинг салбий таъсири гоҳида сезилиб қоляпти. Ёшлар онгида гоёвий бўшлиқ юзага келиш хавфи ҳамон мавжуд.

Биз — буюк ажодларимизнинг фарзандлари бузғунчи гоёларга қарши миллий гоёмиз билан қуролланишимиз керак. Бунинг учун Президентимизнинг ушбу сўзларини юракларимизга ёзиб олайлик:

"Сиздек билим ва курашга ташна ўғил-қизларимизни бағримга босиб айтмоқчиман: Сиз — Алпомиш, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби мард ва ботир инсонларнинг авлодисиз!"

Сиз — буюк юрт фарзандисиз!"

Жойларда ёшларнинг ҳамкор ташкилотлар билан сиёсий фаоллиги ва ҳушёрлигини оширишга, терроризм ва экстремизмнинг мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлиги, халқимиз ҳаётига таҳдид солаётганини тушунтиришга қаратилган "Ўз уйингни ўзинг асра", "Тинчлик ва осойишталик учун курашмоқ керак" мавзуларида туркум учрашувлар, акциялар ташкил этилган. "Мен шу халққа хизмат қиламан, мен шу юртни улуглайман" шиори остидаги "Истиқлол умидлари" каби фестиваллар ўтказилмоқда.

Афсуски, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар моҳиятини навқирон авлодга етказиб бериш борасидаги ишларнинг етарли эмаслиги оқибатида ёшларнинг кўпгина қисми улардан беҳабар қолмоқда. Кўп ҳолларда маънавий-маърифий, ахлоқий-тарбиявий ишларимиз фаол ёшлар билан олиб борилган, холос.

Негаки, бу борада мониторинг ишлари олиб борилмаган.

Айни пайтда эса, ёшларнинг сиёсий маданиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлиги сустилиги туфайли уларнинг жамиятдаги ижтимоий фаоллиги етарли даражада эмаслигига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Келажакда маҳаллаларда, айниқса, олис туман ва қишлоқларимизда спорт майдончалари барпо этишда азалий удумларимиздан бири "Ёшлар ҳашарлари"ни уюштиришда "Камолот"чилар етакчилик қилишлари лозим.

Менимча, етакчиларимиз муҳим масалага, яъни ҳуқуқбузарликка мойил ёшлар билан тарбиявий ишларни кучайтиришга кўпроқ эътибор бермоқликлари мақсадга мувофиқдир.

"Ниҳол" мукофоти, Зулфия номидаги Давлат мукофотларига совриндорларни танлаш, уларни тавсия этиш ишларида ҳам Ҳаракат фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Жиззах вилояти ҳокимлиги ва "Камолот" ёшлар ижтимоий Ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилиб келинаётган "Ёш ижодкорларнинг Зомин семинар-кенгаши" ҳам истеъдодли ёшларимизга қанот бўлмоқда.

— **Ҳаракатнинг истиқболини қандай тасаввур қиласиз?**

— Бугунги ёшлар ниҳоятда билимли, юксак интеллектуал салоҳиятга эга. Буни тан олмасдан иложимиз йўқ. Турли соҳаларда, хоҳ сиёсат, хоҳ иқтисод, хоҳ спорт соҳаси бўлсин, уларнинг қўлга киритган ютуқларини бугун бутун дунё кўриб, билиб турибди.

Шундай экан, ёшларимизнинг барча соҳалардаги салоҳиятини янада кенгроқ рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш, изланиш, интилиш, ташаббускорлик билан ёшларимизнинг ҳақиқий таянчига айланиш Ҳаракатимиз олдида турган муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолиши шарт.

Биз олдимизга қўйган ана шу вазифаларни бажаришда кимга таяна оламиз? Албатта, ёшларга фидойи, эл-юрт истиқболи учун ёниб яшайдиган ёшларга таянишимиз керак.

Шаҳар, туман ва чекка қишлоқларимиздаги ёшларни ўз ордидан эргаштиришга қодир бўлган, ўз юртига хизмат қилишга тайёр бўлган, етакчилик хусусиятига эга ёшларимиз кўп бўла туриб, афсуски, шу пайтгача бундай ёшларни топиш, улар билан мақсадли тарзда ишлашнинг самарадор тизимини йўлга қўя олмаппимиз.

Яна таъкидлаш жоиз: улар биз таянадиган асосий куч! Уларни топиш, тарбиялаш, ўз фаолларимизга айлантириш энг муҳим вазифаларимиздан биридир.

Чунки олдимизга қўйилган катта мақсад ва вазифаларни қанчалик самарали амалга ошира олишимиз энг аввало сафларимиздаги ана шундай ёрқин, етакчилик салоҳиятига эга бўлган ёшларимизга боғлиқдир. Шу ўринда Ўзбекистон Қуроли Кучлари сафида хизмат қилиб, ҳаёт мактабини ўтаб, олий ўқув юртларига ўқишга кираётган ёшларимизни алоҳида тилга олиб ўтиш ўринли бўлар эди. Хабарингиз бор, Президентимизнинг 2005 йил 31 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Қуроли кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига кўра Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотларида фаол иштирок этган аскарларга Олий ўқув юртларига кириб ўқиши учун контракт суммасининг 35 фоизи моддий ёрдам кўрсатиш тариқасида амалга оширилади.

Талаба-ёшлар орасида ҳақиқий обрў-эътиборга эга бўлган бундай ёшларни ҳеч иккиланмасдан "Камолот"нинг ҳақиқий таянчи дея оламиз. Мана шундай ёшларни ҳаракатга жалб этиб, уларга таяниб, алоқаларни мустаҳкамлаб иш қилсак, ўйлайманки, олдимизга қўйган эзгу мақсадларимизга тезроқ етишамиз.

Шу ўринда айрим қўшни давлатларда юз бераётган воқеалар, бузғунчи кучларнинг ўз мақсадларига эришиш йўлида ёшларни ўз қуролига айлантириб, ўз халқига, юртига қарши қўяётган-

ликларининг гувоҳи бўляпмиз. Афсуски, бундай мақсадларни амалга оширишда бу кучлар Ўзбекистон ёшларига нисбатан ҳам гаразли таъсирини ўтказишга ҳаракат қилаётганликлари ҳам сир эмас. Шундай бир шароитда биз уларга қарши туришга қанчалик тайёрмиз?

Ўйлайманки, агар жипслашиб, эзгу ишлар йўлида қудратли тўлқин, ёвуз кучларга қарши бир мушт бўла олсак, ҳар қандай муаммоларни ҳал этиб, юксак бунёдкорлик ишларини амалга ошира олишимиз, Президентимизнинг ҳақиқий кўмакчиларига айланиб ишончини оқлашимиз аниқ.

"Камолот" Ўзбекистон ёшлари ҳамиша ишонч билан таянадиган, ўз ҳаётини "Камолот" сиз тасаввур қилолмайдиган ташкилот бўлиб қолиши лозим. Токи талаба ёки ўқувчи, қишлоқ ёки шаҳар боласи, ёш мутахассис ёки ишсиз, етим ёки ногирон, истеъдодли ёки ижодкор ёш, боринги, аскар ҳам ҳамма вақт, ҳар қандай ҳолатда унга суянсин, ундан мадад ва кўмак олсин, ўз номига яраша манфаат топсин, шундагина "Камолот" барча ёшларни камол топтирувчи, олий мақсадлар сари эргаштирувчи ва ҳаракатлантирувчи ижтимоий кучга айланади.

— Ёшлар нашрларига муносабатингиз қандай? Нашрларнинг Ҳаракат фаолиятидаги таъсир доираси қай тарзда бўлиши мумкин?

— Ҳаракатнинг кенг кўламли ишлари тарғиботини матбуотсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада шубҳасиз, "Ёшлар" телеканали ва ўз муассислигимиздаги газета ва журналларга таянамиз.

Ўтган йиллар мобайнида "Туркистон", "Молодёжь Узбекистана" газеталари, "Ёш куч"

журналларига, улар ўз мавқеларини сақлаб туришлари учун моддий кўмак берилган. Табиий ҳол: ўз нашрлари моддий жиҳатдан қийнаётган бир шароитда "Камолот" қараб турмаслиги керак. Лекин ўйлайманки, нашрларнинг моддий аҳволини яхшилашга кўмак бериб тургандан кўра уларнинг тиражини ошириш учун муассис таҳририят билан бирга жон койитиши зарур. Сабаби, обунаси яхши йўлга қўйилган нашр учун маблағ муаммо бўлмайди. Лекин шу билан бирга матбуотимиз жонкуярлари бўлмиш журналист ва ёш қаламкашлар ҳам ўз нашрларининг мазмун-моҳиятини, сифатини оширишлари йўлида доимий изланишда бўлишлари, ёшлар масалалари бўйича танқидий, таҳлилий мақолаларни чоп этишлари, ҳар бир ёш йигит-қизга ҳамфикр, ҳамдарад бўлишлари зарур бўлади.

Барча бошланғич ташкилотларимиз бу ишга бош қўшишса, шунга эриша олсак, кўзлаган мақсадимизга етамиз деб ўйлайман.

Булардан ташқари "Камолот" ҳаммуассис бўлган "Гулхан", "Гунча" журналлари, "Тонг юлдузи" газетаси ҳам бор. Сизлар нашр этаётган ёш ижодкорларнинг ягона журнали — "Ёшлик" ҳам Ёзувчилар уюшмаси ва бизнинг муассислигимизда чоп этилади. Лекин бу борада ҳам муаммоларимиз бор.

Ўйлайманки, ҳар бир нашр ёшларнинг минбарига, баҳс ва мунозара майдонига айланса, ёшларимиз газета ва журналда ўз муаммосига жавоб топа олса, шундагина марра бизникидир. Бунинг учун ҳар биримизга юклатилган мажбуриятни юксак масъулият билан адо этмоғимиз лозим.



Салим АШУР

ҲАЁТ- кайта кўрғазма



Ёгаётган ёмғирда — малол,
Шамолларда тўзди сўзларинг.
Тун пардаси зич тушган. Хаёл —
Сураётган сенинг кўзларинг.

Борган-келган ул-булларимиз,
Бўлмас энди дўсту дугона.
Бир-бирига зор қўлларимиз,
Бир-бирига энди бегона.

Тупроқларга чўкди изимиз,
Исмимизни унутди тонглар.
Бир-бирини кутган кўзимиз,
Бир-бирининг йўлига томар.

Кипрингинга ҳаловат инди,
Кўзларингдан ўндими биров?
Кўлимизни иситмас энди,
Кўнглимизни куйдирган олов.

Ёгаётган ёмғирда — малол,
Шамолларда тўзди сўзларинг.
Тун пардаси зич тушган. Хаёл —
Сураётган сенинг кўзларинг.

Шунча йиллар ўтди. Кўришиш
Иккимизга насиб этмади.
Менда иш кўп, сенда-чи, ташвиш,
Тақдир бизни қайга элтмади.

Боғ. Уриндиқ. Изҳор ва инкор.
Уртанаман соғиниб дилдан.
Ёмғир, қорлар ёққан шу баҳор
Нега ҳануз чиқмас ёдимдан.



Эсингдами, кўп гапирардим,
Эсингдами, эшитардинг жим.
Сенга яхши кўринай дердим,
Лекин яхши кўринган у ким?

Сочларимга оқ оралади,
Ораларми қалбингга титроқ,
Қисмат мени кўп қоралади,
Айт, қўлларинг ўшандайми — оқ?

Мағрурмисан илгаригидек,
Қилмайсанми ҳеч кимни писанд?
Агар борсам, бўлмаса йўл берк,
Бўласанми хафа ё хурсанд?

Мени жуда қизиқтиради,
Кўзинг, узун бармоқларинг ва —
Юрагимни тирилтиради,
Бизни гап-сўз қилган тоифа.

Эсингдами, тутган гулларим,
Кўлларингга етиб бормасди.
Фақат сенга элтган йўлларим,
Кет десанг ҳам сендан қолмасди.

Сочларингнинг тўлқинларида,
Оқиб кетди қанча кўзларим.
Юлдузларнинг ёлқинларида,
Кўрсатмасдан қанча йиғладим.

Сен билмайсан, туриб бекатда
Эртаю кеч термулар эдим.
Деразада ва ё бир четда
Кўринмасанг емирилар эдим.

Ўтди йиллар. Эсласам сени,
Ўша ёмғир ёғар ёдимдан.
Боғ. Уриндиқ — қийнайди мени,
Чиқиб кетмас ҳеч ҳаётимдан.

Нега бунча ёлғизман, айтинг,
Атрофимда нега ҳеч ким йўқ?
Бу даврадан қайтаринг, қайтинг,
Ё беринг шу жангга лойиқ ўқ.

Хира чироқ нури тўқилар,
Кўкракларга, қўл, елкаларга.
Муҳаббатга монанд тўқилар
Улкаларга ва бекаларга

Бағишланган севги ва нафрат, —
У ўхшайди кимнинг юзига?
Юраклардан тошган ҳарорат
Қайтаради тунни изига.

Бошлар узра сузган тола нур,
Оқбилакка чизади расм.
Денгизлардан чиққан тизим дур,
Оқбўйинда қуради базм.

Беш қадамни баравар ташлаб,
Гул вужуддан нима излар кафт?
Эралардан олдиндан яшаб,
Кўрмаганди бундай ўтти тафт.

Қошки бу кафт уқса гап-сўзни,
Ё уқмаса бир лаҳза тинса:
Чиқаман деб бир тепа излар,
Ё бир йиртиқ соя — беркинса...

Ҳозир ҳаёт чикка ё пукка
Одамлардан ҳақин ундирар.
Кафтлар йўлни солади тикка,
Тирсақлар-чи, йўлни синдирар.

Узукларнинг биллур кўзидан
Нақ юракка сачрайди учқун.
Ҳаёт кечибор борар ўзидан,
Адашади бунда дунё-дун.

Кулдонларда умр сўнади,
Бўялади кўкка ҳаволар.
Шишаларга акслар қўнади,
Қадаҳлардан қайтар садолар...

Азиз Аёл, чанқоғингизда,
Чангу гарддек тўзди қудратим.
Тугмангизнинг ол қопқоғида,
Эсдаликка қолсин сувратим.

Рақс. Қўллар. Оёқлар. Фикр.
Ўз ўрнини тарк этган кўзлар,
Бурмангиздан хаёлдек кириб,
Сийнангизга суйкалар сўзлар.

Шароб ҳиди анқир сўзлардан,
Йўталади тутаб тамаки.
Кўксингизни солиб кўзларга
Айланаётган сизми чарх ёки.

Севармикан титроғингизни,
Белингизга қўнган қора кафт.
Саёқ лаблар дудоғингизни,
Излар, борми уларда бир тафт?

Эркин-эркин парвозларида,
Кўлларингиз чизар эрк расмин.
Қоматингиз пардозларида,
Тўлқину мавж тебранар. Ростми?



Кимга лим-лим ваъда ушлатиб,
Лабингизнинг четидан бармоқ.
Учи билан бўса ушлатиб,
Унга йўллаб, ортидан бормоқ.

Сизга ярашмайди. Одамзод,
Башарият келсин сиз сари.
Ҳозир сиздан айлансин ҳаёт,
Ҳозир сизга тиз чўксин бари —

Кўнгил зарғари!

* * *

У даврага келди. Ўтирди.
Гўё лола келди чет қирдан.
Соқий майда-майда ичирди,
Эски муҳит ўзгарди бирдан.

Ўхшаши йўқ бундай кулгун,
Ким чизибди унинг юзига.
Соқларидек қора қайғун,
Андазаси борми кўзига.

Қошини ким парваришлаган,
Ким ўстирган кўкракларини.
Оқ қўллари қайда ишлаган,
Лабидаги безакларини

Ўргатганми бирор муаллим,
Олганмикан бирор бозордан.
Нигоҳида ишора, минг им,
Асоратми бирор озордан.

Ҳар бармоғи бир боладек шўх,
Елкалари бунча одобли.
Тиззасининг кўзига тин йўқ,
Қадамлари чақмоқли, тобли.

Балки силлиқ билакларини
Дарёларнинг тоши чархлаган.
Вужудининг бўлакларини
Харидорлар қиммат нархлаган.

Қўлларининг ҳаракатида
Сезилади на ғам, на ташвиш.

Ишқнинг савдо, харажати-да,
Олма арчиш каби оддий иш.

"Сизни севиш мумкинми, хоним?
Сизни сира хафа қилмайман..."
Қирқ жойидан оғрийди жоним,
Исми нима қизнинг, билмайман.

* * *

Шавкат РАҲМОН вафотида

Юриб ўтди олов ичидан,
Оловларни ўртаб куйдирди.
Озодликни севаркан — чиндан
Юрагига чуқур уйдирди

Ишқ-муҳаббат, миллат ва Ватан,
Ўзбекона қайғу шаклини.
Қайси уйда қолдирди экан,
Овозини, ўткир ақлини?

Исботлади: "шоир" сўзига,
Мос қофия аслида "темир".
Ун йилдан сўнг тирик кўзига
Тик қарарми ўзидек кимдир?

Гўзал тобут — унинг тобути,
Ҳайқалади ғам оҳанггида.
Хаста суяк сабрдек собит,
Суяклари шеърнинг ранггида.

Гўзал тобут — сози оламнинг,
Жасадини узоқ ухлатар.
Қўли теккан ҳар бир одамнинг
Кўзидаги гулни уйғотар.

"Шоир ўлди!" Ер билан само,
Ҳар юракка эрдан туғ илди.
Шу яқунни биларди, аммо,
Улимлардан қўрқмай туғилди.

ЯШИЛ ГИЁХ

Мени тушун. Сен жуда ёшсан,
Балки ақлинг етмайди ҳали.
Ҳали ёмғир тегмаган тошсан,
Сенга ишқнинг етмаган гали.

Курум ҳиди ўтирган ётоқ,
Дайди кўча ва дорилфунун...
Тирсагинга тегаверар оқ,
Нимчанга гард тегиши мумкин.

Ҳаёт — катта кўрғазма. Унда—
Фақат битта бўлмани кўрдинг.
Яна қанча бўлма бор. Кунда —
Кўришга сен қачон улгурдинг?

Сенга, сенинг соянгга салом!
Қалпоқ, қўлқоп ва яшил пальто.
Фақат яшил бўёқли рассом
Уст-бошингни бўяган гўё.

Гўё қишининг бўлмаларида
Кўрғазмага қўйилган баҳор.
Қизганчиқ ё ношуд бўлмасдан,
Дунё, уни менга ҳам юбор.

Зериктирди эрувгарчилик,
Кўрғазмалар залидек асфальт.
Боғлар буюк. Эй, яшил арча,
Асар каби қилади ялт-ялт.

Яшил рангми, яшил оҳангми,
Яшил расм ёки яшил сон
Ҳаммасини ва яшил ранени,
Севасанми, эй, азиз инсон.

Шунча яшил ранглар юкини
Кўтариб ул гиёҳ толмасми.
Баданига обдон юкиниб,
Яшил ранглар юлқиб қолмасми?

* * *

Кўча совуқ. Тиззагача қор.
У келади — юзида гулхан.
Қарашида уятчан изҳор,
Менга, менга, менга аталган.

Хона иссиқ. Ростлагач нафас,
Пальтосини ечишга ёрдам —
Бераман мен. Қиламан ҳавас—
Қоматида. Ора — бир қадам.

Момиқ ёқа, силлиқ тугмадан,
Балки севги бўйи таралар.
Ҳароратин сезиб ногаҳон,
Битиб борар эски яралар.

Жоду кўзлар, сачраб ўсган соч,
Гирдоб каби тортар сеҳрига.
Меҳр кўрмай ўсган дил муҳтож,
Бошқанингмас, шу қиз меҳрига..





Тоза кулгу қушдек учар. Бас,
Пальтосини кийишга ёрдам —
Бераман мен. Қиламан ҳавас
Қоматиға. Ора — бир қадам.

Бир қадам...

* * *

Деразага юзин босган,
Қарайди тун.
Чироқ шифтга ўзин осган,
Жигари хун.

Қандилларнинг биллурида
Синар соя.
Нурлар югур-югуридан
Томар ғоя.

Бу дунёнинг бисотида
Борми товуш?
Тирикликнинг ҳаётига
Торми ковуш?

Деворларда теп-текислик,
Қиялар тик.
Гоҳ эс кириб, гоҳ эс чиқиб
Биз югурдик.

Шакл билан шаклсизлик
Талашади,
Ақл билан ақлсизлик
Алмашади.

Адашади расм. Русум
Гулқоғозда,
Шарпаларда азал удум:
Жим овозда.

Шовқин-сурон, журунг-жаранг,
Акс-садо,
Етмиш етти бўёғу ранг
Қилар ғавғо.

Деразага кафтин қўйиб,
Қарар зулмат.
Хира чироқ тўйиб-тўйиб
Қилар ҳасрат.

Қандилларнинг биллуридан
Томади дур.
Эри чизик, тўғри чизик —
Югур-югур.

Деворларда гулдастамас,
Нур бойлами.
Бутун ёки шикастамас,
Юлдуз, ойлар.

Соялари бурчакларда
Тушади рақс.
Ҳаволарнинг тўшагида
Дўсту рақиб.

Пардаларнинг гуллариди
Жимиллар нур.
Гўё фикр йўллариди
Қимирлар қурт.

Туш билан ҳуш ўртасида
Йўқдир ҳудуд.
Тун билан кун кулбасида
Ҳаёт унут.

Бир-бирини излаб чопар,
Нур ва соя.
Бир-бирининг устин ёпар,
Шу кифоя.

Соя — ўйган, нурни уйган
Тирқиш — устун.
Қора узум каби куйган
Шом, кечқурун.

Шамол бўлиб шақиллатар
Ойнакларни,
Тутқиқларни лақиллатар,
Чойнакларни.

Тақиллатиб кирар кўчиб
Кеча ва нур.
Ташқарига қарар чўчиб,
Онғ, тасаввур.

Ўтар шарпа, соя сели,
Парда — титроқ.
Деразага яқин келиб,
Қарар чироқ.

РЕСТОРАНДА

Ой, юлдузлар рақсга тушар,
Нур селида дилдирайди дил.
Қатра-қатра қадахлар бўшар,
Чақиради куй чалиб мобил.

Балиқлардек сузар жувонлар,
Дарё эмас, бир куй оқмоқда.
Дарёларда шу куйни ичиб,
Балиқларнинг лаби куймоқда.

Йигит ўпар қизнинг бўйнидан,
Ким қартага ёрини тиккан.
Одамзоднинг бу ўйинидан
Қор уйқуда, ёмғир зериккан

Мен аёлга табрик йўлламан,
Бўса йўллар кўз қисиб хоним:
"Шеърингизга ўзим ўлай ман,
Тунни менга бағишланг, жоним!"

Юрагига қўйиб бармоғин,
"Севаман" деб ёзар ҳавога.
Эркакларнинг сендек ахмоғин,
Тўйдираман дейди ҳалвога.

Тилла санчқи, тилла ликопча,
Тилла қошиқ — сизга хизмат йўқ.
Оқ билаклар... бу талотўнда,
Кимнинг кўзи, кимнинг кўнгли тўқ.

Мен янгиман, бошқалар бугун,
Бу хонимнинг жонига теккан?..
Деразадан мўралайди тун,
Қор уйқуда, ёмғир зериккан.

* * *

Чўктирмагил асло кўнглингни,
Қадрдоним, сўзларимни уқ,
Авайлагин оёқ-қўлингни,
Ташқарида жудаям совуқ.

Нега қўлқоп киймадинг, жинни!
Юзимга қўй ёноқларингни
Қара, кўзинг кетяпти тиниб,
Лабимга бос бармоқларингни.

Ўрамабсан бошингга рўмол.
Ақлинг борми, кеча-кундузда,
Ахир, сендек нозик бир аёл,
Нима бўлар тайрилса музда?

Иссиқ этик кийдингми, жоним,
Илтирми танангни пальто?
Менинг ичим боряпти ёниб,
Утмаганми мендан ҳеч хато?

Қалин шарфни қат-қат ўрагин,
Томоғингга тегмасин йўтал.
Нима керак, мендан сўрагин,
Бировларга бўлмагил маҳтал.

Баланд кўтар ёқангни. Зинҳор,
Қаҳратонга берма юзингни.
Мендан хафа бўлсанг-да, такрор,
Авайла ва асра ўзингни.

Қора қуюн мисоли тошсин,
Атир сочсин ютун жаҳонга,
Совуқ нафас тегмасин. Сочинг,
Қора қирён оқ қаҳратонга.

Қўлларингни бергил қўлимга,
Иситаман кафтимда, ҳозир.
Куф-куфлайман. Сенинг тўғрингда
Қайнаяпти кўксимда бағир.

Аёз тиғи қошингни тилган,
Шарфга ўра титроқларингни.



Чўғдек ёнган кафтларим билан,
Беркитайми қулоқларингни?

Эҳтиёт бўл. Муз жуда юнқа,
Нега тўкин-сочин юрасан.
Мени чақир, ҳар қадамнингда,
Қўлларингдан тутиб тураман.

Уйингга кир. Иссиқ уйингга,
Утин ёриб, мен ёқаман печ.
Менга ўхшаб сенинг кўйингда,
Гангиб-гангиб тушаяпти кеч.

Тун чўкмоқда. Ухла. Ором ол.
Қўлларингни силаб-суяман.
Рухсат берсанг. Олмасанг малол,
Устингни мен ёпиб қўяман.

* * *

Кўрпасидан чиқади шамол,
Совуққотар чайқалган эжони.
Уйғонади уйқудан хаёл,
Чорлар боши оққан томони.

Ёлворади кечаси аёл,
Садо берар сас, товуш туриб.
Эрга ўхшаиш шарпами, шамол,
Ўтиради қўл қовуштириб.

* * *

Чалкаштириб оёғингизни,
Узоқлардан узолмасдан кўз,
Гоҳ у ёқ, гоҳ бу ёғингизни,
Йиғиштириб, тополмасдан сўз,

Гоҳ ойна, гоҳ бўёғингизни,
Рўмолчани ғижимларкансиз.
Олиб нозик сабоғингизни,
Исмингизни ҳижжалаяпти.

Кузатиб қош-қовоғингизни,
Гапиришни машқ қилган қушлар.
Гуллар - сизнинг аймоғингизни,
Этагидан хаёллар ушлар.

Сумкангиздан тароғингизни
Севги — сизнинг содиқ канизак
Олар, гулгун бармоғингизни,
Безантирар уфқ ва фалак.

Ҳилол каби тирноғингизни
Қайси уста, қайси фаришта,

Парваришлар, — чарчоғингизни, —
Тенги борми ахир бу ишда!

Кутиб турмай сўроғингизни,
Қаламу кўп ашқол-дашқоллар.
Гоҳ дудоқ, гоҳ ёноғингизни,
Гоҳ бир, гоҳо минг кўйга солар.

Тарихнинг бор тажрибаси ва
Маҳорати турар оёққа.
Замоннинг бор ҳунари авжда,
Оғаяпти шу ёққа — боққа.

Сочингизни тўғрилайсиз, тез,
Сизга қарши ишлайди шамол.
Сизга беҳол суяниб шу кез,
Ун саккиз ёш топмоқда камол.

Ҳаммасига ясалди якун,
Асосий иш, мана, бўлди ҳал.
Хотиржам ва бемалол, беун,
Варақлайсиз расмли журнал.

Зерикиб боғ ўриндиғида,
Гоҳ ўқийсиз фойдали китоб...
Агар кўзи, юраги бўлса,
Бугун йўлдан адашар офтоб.

ҚИШ ТАСВИРИ

Оқ қоғозга ўхшайди адир,
Ким ўчирган югур-югурни,
Ким ёзаркин муносиб сатр —
Усмон Азим ё Э. Шукурми?

Оқ сиёҳга ботириб оёқ,
Қадам эмас, қаламлар ташлар.
Кеккайган қуш зўр шоир сиёқ,
Оёғи-ла шеър ёза бошлар.

Санчиб тилла чумдугин қорға
Қадар экан оқ тугмаларни,
Зериккандан бир нуқта — қарға
Чақиради кўп нуқталарни.

* * *

Ёз ўтди — умрнинг шаити қайтганда —
Қирқ ёшли йигитдек чиқолмас издан.
Кимлар ўтмадилар... Ростин айтганда,
Нималар ўтмади сиз билан биздан.*

Кўнглимиздан ҳурдай шамоллар ўтди,
Қадам товушлари келмоқда куздан.

Кўчамиздан ойдаи аёллар ўтди,
Нималар ўтмади сиз билан биздан.

Дарёлар, анҳорлар, сойлар... тўхтамас,
Тўлқинлар келмоқда интизор кўздан.
Энди муҳаббат ҳам ишққа ўхшамас,
Нималар ўтмади сиз билан биздан.

Ёз ўтди — тўзғиди ялтир-юлтури,
Ва либос бичдилар икки газ бўздан.
Умр—салтанатнинг кетди путури,
Нималар ўтмади сиз билан биздан.

* * *

Кўзимга кўринди яна тарози,
Ташвишининг кўпи-ю, бахтнинг озиман.
Бизнинг ишимизга ким бўлар қози,
Дўсту душманларим, сиздан розиман.

Нархини белгилар қўшиқларингни,
Кимларнинг қўлида синиқ созиман.
Эй дунё, йиғиштир тўсиқларингни,
Дўсту душманларим, сиздан розиман.

Қани тоғдек юксак мақсад-муддао,
Оддий тош отувчи ўйин—бозиман.
Қайга бошлаб келдинг бизларни, дунё,
Дўсту душманларим, сиздан розиман.

Эй фарзанд, саломат камолга етгил,
Мўъжаз ҳаётингнинг гулгун ёзиман.
Бир кун ёдимизни мунаввар этгил,
Дўсту душманларим, сиздан розиман.

* * *

Бунча чуқур кулгичларинг бор,
Бармоқларинг... ўзингникими?
Шу қиш, шу куз, шу ёз, шу баҳор...
Бари-бари кўзингникими?

Кимлар сеvgи қилмаган изҳор,
Кечикдим мен бу машгулотга.
Менга қара, илтимосим бор,
Жуда чуқур боқма ҳаётга.

Менга оғир бўлиши мумкин,
Тароғингга бахш этилган бахт.
Бунга навбат кутади — сокин,
Қанча-қанча ўрмону дарахт.

Кўзларингдан томчи ранг олса,
Яралади яна юз олам.
Чарақлаб гар жилмайиб қолсанг
Юзта эмас, мингта десам кам.

Секин шошиш, шошқин асталик,
Нозик келиш, нафис кетиш, ор,
Хаста соғлиқ, соғлом хасталик,
Мен ва сендан бошқа кимда бор?

Кимда бордир девона юрак,
Сенда эрк бор, менда — ихтиёр.
Ошиқларинг... кўп бўлса керак,
Менинг сендан бошқа кимим бор?



Яланглик ортидаги маскан

Ҳикоялар

ДУНЁДА УМИД ҚОЛАДИ

70-йиллар ҳикояси

* * *

Кеч куз.

Эрталаб бир “йил” этган қуёш зум ўтмасдан осмон бағрини қоплаб келаётган кўрғошин тусли булутлар панасига ўтиб кўздан йўқолди. Чошгоғга бориб ёмғир томчилади. Салдан кейин совуқ шамол эсиб, ёмғир томчиларини у ёқдан-бу ёққа учира бошлади.

Пахтаси аллақачон териб олинди, гўзалари қорайиб қолган далада ўн-ўн беш чоғли аёл, болалар эгат оралаб юришарди. Бир қулоч хивчинни этигининг кўнжига урганча ўқариқ бўйлаб юрган Номоз бригадир кўзларини қисиб, осмонга қараб кўяркан, асабийлик билан сўкинар ва яна юришда давом этарди. У ўқтин-ўқтин эгат бошида тўхтаб, гўза панасида дилдираб ўтирган аёл ёки болакайни топиб оларди-да, хумордан чиққунча сўкарди. Сўкканда ҳам унақа-бунақа эмас, бўралатиб сўкарди.

— Куймичинг ер искамай ўл, Адолат! Одамларнинг ўлиб-тирилиб юганини кўрмайсанми? Ё улардан ортиқ еринг бўлса, ўзим...

Бригадирнинг овозини эшитиши биланоқ ирғиб ўрнидан турган келинчак юзини кафтлари билан тўсганча лом-мим демасдан, пиқиллаб йиғлаб юборди.

— Э, ўл-а, сийдиккўз! — Номоз бригадир баттар оловланади. — Хе, ўл-а, одам бўлмай! Эркалингингни эрингга киласан. Бу ер дала, пахта фронти, одамлар планни бажарамиз деб ўлиб-тирилиб ётибди-ю, бу эгат ичида мудраб ўтирибди. Эрингга айт, кечаси камроқ ишласин!..

Адолат деганимиз хўнграб йиғлаганча эгат бошига қараб югуриб кетди. Қаттиқ жаҳди чиққан бригадир хивчинни асабийлик билан этигининг кўнжига урганча келинчакнинг ортидан қаҳр билан қараб қолди. Важдатидан Адолатнинг кетидан кувиб бориб, “бўйинини қайириб” олиб келиб кўрак теришга мажбур қилиш шашти бор...

Ўқариққа яқин ерда тик турганча (ўтириш мумкин эмас, бригадирнинг газабига дучор бўласан) кўрак чувиётган, ёши олтмишларга бориб қолган аёл бригадирга гап қотди:

— Кўйинг, бўлди қилинг энди, қайним. Ёш нарса чарчагандир...

— Э, сиз аралашманг, чеча! Эр минан ўйнашишга ёшлик қилмайди-ю, йигирма кило кўрак теришга чарчаб қоладима?

— Йигирма кило кўрак териш қийинмас, лекин қани ўша кўрак? Ҳамма ёқ қоп-қорайиб ётибди-ю...

Шивалаб ёғаётган ёмғир аёлнинг ҳам, бригадирнинг ҳам кийимларини ҳўл қилган, аммо улар бунга парво қилишмасди, чунки иккаласи ҳам бўҳча кўнғиздай қалин кийиниб олишганди.

— Минг қилсаям шаҳарликсиз-да, закунчилигингиз бор, чеча.

— Шаҳарлик деманг-е, — деди аёл нимагадир уялгандек бўлиб. — Шу қишлоққа келин бўлиб тушганимга ўттиз йилдан ошди!..

— Йўт-е, — Номоз бригадирнинг юзидаги қаҳрли ифода ўйчанлик билан алмашинди. Бир зум жим туриб қолди. Сўнг ўзига ўзи гапиргандек деди: — Ўттиз йил бўлдими, а, ўттиз йил-а?!

— Ҳа, кўз очиб юмгунча...

— Эсингиздами, сизди олов атрофидан айлантираётганларида паранжингиздан тортиб қочганим?

— Шумғия эдингиз-да, қайним!

— Шунча йил ўтиб кетдими? Шунча йил...

Номоз бригадирнинг овози ҳазинлашди, кўзларига мунг чўқди. Бу ерда нима учун юганини унутгандек, ерга чўққайиб ўтириб хаёлга толди. Тўрлаган қовундек ажин босган юзида маъсум ифода пайдо бўлдики, кўрган одам уни тилидан заҳар томадиган Номоз бригадирга сира-сира ўхшатмасди.

Шу пайт қарта четидаги тутлар орасида бирдан пайдо бўлиб қолган киши ошиғич тарзда ён-верига аланглади-да, қидирган одамани тополмади шекилли, қўлини оғзига карнай қилиб бақира бошлади:

— Номоз ака, хўв Номоз ака! Райком бова кепти, дала айланармиш. Ҳеч ким кетиб қолмасин, одамларингиз эгат оралаб турсин экан. Хўв Номоз ака!..

Номоз бригадир уйқудан уйғонгандек қаттиқ сесканди. Хабар онг-шуурига тўла етиб бормаган бўлса-да, ирғиб ўрнидан турди. Уёқ-буёғига ҳам қарамасдан тутлар томонга югуриб кетди.

Беш-ўн дақиқа ўтар-ўтмас у яна бояги жойига қайтиб келди. “Чеча” деганимиз аёл “райком бова” деган сўзни эшитган заҳоти эгат оралаб, анча олислаб кетганди. Номоз бригадир уни чақиришга сабри чидамади, пилдираганча аёлнинг ёнига ўзи борди.

— Майрам чеча, мен қишлоққа ўтиб келадиган бўп қолдим. Одамларга ўзингиз кўз-қулоқ бўп туринг. Райком бова келармиш. Ҳеч ким кетиб қолмасин, илтимос.

— Не бўлди, қишлоқда тинчликми, ахир?

— Қишлоқди мелиса босибди. Кимнинг уйдан пахта, чигит чиқса, жавобгарликка тортилармиш... Қисталоқ хотин бир-икки лунги пахта опкеганди...

Номоз бригадир чечанинг жавобини кутмаёқ шошилганча изига кайтди. “Бечора, бунгаям қийин...” деб кўйди Майрам чеча унинг ортидан қараб қоларкан.

Бригадир қарта бошига етди ё етмади... Аёлнинг миясига “пахта чиқса дедими”, деган ўй яшин тезлигида урилди. Юзи бир зумда ўзгариб кетди. Юраги пўкиллаганча белидаги этакни еча солиб, эгат ичига ташлади-да, ўқариқ томон югурди. “Э, Худо, ўзинг паноҳингда асра! — дея тинимсиз пичирларди йўлда югургилаб кетаётган аёл. — Ўзинг паноҳингда сақла!



Ўғлимнинг тўнига соламан деб... уйга пахта обориб қўйгандим!.. Ишқилиб, уйимни кўрмай ўтиб кетишсинда!..”

Майрам чеча керза этигини дўқиллатганча тош тўкилган қишлоқ кўчаларидан зипиллаб бораркан, мелиса кўринмайдами, деган хаёл билан йўлнинг икки тарафидаги ҳовлиларга қараб кўярди.

Ўзи яшайдиган кўчага бурилганда икки уй беридаги қўшнинг ҳовлисига кириб кетаётган “қизил шапка” лиларга кўзи тушиб юраги ёрилаёзди. Оёқларидан мадор кетди...

Майрам чеча айвондаги сим каравотда оёқларини осилтириб ўтирган кўйи китоб ўқиётган ўн икки ёшлардаги неварасининг рўпарасидан ҳансираганча гизиллаб ўтиб кетди. Невара ҳайрон бўлгандек бувисининг ортидан қараб қўйди-да, яна мутулаага берилди. У Павлик Морозов ҳақидаги китобни ўқиётган, ора-сира орзуларга берилганидан китобдан илқис бош кўтариб, номаълум бир нуқтага узоқ-узоқ тикилиб қоларди.

Майрам чеча ҳовлиққан кўйи ошхонага кирди. Тўнлик пахтани қоғоз халтага солиб шу ерга қўйганди. Иссиқ жойда куриб турса чигитлаш осон бўлади. Печкаси ҳали ёқилмаган, уй ичи совуқ, пахта у ерда нам тортиб қолиши мумкин. Майрам чеча ҳаво жуда совиб кетгунча печка ёқмасдан яшашга ўрганганди. Нафақат Майрам чеча, балки қишлоқ аҳли қишда ўтин масаласида анча хасис бўлиб қолишади. Боиси, пахта терими тамом бўлгандан кейин колхоз томонидан гўзапоя йиғиб олиш учун атиги икки кун рухсат берилади. Улови-дастёри борлар керакки ўтинни йиғнаб олишади. Майрам чечага ўхшаган “қўли калта”лар улов-дастёр топаман дегунча берилган муддат ўтиб кетади. Колхоз тракторлари ҳаш-паш дегунча қолхоз ерларига қўшиб колхоз гўзапояларини ҳам ҳайдаб ташлайди. Қиш бўйи чириган гўзапоя қолхоз ерларига ўғит бўлармиш...

Майрам чеча бўйи бир метрдай келадиган қоғоз халтани кўтариб ҳовлига чиқди. Кўзлари аланг-жалаң қилганча бир неча сония қаёққа юришни билмай туриб қолди. Ҳаяжон аралаш кўрқувдан бутун вужуди дир-дир титраётган бўлса-да, мияси тўхтовсиз фикрларди: “Қаерга қўйсам экан? Э, Худойим, ўзинг йўл кўрсат! Ҳожатхонага ташлаб юборсаммикин? Ё худо, нималар деяпман? Ахир увол-ку!.. Чердакка қўйсаммикин... Йўқ, Йўқ, Улар биринчи навбатда уй ичи минан чердакни кўришади-ку! Нима қилсам экан?... — Аёлнинг ҳовли юзини гир айланиб юрган нигоҳи оғилхонада тўхтади. — Пичаннинг тагига тиқиб қўйилди!”

Майрам чеча жони ҳўкилдоғига тиқилгудек бўлиб айвон томонга қараб бақирди:

— Мелис, паншахани опке, тез!

Чамаси ўн-ўн беш дақиқадан кейин қоғоз халтани пичан гарами остига яшириб чиққан аёл эшик занжирини ilmoғига соларкан, кўнглидан хавотир туйғуси буткул аримаган бўлса-да, боягига қараганда анча енгил торганди. Кийимлари ҳўл бўлиб кетганини энди эслади. Этагига илашган хас-хашакни битталаб териб олиб тандир ичига ташлади. Кейин кийимларини алмаштириш учун ичкари уйга кириб кетди.

Шу пайт кўча эшик олдида гўнғир-гўнғир қилганча уч киши пайдо бўлди. Фуқаро кийимидаги бир киши олдинга ўтиб, “меҳмонлар”ни ичкарига бошлади. Бу — қирқ бешларга борган, биткўз киши қишлоқ советининг райси эди. Қишлоқ аҳли уни Убайдулла селсовет дерди. Убайдулла селсовет бошининг сочлари тўкила бошлаган қисмини яшириш учунми, ҳар доим чарм шапка кийиб юради. Эғнида ранги ўчган кител...

— Майрам чеча! Ҳов, Майрам че... Ие, ҳов, небараси бор экан-ку! Ҳов бола, энанг қани?

Мелис оғриниб китобдан бош кўтараркан, уй томон ишора қилди.

— Ҳозир чиқиб қолса керак, — деди бир оздан кейин лоқайдлик билан.

— Тур-е, энангни!.. — Убайдулла селсовет муштини дўлайтирганча бола томонга бир-икки қадам ташлади. — Бўзрайиб ўтирмасдан, чақирмайсанми энангни!

Шундан кейингина Мелис “лип” этиб ўрнидан туриб уйга кириб кетди.

— Ҳозирги болаларни қаранг, кўрқсагина айтганини қилади! — деди Убайдулла селсовет ёнидагиларга.

Майрам чеча эридан қолган эски чопонга ўралиб чиққунча “қизил шапка” лиларнинг ёшроғи айвондаги нарвон орқали чердакка чиқиб кетди. Ўрта ёшли, шопмўйлов мелиса эса турган ерида ҳовлини синчиклаб кузата бошлади.

— Биз сизди далада бўлса керак, деб ўйловдик, — деди баланд овозда селсовет Майрам чеча эшик олдида кўриниши ҳамон. — Сиз бўлса иссиққина уйда биқиниб ўтирибсиз-ку, чеча!

— Вой, ҳозир даладан келдим. Ёмғирни кўрмайсизми? Ивиб кетдик... кетдим... — Майрам чеча ҳозирданоқ довдираётганини пайқаб, кайфияти бузилди.

— Газит-журнал ўқиб турасизми, чеча? — Селсовет саволига жавоб олмаса қўймайдигандек бит кўзларини аёлга тикди.

Чеча ўнғайсизланиб ер чизди.

Аммо индамасликни ўзига эп билмади.

— Ўқиб тураман-ку, лекин кўз курғур олмай қўйди-да, қайним...

— Кўзингиз ўтмаса, ана, небараларга ўқитинг. Қайсидир газетанинг, номи эсимдан чиқибди, кечаги сониди бир бригадир шеър ёзиб чиқибди, қор-ёмғир эмас, тош ёғса ҳам пахтани териб оламиз, деб! Ана, кўрдингизми...

Убайдулла селсоветнинг авзойидан ҳали анча-мунча гапириш нияти борлиги сезилиб турарди, аммо шопмўйловли мелиса унга имкон бермади. Селсоветни нари суриб, чечага ўзи рўбарў бўлди.

— Чеча, мен ҳозир сизга бир савол бераман, фақат тўғри жавоб берасиз, — деди у аёлга юзланиб. — Ёлғон жавоб учун қандай жазо белгиланганини билсангиз керак.

Бу вақтда навқирон мелиса чердақдан тушиб, кийимларини чангини қоқа-қоқа уй ичига кириб кетди. Майрам чеча зимдан унинг ортидан қараб қўйди.

Шопмўйлов мелиса сўзини давом эттирди:

— Уйингизда, умуман ҳовлингизда чигит ё пахта яширганмисиз?

— Чигит... Чигитни нима қиламан, айланай... — деди Майрам чеча бир оз тутилиб.

— Алдамаяпсизми? — Шопмўйлов мелиса айвон супасига бир оёғини қўйиб сумкасини тиззасига қўйди-да, ундан аллақандай қоғозларни чиқарди. Сўнг чечага юзланди: — Алдамаётган бўлсангиз, манави қоғозга қўл қўйиб берасиз. Лекин яна қайтариб айтаман, об-ҳаво ноқулайлиги туфайли давлатимиз пахта планини бажара олмай турган бир вазиятда сиз уйингизда бир килодан ортиқ пахта ё чигит олиб ўтирган бўлсангиз жиноий жавобгарликка тортиласиз!

Майрам чечанинг юзи қўрғошин тусини олди. “Қулт” этиб ютинди. Наҳот кутгандек селсоветга жовдиради.

Убайдулла селсовет эса чеча томонга қарай демасди, ҳовлини кўздан кечириётгандек тутарди ўзини.

Майрам чеча олазарак нигоҳлари бир тўхтамга келгунча ерга тикилиб турди-да, сўнг қатъиятсизлик билан деди:

— Алдаб... ўлибманми...

— Мана бу ерга қўл қўйинг.

Майрам чеча қоғозга энгашган пайтда навқирон мелиса уйдан чиқди-да, ошхона тарафга ўтиб кетди. Салдан кейин ичкаридан Мелис ҳам чиқиб айвон

ўртасида туриб қолди. Унинг икки кўзи ёмғирда: ҳалигина шивалаб ёгаётган ёмғир энди жалага айланган эди.

— Ҳамма ёқ топ-тоза,— деди кийимларию сочлари жиққа ҳўл бўлиб кетган ёш мелиса югуриб айвонга ўтаркан.

Шу гапдан кейингина селсовет чечага юзланди:

— Бўпти, биз сизга ишондик, чеча,— деди у.— Аммо ёмғир тиниши билан далага чиқинг!

Селсовет кўча эшик томонга юрди.

Шопмўйлов мелиса эса негадир ўрнидан жилмади.

— Наҳотки йигирмата хонадондан биронтасидан ҳам чиқмаса! — деди у ҳайрон бўлиб турган навқирон шеригига қараб. — Ҳамма ёқ топ-тоза деб борсак, ким ҳам ишонарди гапимизга. Яхшилаб қарадингми ўзи? Сенга ишониб тагин... Пахта ичида яшашсаю, наҳотки қишда эрмак қилиб чигитлаш учун ҳам бир грамм пахта олишмаса?

— Чиндан ҳеч нарса йўқ...

— Сен буларни билмайсан. Туяни ютвора салар ҳам думини кўрсатишмайди. Ёқасидан олиб яхшилаб сиқиштирсанг, кейин кўйни-кўнжиларидаги ёмғирдай тўкилади!

“Қутилдим-ов...” — деб эндигина енгил тин олган чечанинг қовоғи осилди. “Тезроқ олиб кета қолсанг-чи,” дегандек селсоветга мўлттиради.

Шопмўйловли мелисанинг нигоҳи айвон устунига суяниб турганча ёмғир ёғишини томоша қилаётган Мелисга тушди.

— Ҳов бола, бу ёққа ке! — дея буюрди у атай овозига пўписа тусини бериб. Мелис ботинқирамасдан яқин келгач ундан сўради: — Нечанчи синфда ўқийсан?

— Бешинчида...

— Аьлога ўқийсанми ё иккичимисан?— Шопмўйлов боланинг иззат-нафсига тегадиган кейинги сўзни атай масхаромуз оҳангда айтди.

Мелис қаддини гоз тутиб бурро жавоб берди:

— Аьлога ўқийман! Яқинда мени комсомолга қабул қилишди. Муддатидан олдин тагин...

— Комсомол қанақа бола бўлиши керак, биласанми ўзи? — Шопмўйлов айвон супасига кетини кўйиб, бафуржа ўтириб олди.

Майрам чечанинг бутун вужуди кўзга айланиб, неварасига тикилиб қолди.

— Комсомол тўғри сўз, виждонли, жамоат ишларида барчага ўрнак бўлиши керак! — Мелис ҳозирнинг ўзида комсомол сафига қабул қилинаётгандек пионер вожатийси ўргатган сўзларни тўтиқушдай такрорларкан, хаёлида “Нотўғри гапирмаяпманми?” деган хавотирдан бошқа ҳеч вақо йўқ эди.

— Комсомолга ўтиш ниятинг жиддий бўлса ҳозир тўғрисўзлигингни исботлайсан, — деди шопмўйлов, унинг нигоҳи илонни авраётган сеҳргарнинг кўзларидек совуқ ва ёқимсиз эди. — Пахта қаерда?

— Қанақа пахта?..

— Энанг даладан келаётганда лунгисига солиб олиб келган пахталарни айтяпман-да.

— Ҳа, уними, уни анови оғилхонадаги пичаннинг остига тиқиб кўйди-ёв энам.

Майрам чечанинг оёқларининг учигача музлаб кетди. Болдирлари дир-дир титради...

Суддан чақирув қоғози келганда Майрам чеча ўзини буткул йўқотиб кўйди. Икки кўзи қоғозда-ю, ҳадеб бир сўзни такрорларди: “Вой ўлай... Вой ўлай... Вой ўлай...”

Чеча оёқларини судрагудек босиб зўр-базўр айвондаги қаработга етиб олди-да, жон танини тарк этгандек “шилқ” этиб қулади. Анча вақт шу кўйи ётди. Қаработнинг симтўрларлари юзига ботиб, тарам-тарам из қолдиргани, ўрни қизариб, ачишаётганини сезмасди. Мияси ари уясидек гувилларди. Бирдан: “Энди нима қиламан?” деган ўй

миясига урилди. Ўрнидан туриши, нимадир қилиши кераклигини ҳис этди, аммо қимирлашга ҳоли йўқ эди.

Анчадан кейин барибир ўрнидан турди. Тура олишга ўзида куч топди. Оғир касалдек инқиллаб қаддини ростларкан, мажолсизлик билан ён-верига аланглади:

— Мелис... ҳов Мелис...— дея чақирди у ҳазин товушда.

Кўча эшик олдида ўртоғи билан нималарнидир пичирлашаётган Мелис кўрқа-писа яқинлашди. Уни кўриб чечанинг тиришган лаблари асабийлик билан бурилди.

— Бор, аянгни чақириб ке, — деди зардали оҳангда. — Даданг уйда бўлса айт, тез келсин!..

— Уйга борсам аям уради,— дея Мелис тайсаллади.

— Урса ўлмайсан, бор дедим сенга!..

Мелис истар-истамай кўча томонга юрди.

Майрам чеча қўлларини иягига тираган кўйи уйга толди. Юзи шу қадар қайғули эдики, гўё ҳеч қачон кўлмагандек...

Чечанинг беш қиз, бир ўғли бор эди. Аммо айни дақиқада онанинг ёнида уларнинг бирови ҳам йўқ. Иккита қизи бухороликларга келин бўлган, туз-насибалари, тақдирлари ўша ёқларга битилган экан. Яна иккита қизи шаҳарда яшашади. Ойда-йилда бир-икки келишади. Кенжатоғи, ёлғиз ўғли ҳарбийга кетган, декабрнинг охирларига келиб қолса ажабмас. Балога қолган Фотима қизи (Зухраси чақалоқлигида оламдан ўтганди), бир кўча нарига келин бўлиб тушган, кунда бўлмаса ҳам кунора келиб онасидан хабар олиб кетади. Бундан ташқари эрини бир амаллаб кўндириб, катта ўғли Мелисни онасига бериб кўйганди. Ўн икки яшар бола чечанинг оғирини енгил қилиб кўймайди-ю, ҳарна далда бўлади-да. Энди элик тўққизни қоралаётган аёл ҳаётда кўп қийинчиликларни ўтказган, эти меҳнат билан ғамда қотган... Жуда жонидан тўйиб кетган вақтларда ҳам (бўлади-ку шундай ҳолатлар) аёл яшашга ўзида куч топа олган. Бу куч — недир бир умид, умидворлик ҳисси эди. Умид ҳеч қачон аёлнинг олдига келмаган, уни аёлнинг ўзи ўйлаб топган, яратган. Дунё қалқиб турган улкан Яланглик. Бунда абадий нарсанинг ўзи йўқ. Кунларнинг бирида ҳамма-ҳаммаси улкан Ялангликдан сирғалиб кетади. Бироқ ҳаммаси барбод бўлган тақдирда ҳам дунёда умид қолади деб...

Чеча ўша кун қизини чақиртириб бўлган воқеани айтиб берганди. Ўелининг қақимчилик қилганидан газабланган Фотима Мелисни ҳовлини гир айлантириб қувлаган, аммо ета олмаганди. Мелис отилиб кўчага чиқди-ю аллақайёққа гумдон бўлди. Худ-бехуд юрган чеча набирасининг қаёққа кетгани ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади. Кейин билса Мелис ўқитувчиси Садр муаллимнигига қочиб борганмиш... Бу гапни ундан-бундан эмас, муаллимнинг хотини Сорабудан эшитди. Сорабу қош қорайганда келиб айтдики, Мелисингиз бизнинг уйда ўтирибди. Излаб, овора бўлмангизлар деб, айтгани келдим.

Уйга киргиси келмай симкаравотда ўй суриб ўтирган Майрам чеча таажжубланганча деди: барака топгур, юр уйинга, деб бошлаб келабермасиз-да!

Шунда Сорабу муҳим сирни ошкор қилаётгандек овозини бир парда пасайтириб сирли оҳангда деди: “Мен-ку олиб келаберардим-а, маллим қайнингиз йўл кўймади. Ҳақ гапни айтгани учун болага зугум қилган ота-энаминан бошқа ерда гаплашаман, деб аччувланиб ўтирибди!”

Майрам чечанинг кайф-капалаги учди. Вой, ҳали бу бало ҳам бормиди, дея йиғламсираганча қозининг уйига югурди. Фотимаси бир бало-да, икки соатча йўқ бўлиб кетса-да ҳар тугул Мелисни олдига солиб олиб келди. Набирасининг қилигидан чечанинг кўнгли иккинчи бор озор топди, аммо болага гинг демади. Кўёв оғриниши мумкин.



Ҳамон иягига қўлини тираб хомуш ўтирган Майрам чеча орадан ярим соатдан мўдроқ вақт ўтганини, қизи билан куёви Санжар ўйчан қиёфада кириб келишганини сезмай қолди.

— Энажоним-а... — Фотима эгилиб онасининг кўксига бош қўйди

Майрам чеча куёвига қарашга уялди.

— Мановини юборишибди... — деди у сўрашиб бўлганларидан кейин титроқ қўллари билан қоғозни узатаркан.

Санжар уч кун бурун иш юзасидан Тошкентга кетганди. Ҳойнаҳой бугун келган бўлса керак, кеча ё ундан олдин кунлари келган бўлганда Фотима уни аллақачон бошлаб келган бўларди.

— Ўша кунни ҳужжатларга бекор қўл қўйгансиз. Аксига олиб менам уйда бўлмаганим-чи. Шу ерда бўлганимда ўзим бир бало қилиб тўғрилардим... — Санжар қоғозга кўз қирини ташлади-ю, лекин қўлига олмади.

— Иложи бормиди... — Чечанинг ўзи истамаган ҳолда овози хастаникидек заиф чиқди. Бундан куёви олдида баттар ўнғайсизланди.

— Қўлига тўрт-беш сўм бериб ҳужжатини олиб қолардим-да.

— Ҳалиям шундай қилса бўлмайдимиз? — деб сўради Фотима ҳовлиқиб. У ҳалидан бери эридан кўз узмай турганди.

— Энди кеч бўлди-ёв. Улар ўша кунидек ҳужжатларни расмийлаштириб қўйишган. Ана, суддан қоғоз ҳам келибди-ку. Бу дегани...

Чеча куёвининг салқиган юзидан ташвишли ифодани кўриб хавотири кучайди.

— Суд қилишадими энди?

— Терговга қатнаб турунг-чи, бу ёғини мен бир суриштириб кўрай... Битта сиз эмасдирсиз!

— Қамаб қўйишмайдимиз?.. — Бир неча кундан буён чечанинг бўғзини қуйдираётган сўз тилидан учди.

— Аввал тергов қилишади, кейин суд...

— Вой ўлмасам... Ҳали қора курсида ҳам ўтираманми?!

Санжар жавоб бермади. Кўзларини олиб қочди.

Фотима зўрға турган эди. Ўзини тутолмай йиғлаб юборди. Йиғлай туриб бехосдан ошхона ёнида биқиниб турган Мелисни кўриб қолди ва бор овози билан уни қарғай бошлади:

— Ҳаммасига сен жувонмарг айбдор! Қилгиликни қилиб қўйиб, биқиниб туришини-чи! Қайси бет билан юрибсан энангди олдида?! Ҳали шоммай тур, қўлимга тушсанг, нақ жонингни суғуриб оламан!

— Болада айб йўқ, — деди Санжар хотинига маъноли қараб.

— Қўлимга тушса уриб ўлдираман, ҳа, мана кўрасан!.. — дея жавради Фотима эрининг қарашига парво ҳам қилмай. У аламдан ўзини кўярга жой тополмаётганди.

— Қўй, уришма, тагин маллиминикига қочиб кетмасин... — деди чеча ва қизининг этагидан тортиб қўйди.

— Маллими Садр кўзойнакми?.. Э онасини!.. — Санжар сўкиниб юборди. Фотиманинг кўз олайтиришидан кейингина қайнонаси олдида турганини фаҳмлаб, Майрам чечага узрли нигоҳ ташлади. Сўнг хотинига юзланди: — Эсингдами, бу қари тулки бизни нима деб кўрқитарди? Каттакон дурбиним бор, ҳаммангни ўтирган еримда кўриб, кузатиб тураман. Ёлғон гапириб мени алдасанг ҳам, дурбинимни алдай олмайсан, дерди!

— Мен тўққизинчи синфгача унинг чиндан ҳам дурбини борлигига ишониб юрганман... — Фотиманинг лаблари истеҳзоли жийрилди.

— У илондек аврарди-да... — Санжарнинг гапи чала қолди. Юзи докадек оқарган Майрам чеча ёнбошига оға бошлаганди...

Майрам чеча кечгача инграниб, алаҳлаб ётди. Ким келди, ким кетди, билмади. Ора-сира: “Одил?!. Одил келдими?..” деб кўярди эшитилар-эшитилмас қилиб.

Фотима Мелисни алдаб чақириб тутиб олди-да, ичкари уйга қамаб роса таъзирини берди. Қўрққанидан дағ-дағ қалтираётган бола калтак ҳали баданига келиб тегмасдан дод-вой солар, юлқиниб, қочиб чиқишга уринарди. Жазавага тушган Фотима ўзини сира ҳам боса олмай қолган, ўглининг дуч келган ерига мушт туширарди. Ниҳоят, Мелис бир амаллаб онасининг паншаҳадек панжалари орасидан қутилиб чиқди-ю ҳўнграб йиғлаганча ўзини кўча эшикка урди.

Икки кун ўтиб Майрам чеча қизининг қаршилигига қарамасдан ёлғиз ўзи уйдан чиқди...

* * *

Қора дерматини қопланган эшикни кўрқа-писа очган чеча хона тўридаги стол ёнида тик турганча аллақандай қоғозларни кўздан кечираётган кўзойнакли кишига кўзи тушиб юраги шувиллаб кетди.

— Мумкинми?..

“Кўзойнак” ялт этиб қараб қўйди-да, индамай ишига машғул бўлди. Майрам чеча сарғайиб турди, гураверди. Йигирма дақиқалардан кейин “Кўзойнак” ишини яқунлади чоғи, қоғозларни тахлаб бир четга суриб кўяркан, қошларини чимирганча маҳтал турган чечага юзланди:

— Хўш, хизмат?..

— Мановини юборган экансизлар... — Майрам чеча остона ҳатлаб ичкарига кирди-да, “Кўзойнак”ка қоғозни узатди.

— Э-ҳа, пахта ўғирлаган аёл сизмисиз?! — “Кўзойнак” очиқ-ошқора чечани бошдан-оёқ кузатди. Заҳил, бунинг устига сувчечак изи қолган юзидан истеҳзоли табассум ўйнади.

Майрам чечанинг юзи чидамади. Бошини қуйи солди.

— Ўтиринг!

Чеча “Кўзойнак” кўрсатган стул томон юрди. Ўтираётиб стулни оқроқроқ сурмоқчи бўлди, аммо уни силжитиш тугул қимирлата ҳам олмади.

— Стул михланган!

“Кўзойнак” мийиғида кулимсиради. У ҳалигина четга суриб қўйган қоғозларни яна қўлига олиб кўз югуртира бошлади. Орада кўзойнагини олиб, дастрўмоли билан яхшилаб артки-да, қаншарига қўндирди. Лекин нимадандир кўнгли тўлмади шекилли, яна кўзойнагини қўлига олди. Дастрўмолини бир-икки силтади-да, тагин кўзойнагини арта бошлади. Зимдан уни кузатиб ўтирган Майрам чеча кўзойнак “Кўзойнак” учун яхшигина эрмак эканлигини пайқади.

— Хўш, демак, бошлаймиз, — деди “Кўзойнак” ниҳоят. — Мен терговчи Валиев бўламан. Сизнинг “иш”ингиз менга топширилган. Гражданин терговчи деб мурожаат қиласиз.

Майрам чеча “Хўп” дегандек бош ирғади. Ичида бир неча марта “гражданин” деган сўзни такрорлади, аммо терговчидек тўғри талаффуз қила олмади. Балки озиқ тишлари тўкилиб кетгани учун уқувсизлик қилгандир.

Терговчи исми-шарифини, туғилган йилини сўраб ёзиб олаётганида ҳам аёл хаёлан ўша сўзни такрорларди.

— Ота-онангиз ким бўлган? Уларни эслай оласизми?

— Ҳа, эсламай ўлибманми? Отам бир умр босмачиларга қарши курашиб ўтган. — Аёл ҳар бир сўзни алоҳида урғу билан сўзларди. — Ўттиз тўққизинчи йили... отилган. Энам уруш бошланган йили...

— Эрингиз?..

— Чолим мендан анча ёш катта эди. Қирқ олтинчи йили урушдан баданида ўқ минан қайтган. Мен у пайтлар

бўй қиз эдим... Олтмиш бешинчи йилнинг трамосида оламдан ўтди... — Ҳаво етишмаётгандек чечанинг юзи бўғриқди. Бўшашиб қолди.

Зимдан аёлни кузатиб ўтирган Валиев томдан тараша тушгандек қалтис савол берди:

— Нима учун пахта ўғирладингиз?

Аёл қаттиқ сесканди. Терговчига мўлтираб қаради.

— Менга бундай қараманг, саволга жавоб беринг!

— Ўғирлаганим йўқ...

— Ёлгон гапирсангиз айбингиз оғирлашади. Шуни аввалдан айтиб қўяй. Мана, мана бу қоғозда ёзилган, уйингиздан бир қоп пахта чиққан. Ўзингиз қўл қўйиб тасдиқлаб бергансиз. Қопга қанча пахта кетишини биласизми? Агар преслаб босилса...

— Бир қоп эмас, қоғоз халтада эди, — деб юборди чеча кўзлари ола-кула бўлиб.

— Қоғоз халтами, латта халтами, барибир эмасми! Давлат мулкига кўз олайтиргансиз. Халқимиз давлат олдида берган ваъдасини бажаролмай турган долзарб паллада сиз жиноятга қўл ургансиз!

— Ўғирлаганим йўқ ахир!

— Ўғирламаган бўлсангиз кимнинг рухсати билан колхоз даласидан пахта олдингиз. Рухсатномангизни кўрсатинг!

Майрам чеча анграйиб қолди.

— Ким рухсат берди? Колхоз раисими ё бригадирми? Айтинг! Мен ўша одам билан гаплашаман.

Терговчининг жанговар ҳайқирғи чечани ҳушига келтирди. Қаршида қароқчилар бошлигини қўлга туширган азаматдай кўзлари ёниб турган терговчига ҳайқириб қаради, ниманидир эслагандай бўлди. Бир вақтлар отасининг юз-кўзларида худди шундай, голибона ифодани кўрганди: “Жўра қўрбошини қўлга туширганимизда!..” Шўрлик отаси ўзи орзу қилган “коммунизм гулбоғлари” да даври-даврон суролмади, хизматларига яраша ҳаққини олди: ўттиз тўққизинчи йилда отилиб кетди! Отилмаганда ҳозир фахрий министрлар қаторида юрган бўлармиди... Раҳматли чоли урушдан орттириб келган жароҳатлари дастидан рўшнолик кўрмай ўтиб кетди.

— Жавоб беринг! Ким сизга рухсат берди?

Майрам чечанинг юраги титраб, тез-тез уриб кетди. Ниманидир дегиси келди. Ахир терговчининг гап авзойи ниманидир ваъда қиляпти-ку!

— Жавоб берасизми? Қанча кутишим керак, ахир бекор-чи одам бўлмасам!

Майрам чеча бармоқларига тикилди. Лекин айна лаҳзада у бармоқларини кўрмасди.

— Тортинманг, айтаверинг... — Терговчининг овози аввал секинлашди, кейин мулоимлашди. — Раисингизни жуда яхши биламиз. Пахта планини ҳар йили қандай қилиб бажаришидан ҳам хабаримиз бор. Биз фақат арқонни узун ташлаб қўювдик. Шунинг учун бемалол гапираверинг. Ҳаётнинг ҳақиқий хўжайини сизлар, оддий меҳнаткаш халқ! Шундай бўлгач, бемалол, тортинмай гапираверинг.

Бирдан ҳаммасидан қутилгиси келди чечанинг. Бир оғиз гап, бир луқма холос, бу ташвишлар барҳам ейти. Кўзойнак ортида йилтираб турган кўзлар ҳам шуни ваъда қиляпти-ку. Бироқ! Чеча буни ўзига эп кўрмади.

— Ҳеч ким рухсат бергани йўқ. Киши ўз даласига ҳам бировдан рухсат сўраб кирадимиз?

— Боринг, яхшилаб ўйлаб, эртага келинг!

Майрам чеча аста ўрнидан турди.

Уйга зўра етиб келди. “Нима бўлди?” деб сўрашга ботинолмай мунғайиб турган Фотимага чурқ этмади. Уйга кирди-да, қоронғи бурчакка ўтириб чуқур хўрсинди, зим-зиё бўшлиққа тикилди, ўзоқ тикилди.

Фотима дастурхон ёзди, чой дамлади. Нон ушатиб, пиёлада чой узатди. Майрам чеча қилт этмади. Қизарган милкларидан илиниб турган бир жуфт гавҳар дончалар киприк қоқишига маҳтал турарди...

Фотима тахмон ёнидаги қалчиллаб турган табуретка устидаги эски, кичкина телевизорни қўйди. “Ойнаи жаҳон”нинг мурватлари аллақачон тушиб кетган, уларнинг вазифасини занглаган омбур бажарарди. Шу омбур телевизорнинг ёнида турарди. Фотима эса уни “қидириб” тополмасди.

— Анави савилни кўрмадингизми? — Фотима шундай дея ўтирилганда Майрам чеча аллақачон ҳовлига чиқиб кетганди. Фотима телевизорни ўчиришни ҳам унутиб онасининг ортидан югурди. Майрам чеча ўгирилиб қарамаган бўлса-да, қизининг изма-из келаётганини пайқаб қўл силтади.

Фотима кўча эшик олдида туриб қолди.

Ер лой... Ҳаво нам, рутубатли эди. Кўча тул хотиндай ғамгин, зимистон... Билчиллаган йўлнинг иккала тарафидаги дарахтлар ортида пусиб турган шум тақдирнинг мунгли кўшигидай қайғули сукунат юракка ваҳима соларди.

Бир-бирига ўхшаш уйлар ёмғирга бўқиб, шумшайиб турарди. Қишлоқ аҳлининг феъли-хўйида умумий бир муштараклик бор эди. Улар ҳамма нарса ҳақида бош қотиришса-да, ҳовли-жойларига қарашга, уёқ-буёқни таъмирлашга сира ҳафсала қилишмасди. Бу уларнинг беғамлиги туфайли эмас асло. Улар кутишарди, сабр-тоқат қилишарди. Чунки саксонинчи йилда коммунизм қурилса ҳамма нарса текин бўлади; ана шунда барча муаммоларни ҳал этамиз деган фикр онг-шуурларига ўрнашиб қолган.

Майрам чеча ўзини Номоз бригадирнинг уйи олдида кўрди. Бир зум иккиланиб турди, сўнг аслида оёғи тортмаяпти-ю, лекин ўзини ўзи мажбурлаётгандек икки ўй талашида секин ҳовлига ичкарилади.

Номоз бригадир айвон чироғининг хира ёруғида устунга суяниб ўтирган кўйи этигини ямаётган эди. Дарвозахонанинг қоронғи қисмида турган шарпа-чечага кўзи тушиб бир туксинди, “Бу менман, қайним...” деган овозни эшитгандан кейин дадил тортди.

— Бугун бориб тергов бериб келдим. Бир қоп пахта ўғирлагансан, деб роса обориб-опкелди...

Майрам чеча терговчи билан ораларида бўлиб ўтган суҳбатни шоша-пиша, қисқа, аммо бошдан-охир айтиб берди. Охирида:

— Мен шуйтиб қамалиб кетавераманми? — дея кўзига ёш олди.

— Оббо, занғар, шундай дедими-а?

Номоз бригадир бошини қашиганча ўй суриб қолди. Бу нимагадир Майрам чечанинг зардасини қайнатди.

— Бир мен эмасдир, колхоз даласидан пахта олган? Ўшанда сиздям келинчагингиз йўл-йўлакай лўппилўппи пахталарни териб келганди!

— Бу қизигар ҳам... — Номоз бригадир ўнғайсизланиб ерга қаради. Сўнг ниманидир эсига тушиб чехраси ёришди. — Биззикилар ҳам озроқ опкеган экан. Ўтган ҳафта ёмғир ёғиб, терим бўлмаганда уйдаги пахтами топшириб юборганман. Сувга бир-икки бўктуриб олдим-да, бори шу деб... Энди ўйлаб кўриб яхши қилган эканман, деяпман-да.

Номоз бригадир енгил тортгандай бўлди, чечанинг юзига тик қаради, қарадио шу заҳоти ранги ўчиб кетди.

— Мен раисга учрашиб кўрай-чи, деди у шоша-пиша. Бир иложини қилармиз, ахир. Бу дунёда битмайдиган иш борми?

— Ҳозир... борасизми?

— Ҳа, ҳозирда, — Номоз бригадир ҳамон кўлида бир пой этигини ушлаб тургани энди эсига тушди. Бир қават “пўсти” кўчиб тушган, қирқ ямоқ пойабзалга санчилган жуволизни суғуриб олди ва этикни “тап” этиб ерга ташлади-да, қўнжига яланг оёғини суқди.

— Уйдаям этигингизни ечмас экансиз-да, қайним, — деб қўйди оқарган, жонсиз юзига қон югурган чеча бригадирнинг иккинчи оёғидаги, даладан қайтгандан бери ҳали умуман ечилмаган этигига ишора қилиб.



— Биз солдатмиз, чеча, солдат!— деди Номоз бригадир андак гурурлангандек бўлиб. — Фақат қўлида милтиги йўқ солдатмиз, чеча, милтиги йўқ...

Майрам чеча хиёл кулимсиради. “Ичмагансиз-да, қайним, ичмагансиз!” дегиси келди. Бу гапни айтди ҳам. Фақат ичди.

— Идорадан қайтишда кириб ўтаман, — деди Номоз бригадир.

— Шов-шув бўлиб кетмасин тагин...

Майрам чеча ҳовлисига кириб келганида руҳан анча тетик эди. Бу дунёда ёлғиз эмаслигини ҳис қилиш унга далда, улкан суянчиқ бўлди. Уй ичкарасидан келаётган гўнғир-гўнғир овозларни эшитиб эшик олдида таққа тўхтади. “Кўшнилари чиқишибди!” Бошқа вақт бўлганида тўғри кириб бораверарди. Лекин ҳозир... “Турқимни кўриб қўрқиб кетишмасин...”

Майрам чеча секин ортига қайтди. Ҳовли саҳнидаги нам торган ёзги сўри четига омонат ўтирди. Бирорта кино ёки “Оталар сўзи, ақлнинг кўзи”га ўхшаш кўрсатув бошланди шекилли, ичкаридаги гала-ғовур тиниб, ёқимли мусиқа эшитилди.

Чеча оғир уф тортди. Ҳозир ёлғиз қолиш учун ҳар қандай қурбонликка рози бўлса-да... ўзини босди: “Икки-икки ярим соат ўтар-кетар!” Қўни-қўшнилари кун-кунора телевизор кўришга чиқишларига кўникиб кетган. Ичиди малоланса-да, сиртида билдирмайди. Бу кўчада фақат икки кишида телевизор бор: Номоз бригадир ва Майрам чечадан! Бригадирга телевизорни колхоз берган. Икки йил кетма-кет пахта планини ошириб бажаргани туфайли. Майрам чеча эса ундан сал олдинроқ олганди. Шаҳарлик қариндошлариникига боришганда “дилбузар” деган мўъжизани кўриб, раҳматли чолини ўз ҳолига қўярда-қўймай, шу матаҳдан биттасини олиб қайтишга кўндирганди. Трамонинг серёгин, пешинга бориб ҳам ёришмайдиган, тунд, файзсиз кунлари кечки овқатдан кейиноқ; бир тутам бўлса-да ўта зерикарли қиш кунлари шом тушар-тушмас уй одамга тўлиб кетади. Майрам чеча меҳмонларнинг олдида бир этак жун ташлаб қўяди. Қўшнилари — эркакми, аёлми, деярли ҳаммаси жун титишади, ҳам телевизор томоша қилишади. Баъзида пахта чигитлашган кунлари ҳам бўлади... Номоз бригадирнинг уйига камдан-кам ҳолларда боришарди. Қўрққанларидан эмас. Бригадирнинг кечаси колхоз идорасидаги “наряд”дан кейин ичадиган одати бор эди. Кўрсатувлар яримлагунча балодай ўтирган бригадир энг қизиқ ерига келганда бирдан йиғламсирашга тушади: “Мен шу тилбузарни деб, шугинани деб ҳаммангни энангга ўйнаш бўлдимми?” деявериб одамни қон қилиб юборади. Бу ҳам етмагандай кино тамом бўлар-бўлмас телевизорни токдан суғуриб олиб, даст кўтаради-да, дуч келган одамнинг қўлига тутаяди: “Опкет, менга керакмас!”

Тонг бўзармасдан эса... Кўчадан бригадирнинг овози эшитилади: “Энангни!..Турдибой, ҳалиям ётибсанми сасиб?!”

Баданидан совуқ ўтган чеча аста ўрнидан турди.

Меҳмонлар уни кўришлари ҳамон ялтоқланганча сўраша кетишди.

— Пахта-махта, жун-пун бермайсизми, чеча? Қўлимиз бекор туриб қолди-ку! Биз гимирлаб туришга ўрганиб қолганмиз.

Кимдир телевизор овозини пасайтирди.

— Овора бўлмангизлар, кўраверингизлар. Мен шундай, бир пасга...

— Пахта беринг, чеча, пахта!..

Майрам чеча зўра деди:

— Пахта йўқ эди...

Ҳалиги киши ҳам бас қила қолмади:

— Қўлимиз қичиб бораяпти-да, чеча...

Майрам чеча оғринди. Икки соатлик томоша деб, кап-катта эркакнинг — ҳаётнинг ҳақиқий ҳўжайинининг

ялтоқланиши аянчли туюлди. Индамаслик, жавоб бермаслик янада аламли...

— Қўлингизга айтинг, оқшом дам олсин!

“Гур” кулги кўтирилди. Бу гапни биров у маънода, биров бу маънода тушунди-ёв. Кулги асносида ўтирганлар бир-бирларига: “Бизнинг чеча ана шунақа!” дегандек завқ билан қараб қўйишаркан, уларнинг ниманидир билмасликка олишаётганлари сезилмай қолди...

Майрам чеча ўзига қаттиқ тикилиб турган Фотимага энди кўзи тушди.

— Уйингга бормадингми?

— Шетга ётиб қоламан.

— Чой-пой, дастурхон опке унда...

Фотима иккита нон ўралган дастурхонни ўртага ёзди. Тўртта пиёла билан бир чойнак чой олиб келиб четроқда ўтирган аёллардан бирининг ёнига қўйди. Бу вақтда “ойнаи жаҳон”да “Дунё воқеалари” кўрсатуви бошланган, эркаклар экран ичига кириб кетгудек бўлиб тикилиб қолишган, аёллар ўзаро пичир-пичир қилишарди. Экранда соч-соқоли ўсиб кетган жиккаккина чол пайдо бўлиши ҳамон эркаклардан бири хотинларга ўқрайди: “Жим ўтирасиларми-йўқми?!”

Хушсурат диктор ўйинининг эътирофича, олтмиш бешга кирган чол ҳукуматни ўғирлаб кетилган болақайни топиш учун чора кўрмаганликда айблаб, очлик эълон қилганмиш. Дунё ноз-неъматларидан юз ўтирган чол фақат нон-сув билан чекланаётганмиш.

Эркаклардан бири негадир ҳозиргина Фотима ёзган дастурхонга кўз қирини ташлади: нон-чай!

Валақлашдан маҳрум бўлган бечора хотинлар киртайган, ёшланган кўзларини экрандан узмай ўтиришаркан, зерикарли кўрсатувнинг тезроқ тугашини сабрсизлик билан кутишарди. Баъзилари деворга суярганча аллақачон ухлаб қолишганди.

Ниҳоят, кўрсатувлар тугади. Одамлар уй-уйига, тепа-тўйига тарқалишди. Фотима жой солди. Лекин Майрам чеча ётишга шошилмади. У Номоз бригадирни кутарди.

Бир маҳал зимистон дераза ортида кимнингдир шарпаси кўринди. Майрам чеча деразани очди.

— Райисминан гаплашдим, чеча, — деди бригадир ичкарига бош суқиб. — Ҳаммасини айтдим. Ҳа, тушунтириб айтдим. Ҳеч ўйланмасин, деди райис. Ҳозирча терговга бориб тураберсин, суд залидан бўлсаям чиқариб оламан, деди. Бу ёғи... ҳал бўлади. Хўш... Сиз ҳеч қўрқмасдан бораберинг. Райисга бир ҳимолик гап-да. Лекин тилингизга эҳтиёт бўлинг. Эҳ-ҳе, сиз уларни билмайсиз! Ҳа, билмайсиз. Улар илониям авраб индан чиқариб оладиганлар хилидан! Хўп, мен кетдим бўлмасам...

“Суд залидан бўлсам!..” деган жумла Майрам чечанинг ҳамма нарса айкаш-уйқаш бўлиб ётган хотирасига ўрнашиб қолди. Энди ётиб ухласа бўлади.

Бир пайт чеча чўчиб уйғонди. Тонг энди-энди ёришаётган экан. Алағ-чалағ тушлар, босинқираш туфайли уйқусида ҳаловат бўлмади.

Бугун кечадан ақлдироқ дейишади.

Кеча оқшом қоронғусида кўзга чалинмаган нарсалар улкан тошга айланиб кўз олдида туриб олди: Раис берган ваъдасини бажармасачи? Балки у умуман ҳеч қандай ваъда бермагандир! Назарида оқшом Номоз бригадир ошиғич кетиб қолгандай. Бафуржа гаплашса, маслаҳатлашса, йўл-йўриқ кўрсатса бўларди...

Чеча кечагига қараганда сал-пал хотиржам кўринса-да, анчайин ғамгин, маъюс, индамас бўлиб қолганди. Аҳён-аҳёнда токчада турган будилникка қараб қўйганини ҳисобга олмаганда бир нуқтага қадалган нигоҳлари мурданикидек қотиб қолганди. Терговга тушдан кейин бориши керак...

Фотима чидаб туrolмади. Ҳамон аразлаб Садр муаллимникида яшаб юрган Мелисни кулоғидан чўзиб, уйга олиб келди.

— Ҳозирок энангни олдига кириб, у кишидан кечирим сўрайсан!

— Сўрамайман, ҳеч қачон сўрамайман. Энам ўғри! Давлат мулкини ўғирлаган! — деб бақирди Мелис нафрат билан.

— Ярамас! Эш-шак! — Фотима ўғлини итариб юборди.

Мелис гандираклаганча бориб устунга урилди. Боши устун қиррасига тегиб ёрилди, тизиллаб қон отилди. Фотима югуриб бориб ўғлини кучоқлаб олди.

— Вой шўрим... Энди нима қиламан?.. — Фотима нажот кутиб ён-верига қаради. Ҳовлида улардан бошқа ҳеч зог йўқ эди. — Пахта... Йўқ, ун босиш керак! — Фотима ошхонага чопди. Бир сиқим ун олиб келиб ўғлининг бошига босиб, бир неча дақиқа кутиб турди. Қонга қоришган ун хамирга айланиб боланинг сочлари аралаш бошига ёпишди. Қон тўхтади. Фотима рўмоли билан ўғлининг бошини танғиди. Ранги бўздай оқарган Мелис овоз чиқармай эзилиб йиғлаб бошлади.

— Мени кечир, болам, билмай қолдим... — Фотима ўғлини бағрига босди. Иккала вужуд ҳам иситма тутгандай дир-дир титрарди.

— Ёлгон гапирсам Садр муаллим уришади. Унинг каттакон дурбини бор. У ҳамма нарсани кўриб туради, биледи... — деди Мелис қиқиллаб. У юзини онасини кўксига босиб, пинжига тиқилди.

— У сени алдаган, ўғлим, — Фотима ўғлини ўзига қаратиб, кўзларига тикилди. — Унинг ҳеч қандай дурбини йўқ, йўқ! У сениям, мениям, дадангниям, ҳаммамизни алдаган. Билдингми! Унинг ҳеч қандай дурбини йўқ, дурбини йўқ!.. — Фотима сўнги жумлани бир неча марта такрорларкан, бу гапга ўғлидан ҳам кўра ўзини ишонтирмоқчи бўлаётганга ўхшарди...

* * *

Қора дерматин қопланган эшик тутқичидан тутган маҳал Майрам чеча ниҳоят бир қарорга келганди: “Ҳозир ичкарига кираман-у, бор гапни очиқ айтаман. Нафсиламбирини олганда, чиндан ҳам уйимдан жичча бўлсаям пахта чиқди-ку! Мен калтафаҳм учун арзимасдек туюлгани билан... бу ҳақиқат. Жуда кичкина бўлсаям ҳақиқат! Яшириб нима қилдим. Барибир эплай олмайман. Яхсиси тўғриси айтиб, кейин кечирим сўрайман. Жуда бўлмаса жиндай кўзёш қиламан...”

— Ўтиринг!

Валиевнинг овозидан тортиб, кўз қарашигача совуқ эди. Майрам чеча унга ҳадиксираб қаради. Қаради-ю шу заҳоти ҳадиксирагани учун ўзидан-ўзи гижинди: “Нега кўрқяпман?”

— Хўш... Бошлаймиз бўлмаса. Неча йилдан буён шу иш билан шуғулланасиз?

— Қанақасига неча йил...

— Э, нимага довдирайсиз? Бу ерга нимага келаётганингизни биласизми ўзи? — деб бақирди юборди терговчи. Бугун у чап ёни билан турган чоғи.

Майрам чеча сийрак, жилосиз киприкларини пирпиратди.

— Ҳар доиммас-у... ҳар замонда... — дейиши билан терговчи гапни оғзидан олиб ёқасига ёпиштирди.

— А-ҳа, демак аввалдан, вақти-вақти билан шуғулланиб келгансиз!

Валиевнинг худди айбловни эълон қилгандек тантанга билан гапириши чечани довдиратиб қўйди. У энди баттар чув тушира бошлади:

— Бир ўзиммас, кўшнилари билан даладан қайтаётганимизда... лўппи-лўппи пахталарни...

— Демак, бутун бошли гуруҳ бўлиб уюшган ҳолда иш олиб боргансизлар, тўғрими? Келишган ҳолда...

— Йўғ-е, келишмаганмиз... — Майрам чеча фикрини қандай тушунтиришни билмай қийналиб кетди.

Асабийлашганидан бурун катаклами керилиб, пешонасидан тер қуйилди.

Валиев аёлни обдон кузатди. Кейин бирдан юмшоқ оҳангда сўзлашга ўтди:

— Билиб турибман, жуда қийналиб кетдингиз. Кекса одамсиз, умуман бу ёшда далада юриш... Билмадим, ҳеч ҳазм қила олмаяпман. Масалан, мана, менинг онам энди элликка киради. Аммо аллақачон ишни йиғиштириб қўйган, хузур-ҳаловатда яшайпти. Сиз бўлсангиз шу ёшингизда тергов бериб юрибсиз. Қўни-қўшнилари олдида жуда ноқулайдир, а? — Майрам чеча бошини кўтаролмай қолди. Терговчи бир лаҳзалик сукутдан кейин яна ўша оҳангда давом этди: — Хўп, сизнинг гапингизга ишондим ҳам дейлик, лекин барибир бир нарсага ҳайронман, кимдир сизларга йўл очиб бермаса, ё бошқача айтганда, сизлар кимгадир орқа қилмаганингизда бу иш билан умуман шуғуллана олмасдинглар, тўғрими? Тўғрими, гапим? Ерга қараманг, жавоб беринг. Мен сизга ёрдам бермоқчиман, тушуняпсизми шуни?!

— Билмадим, нима дейишгаям ҳайронман...

— Ҳайрон бўлманг. Сизларга орқа бўлган одамнинг исмини айтинг ё ёзиб беринг, вассалом. Мен ўша одам билан гаплашаман. Қайтиб бу даргоҳга қадам босмайсиз! Ҳаво етмаётгандек, безовталанди чеча...

Ич-ичидан кўтарилган иссиқ нарса бўғзини куйдирди. Чеча югинди. Бўғзини куйдирган нарсани келган ерига қайтариб юборишга тиришди. Аммо уринишлари зое кетди. Димоғи ачишди. Лекин баралла йиғлаб юборишдан ўзини тийиб қолди. Бунга куч топа билди.

— Хўш! — Совуқ, ҳиссиз нигоҳлар ўқдек қадалди. — Нега индамайсиз? Ҳақиқатни айтишдан чўчияпсизми? Ҳе... Бизни тўғри танқид қилишади ўзи! Ҳақиқат, ҳақиқат дея жар соламиз, ҳақиқатни талаб қиламиз-у, ҳақиқатга дуч келганда пусиб қоламиз. Биз ўз-ўзимизни фош қилмасак ҳақиқат биздан узоқлашавради-да! Эҳ, мен нималар деяпман ўзи? Сиз барибир ҳеч нарсани тушунмайсиз!

Валиев жим бўлиб, кўзларини лўқ қилди.

— Кимга орқа қилардик, — деди аёл хазин товушда. — Ўз даламиздан озроқ пахта олиш учун ҳам бировдан рухсат сўраб ё кимгадир орқа қилармик...

“Қарс” этган овоз эшитилди. Аёл сесканиб, кўзини очиб юмди. Валиев столга муштлаган эди.

— Нега ўз далангиз бўларкан, а, нега? Ким айтди сизга ўз далангиз деб?

— Биров айтмаса ўзим билмайманми? — деди чеча бу гал дадиллик билан. — Ёзни ёз демай, қишни қиш демай ишлаганимиздан кейин...

— Ер колхозники, колхоз давлатники! Ҳатто сиз ўтирган курси ҳам давлатники! Ҳе, ўз даламиз эмиш!

Валиев яна тўнини тескари кийиб олди. Дағаллик билан сўроқни давом эттиришга киришди:

— Қўл урган ишингиз Қонун томонидан нима деб аталишини била туриб, жиноятга қўл ургансиз, шундайми?

— Ундай демоқчи эмасдим...

— Ҳеч ким сизни бу йўлдан қайтармадим? Бу қилигингиз турган-битгани жиноят эканлигини тушунтирмадим?

— Ўғлимнинг куёвлик тўнига... — Чеча бир амаллаб мақсадга яқинлашди, аммо терговчи уни гапиртирган қўймади.

— А-ҳа, мана, ўғлингиз бор экан! Наҳотки ўғлингиз: “Она, кўйинг, шу ишга қўл урманг, ахир бу жиноят!” демаган бўлса! Ўғлинингиз қаерда ўзи? Сиз билан бирга келмадимми?

Валиев ниҳоят, “оғриқли” нуқтани топди.

Майрам чечанинг қўйлаги этагини гижимлаётган қўллари қалтиради, тўхтовсиз қалтиради. Қуруқ,



тиришган лаблари пир-пир учди. Валиевнинг “Қўлга тушдинг-ку охири!” дегандек ўт бўлиб ёниб турган кўзларига тикилганча... хўнграб йиғлаб юборди.

— Ўғлим армияда... Беларуссияда... танкада камандир... Бир ойдан кейин келади... — Аёл алаҳсираётгандек шу сўзларни айтди-ю, яна хўн-хўн йиғлади. Ўзини сира-сира тўхтата олмаётганди... Охири қадоқ босган кафтлари билан кўз ёшлари юваётган юзини тўсиб, икки букилиб қолди.

Валиевнинг юзи қилт этмади. Аёлни овунишини кутиб бир оз жим турди. Чеча эса ўзининг қаерда эканлигини унутганди шу топда. Валиевнинг тоқати тоқ бўлди.

— Э, бас қилинг энди! Сиз билан пачакилашиб ўтиришга вақтим йўқ. Бугун охирги тергов. Эртага ишни судга ошираман. Қолганини судда давом эттирасиз!

Чеча хушёр тортиди. Қаддини ростлади. Валиевнинг ҳиссиз нигоҳларига кўзи тушаркан... хаста овозда сўради: — Мени қамашадими?

— Албатта! — Валиев креслога ястаниб олганча аёлга тикилди. Юзидан қиш захри уфурди. Сўнг одамни тақдирловчи оҳангда деди: — Суд бўлади. Сизга камида беш-олти йил беришади. Кейин юрасиз Россия ўрмонларида дарахт кесиби!.. Йўқ, бир оз шошибман, Россияга дарров жўнатишмайди. Хўк эълон қилингандан кейин камерага опкиришади, махсус кийим-бош беришади. Ҳалигидақа, маҳбуслар кийишади-ку, йўл-йўл чизикчали рўпапо... Кейин мана бу қордай оппоқ сочларингизни таг-туғи билан қириб ташлашади. Ана ўшандан кейин ўзингизга ўхшаганлар билан лиқ тўлган эшелон вагонларидан бирида “қайдасан, Россия?!” деб йўлга тушасиз. Билсангиз керак, у ёқлар қанақа совуқ бўлишини? Тасаввур қилинг, бошингизда телпак, эгнингизда фуфайка, оёқда керза этик... ўрмонда дарахт кесиб юрибсиз! Қамок, деди терговчи алоҳида таъкидлаб, — сизга шу ёшингизгача ўрганолмаган нарсангизни ўргатади. Тушунмаган нарсаларингизни тушунасиз. У ерда кўп йиллар мобайнида қилган ишингиз тўғрисида йўлаб кўриш имконига эга бўласиз. Энг муҳими шу! Оппоқ сочларингизга ачинманг, улар яна ўсиб чиқади... — Терговчи кўзойнагини қўлига олиб аёлга шундай нигоҳ ташладики... Бундай одам ёнидаги шўрлик очликдан силласи қуриб йиқилса ҳам бемалол тановул қилиб ўтираверади!

Майрам чечанинг кўз олди қоронғулашди. Қалтирок қўллари пайпасланиб темир курси четини тутди. Аммо оҳ-воҳ қилмади, ҳатто норозилик билдирмади, терговчининг устидан кимгадир шикоят қилиш хаёлига ҳам келмади. Юрак ҳаприқиши сал-пал босилгунча кутди, сўнг аста ўрнидан турди...

Майрам чеча уйига бир аҳволда кириб келди. Бор-йўқ тамаддиси бир коса муздай сув бўлди. Шу билан гум кўпиб ётди. Фотима онаси бошида парвона бўлар, бир нарсаларни чулдирадди. Аммо Майрам чеча ҳеч нарсани эшитмас, сезмас эди. У бир муддат хушсиз ётди, кейин эса донг қотиб ухлаб қолди.

Аллавақтга бориб чеча уйғонди. Тиниқиб уйғонди. Гўё ҳеч қандай кўнгилсизлик юз бермагандай... Қайгу кўланкаси бирдан бостириб келди. Даҳшатли кўрқув жазаваси кўнглига кутқу солди. Аёл инграб юбормаслик учун кўрпасини гижимлаб кўксига босди. Терговчининг заҳаролуд сўзлари мияси қопқоғига урилди: “Сиз барибир тушунмайсиз!” Чеча энди бошини чангаллади. Йўқ, Валиев бир нарсада ноҳақ эди. У беҳудага тушунмайсиз, дея ёзирганди. Терговчи унинг кўрғазмаларидан ўзининг болтаси учун кунда сифатида фойдаланмоқчи бўлаётганини чеча аллақачон фаҳмлаган эди. У фақат бир нарсага тушунмаётган эди. Наҳотки, шу арззмаган иш учун шунча заҳмат чекса? Бир тўнлик пахта —

чечанинг назарида ваҳима қилишга арзимаиди. Лекин терговчининг сўзлари фожианинг улканлигини рўкач қилиб турибди, юрагига қон чиқармасдан миҳ уряпти... Наҳотки бир иложи топилмаса? Қаварган қўлларининг ўттиз йиллик меҳнати инobatга олинмаса? Балки кимлардир тонна-тонналаб пахта яширгандир? Лекин уларнинг йўриғи бошқа-да. Нега энди хўлу қуруқ баравар ёниши керак? Наҳотки раҳматли отаси йиллар ўтиб яккаю-ёлғиз қизининг “бир тўнлик пахта” туфайли қамалиб кетиши учун босмачиларга қарши курашган бўлса? Наҳотки, раҳматли эри азбаройи шу оқибат иштиёқида фронтдан баданининг ўн олти ерида ўқлар парчасини кўтариб келган бўлса? Яккаю ёлғиз ўғли-чи, у ким учун ҳарбийда хизмат қиляпти? Нима қилиш керак? Кимга юқуниш керак? Наҳотки, ҳаммаси тамом бўлган бўлса? Чечанинг ҳеч ишонгиси келмасди ҳаммаси тамом бўлганига. Назарида ҳали нимадир қилса бўлади. Ҳаммаси барбод бўлган тақдирда ҳам дунёда умид қолади, ахир!

“Номознинг олдига бора-чи... Ундан ёруғлик чиқмаса тўғри идорага бораман!”

Бироқ!..

— Укангиз даладан қайтмади ҳали, — деб жавоб қилди бригадирнинг хотини уйқули кўзларини уқалаб.

— Соат неччи бўлди ўзи?

— Билмадим...

— Ҳадемай тонг отади чоғи?

Номоз бригадирнинг аёли индамасдан ичкарига кириб кетди. Чеча серрайганча эшик олдида қолди.

Зум ўтиб қутилмаганда бригадирнинг аёли яна эшик олдига чиқди.

— Чеча, — деди у. — Яхшиси раисга учранг!

Аёл тағин ғойиб бўлди.

Ҳаммаси барбод бўлган тақдирда ҳам дунёда умид қолади.

Чеча тонгни идора олдида кутиб олди.

Қаршисидан агроном ўтди, буғалтир ўтди, бошқа-бошқалар ўтди, аммо чеча интиқ кутаётган одамнинг қораси кўринмади...

— Раис бугун идорада бўлмайди, — деб жавоб берди ходимлардан бири.

Чеча унинг сўзларига ишонмади. Кўчадан ўтганларида раиснинг дераза олдида ўтирганига кўп марта кўзи тушганди. Балки ҳозир ҳам дераза ортидан кўчани, одамларни кузатиб ўтиргандир?

Чеча учта деразани санаб ўтиб, тўртинчиси рўпарасида тўхтади. Кафтини пешонасига тираб ичкарига мўралади. Ҳафсаласи пир бўлди. Раис ичкарида кўринмади. Узун, сарғиш столи устида турган йилтирбош ҳайкалча чечага тикилиб турарди. Тикилганидан не умид? Ҳайкал ҳайкал-да!

Чеча бир-бир одимлаб ортига қайтаркан, мана энди ҳаммаси тамом, деб ўйлади. Ҳақиқатни қидириб топса бўларди, лекин у анча олисда...

Чеча яшаш учун илинж қидирди. Таассуфки, илинж бор эди. Нақд эди. Аммо “нархи” тўғри келмади: ўн тўрт ёшидан буён қайчи тегмаган кумушранг сочлари эвазига бу илинжни сотиб олса бўларди. Ҳар қалай, қаерда бўлсаям яшарди. Аммо чеча буни истамасди, бундай ҳаётни ўзига эп кўрмади. Фақат қалбида бир хижиллик қолгани ёмон бўлди — чеча терговчининг олдида ўзини тутта олмаганидан ҳамон кўнгли ғаш эди. Бу давр кўзёшларга ишонмаслигига энди фаҳми етди. Кўкайи муз қотган давр қалбини кўзёш билан юмшата олмас экан. Бу давр кўзёшини кўрса қутуриб кетаркан...

Аммо, нима бўлганда ҳам, гарчи ҳаммаси барбод бўлган тақдирдаям, бу дунёда умид қолади. Чечанинг яна биргина умиди, борар ери қолди: бу Маскан улкан Яланглик ортида...

ҚАДИМИЙ ҚЎШИҚ

“Ана у! Келяпти! Ана, анави ёқдан келяпти. Қара, қарагин. Нимага тўхтаб қолдинг? Бормайсанми олдиға?”

— Вой шарманда! Вой юзсиз... Анави юзсизни қара!

— Тангрига ибодат қилиш ўрнига...

— Қизим, жон қизим, иймон келтир, тавба қил. Энди у ёқнинг кераги йўқ сенга. У ёқнинг ери ҳам бошқа, осмони ҳам! Оллоҳ иймон келтирган бандаларининг гуноҳларидан кечгувчидир. Иймон келтир, болам, иймон келтир, иймон нурига чулгангайсан!..

— Қиёмат кунни бир тарозу қурилурки, ани беадад сутунлар била барпо қилишур. Ҳар бир сутуннинг узунлиги мағриб бирла машиқнинг миёнасига баробардур. Анинг ҳар бир палласи ер юзига баробардур. Бир палласи Аршининг ўнг тарафида турурки, анга савоб солинур. Бир палласи Аршининг чап тарафида турурки, анга гуноҳ солинур.

...кимнинг тарозуси энгил келса, бас, андоғ кишининг онаси Ҳовиядур.

— ... Шивир-шивирларга тўлган олам қалбини тилиб юборган ўтли хўрсиниқни илиқ шамол олис-олисларга олиб кетди...”

Султонмурод яна ўша таниш уй — қишлоқ чеккасидаги хароба олдиға келиб қолганини майда ёмғир томчилари юзига урила бошлаганидан кейин фаҳмлади: “Нега келдим бу ерга? Ахир энди у йўқ...”

Томчилаётган ёмғир бирдан жалаға айланди. Момақалдироқ гумбуралади. Қорайган осмон бағрини чақмоқ тилиб ўтди.

Олам шовқин-суронга, тасир-тусур товушларга тўлиб кетди.

Йигит паришонлик билан кимсасиз кўчада қаққайганча туриб қолди, жиққа ҳўл бўлган кийимлари оғирлашиб вужудини эзаётгандек, совқотиб қалтираётгандек елкасини қисиб қунишди, шусиз ҳам анчадан буён пароканда ўй-хаёллари чил-чил бўлган биллур синиқларидек ҳар томонга сочилиб кетди.

Момақалдироқ ҳамон гулдурар, тинимсиз чақмоқ чақар, олам олов ичида қолгандек эди.

Султонмурод аста ортига қайтди. Беш-олти одим юргач, қаршисидан муюлиш чикди. Муюлиш четида улкан тош қорайиб турарди. Йигит шу тош устиға чўкди. Ҳоринлик билан нам тошни силаркан: “Қара-я, бир бечора ўтиб кетди-ю, лекин сен билан мен ҳамон бормиз, яшаймиз...” деб қўйди секин.

Шу ерда ўтириб у нималарнидир ўйлаб олмоқчи бўлди. Ўйлаб олиш учун бундан ортиқ қулай ва холи ер йўқдай эди. Аммо... Йигит уч-тўрт қадам нарида шу томонга қараб келаётган Холиқ амаки билан тегирмончи чолни кўриб асаби бузилди. “Шу ердаям тинчлик йўғ-а. Алламаҳалда кўчада нима бор экан бу чолларга?!”

Бу уй Абдурахмон эшонга тегишли эди. Эшон бир неча йил муқаддам қариб-чуриб оламдан ўтди. Ҳайҳотдек ҳовлида ундан ёдгор бўлиб иккинчи хотини Шоҳсанам қолди. Эшон бобонинг катта аёлидан фарзандлари бор, лекин улар бошқа-бошқа яшашарди. Эшон бобо диннинг барча талабларига риоя этган ҳолда, тўнғич аёлини ҳар томонлама таъминлаб қўйганди. Ёлғиз Шоҳсанам...

Дарвоқе...

Эшон бува уни — тунда кўққисдан гумбуралаган момақалдироқдан кўрқиб, юраги бесаранжом уриб қолган навниҳол қизни — аввал даволаган, етти кун

етти маҳал дуо ўқиб соғайтириб юборган, кейин эса яна дуо ўқиб, уни ўзига оғдириб олган...

Ҳар қалай, одамларнинг оғзидаги гап шундай.

Бу фаройиб никоҳ ҳақида эл ичида яна бир гап оғиздан-оғизга ўтиб юрадики, буниси аввалгисидан-да жумбоқли. Эмишки, эшон буванинг дуосидан шифо топган қизнинг ўзи уни йўқлаб борганмиш...

Иложсиз қолган ота-она нима қилсин?..

Бу гап-сўзларга фақат бир йигит ишонмасди, ишона олмасди. Шу ҳақда ўйлади дегунча ўзини қўйгани жой тополмай, кенг оламга сифмай қоларди: “Бундай бўлиши мумкин эмас! Мумкин эмас! Тўғри, унинг тобсиз бўлгани рост, лекин ҳеч қачон... Ҳеч қачон! Уни мажбурлаган бўлишлари мумкин. Чорасиз қолиб, ноилож рози бўлгандир. Аммо ҳеч қачон... ҳеч қачон! Чунки... чунки... У мени севади, мени!”

Бу рост эди. Бу ҳақда бутун қишлоқ аҳли хабардор бўлмаса-да, ҳар қалай, тенг-тушлари ивир-шивир қилиб юришарди.

Дарвоқе, бир кеч — ҳали шом тушиб улгурмаган маҳал эди — мактаб ёнидаги якка тут остида уларнинг гаплашиб туришганига Абдурахмон эшоннинг ҳам кўзи тушганди.

— Худо хоҳласа, никоҳимизни мана шу кишиға ўқитамиз, — деганди ўшанда Султонмурод ёшиға нисбатан анча қорувли, кимхоб камзули ўзига ярашган эшоннинг ортидан қараб қоларкан.

Қиз эса уялиб кулимсираган... Кейин тақдир чархпалаги тескарисига айланиб кетди. Султонмурод юрагини чангаллаб қолаверди.

Тўйдан кейин Султонмурод уни бир марта узокроқдан кўрди. Жувон ҳам уни кўрдими-кўрмадими, билмайди, эҳтимол, кўзи тушгандир-у, ўзини кўрмаганликка олгандир.

Султонмурод эса бу кунни эслаб қолди. Унута олмади. Янглишмаса, ўша кунни чоршанба эди, санаси ҳам эсида — 12 май, пешин чоғи эди... Бироқ — буни қанчалик истаётган бўлмасин — жувоннинг олдиға бориш тугул, унга тикилиброқ қарашға-да ботина олмади. Нима бўлган тақдирда ҳам энди у қишлоқ аҳлининг эътиқодига сазовор бўлган тақводор одамнинг завжаси!..

Ҳамма-ҳаммасини унутмоқ истади. Бунинг йўли топилди — уйланди. Тақдир ҳазили — келин Шоҳсанамға қариндош эди.

Аммо барибир хувиллаб ётган кўнгили мулкига файз кирмади. Юрагини бир алам эзиб ётардики, бунга чидаб яшагандан кўра, дўзах оловида куйиб қўл бўлган афзал эди. Кунларнинг бирида у барча-барчасига уят-андиша, иймон-эътиқод — ҳамма-ҳаммасига қўл силтади. Ва...

Султонмурод ўзини эшоннинг ҳашаматли дарвозаси олдида кўрди: “Ундан сўрарим бор... Нега... Нима учун бундай қилди?”


Бироқ...

Эшикни тақиллатишға ҳам улгурмади.

Ҳашаматли эшик шиддат билан очилди.

Остонада Абдурахмон эшон пайдо бўлди. Улар бир неча дақиқа бир-бирларига сўзсиз тикилиб қолишди. Эшоннинг нигоҳлари ғазаб ва нафратға тўла... Оқиш, лекин аини дамда гезарган, бўзарган чеҳрасида шафқатсиз ифода қотиб қолган...

Султонмурод бўшашди. Аллақандай ғайритабиий куч қаршилиғига дуч келгандай ўзини жуда-жуда ожиз ҳис этди. Бояғи шаштидан асар ҳам қолмади.



Аста бурилиб ортига қайтаркан, алам ва изтиробдан инграб юборди...

Шу-шу бўлди-ю, йигит йўли тушган тақдирда ҳам эшоннинг кўчасини айланиб ўтадиган бўлди.

“Мана энди ундан абадул-абад айридим, — деб ўйлади Султонмурод. — Энди уни ҳеч қачон олидан бўлсам кўра олмасам керак!”

Дарҳақиқат, шундан кейин у Шоҳсанамни узоқдан бўлса-да кўришдан маҳрум бўлди. Чунки...

— Тавба қилдим, қариганда ёш хотинга уйланган эркак эсдан оғиб қоладими дейман-да, — деб қолди бир куни Султонмуроднинг хотини. — Эшонбувани айтаман-да. Остона ҳатлаб кўчага чиқсанг оёғингни уриб синдираман, дебди Шоҳсанам опамизга. Тунов куни бечора деразадан қараб турган экан, Эшонбува тоза таъзини берибди.

Султонмурод чурқ этмади. Ичидан зил кетди. Айриликка, азоб-уқубатларга тўла дунё қад ростлади қаршисида. Бироқ йигит тишини тишига босди, чидади, чунки барбод бўлган дунё вайроналари устида шундай улуғвор кошона бунёд этгандики, бу кошонага истаган ерда, истаган вақтида киради-чиқади; бу ерда изтироблардан зада қалби ором топади, қийғос гуллаган шафтолининг ёқимли ҳиди димоғига урилгандек бўлади, қайноқ, бетакрор бўсалар таъмини туяди лаблари...

Иттифоқо...

Ўша куни у ишга кечикиброқ борди. Эрталабданоқ бошлиқдан эшитадиганини эшитди. Бунинг устига ҳисобот дафтарчаси уйда қолиб кетибди. Бошлиқдан яна насибасини олди. Бу камлик қилгандай, бошлиқ уйига бориб, ўша жин ургур ҳисоботни олиб келишни талаб қилди. Ишхонадан уйғача саккиз қақирим, кун иссиқ; бекатда ярим соат туриб улов пойлади, аммо ҳадеганда уловдан дарак бўлавермади, асаблари ўйнаган, чарчаган, бўғилган бир алфозда пойи пиёда йўлга тушди. Чамаси бирор соатлардан кейин у ўзи яшайдиган кўча бошига етиб келди. Шу ерда тўхтаб бироз нафас ростламоқчи бўлди. Аммо... Оҳ, меҳрибон парвардигор! — шунча ҳаракат, шунча заҳмат ва кўргуликлар ёлғиз Унинг учун, Уни кўриш учун эканлигини ўша дақиқада, ҳатто ундан олдинроқ ҳам қайдан билибди? Билганида эди эҳтимол... Ё, қодир эгам, тагин денг шундоқ рўпарасидан чиқиб қолди! Албатта У ёлғиз эмасди. Ёнида қандайдир бола кўтарган аёл... Ва атиги бир дақиқа, йўқ, ярим дақиқа, эҳтимол сониянинг аллақайси бир улушида — беҳосдан уларнинг нигоҳлари тўқнашди! Ҳамроҳ бўлмиш аёл нимадир деди, лекин Шоҳсанам эшитмади. Олам сув қуйгандек жим-жит бўлиб қолганди. Кейин яна ҳаммаси аввалги ҳолига қайтди: шовқин-сурон, вағир-вуғир...

Шоҳсанам эрга қараганча ёнидан, шундоққина ёнгинасидан ўтиб кетди. Султонмурод уни анчадан буён бунчалик яқиндан кўрмаган, кўзларига термулмаган эди. Йигитнинг ҳаётидаги энг порлоқ кун бўлди ўша кун.

Орадан кўп вақт ўтмади.

Абдурахмон эшон тўсатдан бандаликни бажо келтирди.

Шоҳсанам бева қолди.

“Энди у ё бу ҳовлидан бош олиб кетади, ё кимгадир эрга тегаети, — деган гап топиб келди Султонмуроднинг хотини уйига бориб. — Албатта, эрга тегаети-да. Тегсаям тегаети, тегмасаям тегаети. Ахир ёш бўлса, овунадиган фарзанди бўлмаса. Тегаети-да, тегмай қаёққа борарди? Айтмоқчи, шаҳардаги амакимизнинг бултур хотини ўлганди. Ўртага тушсаммикин?”

Султонмуроднинг юраги зирқ этди.

Ёмғир фасли ўтди.

Жазирама ўтди.

Соқин ва осуда сунбула кириб келди ҳамки, Шоҳсанам на эрга тегди, на қишлоқдан бош олиб кетди. Эшон бувадан қолган ҳовлида ёлғиз ўзи яшайверди. Жувоннинг харидорлари кўп эди. Лекин нима учундир бирор кимса эшоннинг остонасини ҳатлаб ўтишга

журъат этолмасди. Шоҳсанамнинг ўзи ҳам кўпчиликка қўшилмас, тўй-маърака тугул, ақалли, кўча-қўйга-да чиқмай қўйганди.

Тириклай кўмилгандек эди гўё.

Эшон бувадан қолган ҳовли-жойдан путур кета бошлади.

— Қаров бўлмагандан кейин шу-да! Ҳамма нарса ўлда-жўлда ташлаб қўйилгандан кейин шунақа бўлади! — дея жаврарди Султонмуроднинг хотини ҳар кеч. Бева бўлиб қолганидан кейин Шоҳсанам нима учундир унга ёқинқирамай қолганди. — Эсиз... эсизгина шундай уй! Раҳматли эшон бува бўлганда... Тавба, қош-кўзини бўяшдан бошқасига ярамайдиган бу ипириқчи хотиннинг нимасига учди эшон бува?.. Ҳатто пиёваням эплаб пишира олмайдиган қўли синиқ-ку бу!

Султонмурод эса...

Шу “қўли синиқ” жувонни бир кўришга муштоқ, раҳматли эшон буванинг кўчасидан ўтишдан ўзини зўрга тийиб юрарди. Ахир, эҳтимол, чиндан ҳам у уқувсиздир... Лекин... рангпар хушбичим чехра, нозик даҳан, тик қомат, кўзлар... худди бу оламда ўзидан бошқа хурлиқо яшамайдигандек чакнаб боқувчи нигоҳлар...

Буларни унутиб бўладими?

Йигит фақат бир нарсадан хавотирда эди, ҳатто кўрқарди. Бу кўрқув тўғуси шу қадар улкан эдики, унинг ҳайбатига бир қур назар ташлашга-да қурби етмасди: “У мени унутган бўлса-чи?!”

Йил сўнгиде эшон буванинг руҳи-покига атаб йил оши берилди. Шундан кейин бир ҳафта ҳам ўтмади, бирдан совчилар ёмғири ёғила бошлади.

— Эшон буванинг ҳурматини сақлаб шунча кутдик. Энди бир нарсга де. Укам ёмон йигит эмас.

— Ҳўп, деяқолинг энди, илтимос. Акамнинг шашти баланд, кўнмаса опқочиб кетаман, деяпти!..

— Бу дунёдан ҳеч ким тоқ ўтмаган, қизим. Сенам ахир бир кун уй қиласан-да, ёш умрингни хазон қилмасанг-чи.

— Ёлғизлик азоби ёмон. Маъна, менинг амаким ўн беш йилдан буён ёлғиз яшайди. Ўн беш йил-а! Бечора хотини жон бераётганда бошқага уйланмайман, деб ваъда бериб қўйганди. Энди билсам... босиб юрган эканман, дейди шўрлик амаким.

— Ҳўп деса, кафтимда кўтариб юраман, деяпти акам. Илтимос... ҳеч бўлмаса бир оғиз гаплашиб кўринг ўзи билан.

Дунё сўққабош эркакларга тўлиб кетгандек эди. Бироқ!

— Йўқ, дедимми, йўқ! — битта сўзда туриб олди Шоҳсанам.

Сабабини сўраганларга тишини ёрмади.

— Бешёғочлик киши ёмон одамга ўхшамайди, — дея Султонмуродни янгиликлардан хабардор қиларди хотини билибми-билмайми. — Шу кишига тегса бўларди. Иккита боласи бўлса нима қипти? Тайёр дастёр-ку улар. Бошқаларни-ку писанд қилмади.

Султонмурод чурқ этмасди. Фақат юзи аввал оқаринқираб, кейин қоғозга айланиб борарди...

Назариди хотини “ҳамма гап”дан хабардор — у атай Шоҳсанам ҳақида “хушxabарлар” топиб келаётгандай... Бу даҳшат! Ахир ёнингдаги одам кўнглингдан нелар кечаётганини сезиб турса... азоб бундан ортиқ бўладими...

Орадан анча вақт ўтди. Кунларнинг бирида ишдан қайтаётган Султонмуродни машина туртиб юбориб энгил жароҳат олиб, касалхонага тушиб қолди.

Шу куни эрталаб ҳаво булут эди. “Ёмғир ёғса эҳтимол”, — дея ўйлади Султонмурод зирқираётган жароҳатига кафтини босиб. У ёстиқдан бошини кўтарди дегунча дераза оша ташқарига термуларди. Ўша куни ҳам у бир муддат дераза раҳига пешонасини тираб турганди. Қаттиқ ўйга толганидан вақт чошгоҳга яқинлашганини, булут кўрпаси йиғилиб, осмоннинг бир чети очилаётганини ҳам пайқамади.

Бир маҳал...

Ё раббий!

“Йўқ, туш кўряпман, бу туш!..”

Султонмурод кўзларини юмиб-очди, очиб-юмди ҳамки, қаршисидаги сароб тонгги шудрингдай йўқ бўлиб кетмади. Маънос, маъзун жилмайган чеҳра...

— Худога шукр...

— Сен?!

— Ҳа... Эрталаб... боя... эшитдим... эшитиб қолдим...

Султонмурод энди эътибор берди. Жувоннинг юзи докадек оппоқ, нигоҳлари хавотирга тўла эди. У ҳатто тузук-қуруқ ҳол-аҳвол ҳам сўраша олмади. Қаттиқ кўрқиб кетганида одам шу кўйга тушади.

— Кўрқма, — деди, дея олди Султонмурод. — Кўрқма...

Жувон бош ирғади.

Бори шу.

Кейин у узалиб, қўлидаги тўрхалтани дераза тоқчасига қўйди-ю кетди.

Султонмурод шу кунни кечгача дераза олдида нари кетмади. У энтикарди, хўрсинарди. Касалхона дарвозаси томон кетган йўлакка унсиз тикиларди...

Шу кунни у яна бир нарасага иқрор бўлди: қалбида яшаётган туйғу абадиятда ҳам руҳини тарк этмайди!

— Нимага ўзбошимчалик қилиб юрибсиз? — дея сўроққа тутди хотини Султонмуроднинг жабрланувчи сифатида даввосидан воз кечганини эшитиб, тутақиб кетганидан сира ҳам ўзини боса олмай. — Хаёлингизга нима келса қилаверасизми? Хўп, даво қилишдан воз кечиш ниятингиз бор экан, аввал шартингизни айтмайсизми? Жилла қурса касалхона харажатини кўтарсаям ҳарна эди-да!

Султонмурод хотиржам тутди ўзини. Хотини гапирганда энсаси қотмади бу гал. Ҳатто унга кулиб қаради. Хотини унинг юзи табассумдан бу қадар ёришиб кетганини яқин-ўртада кўрмаганди.

“Қанотим бўлса-ю қошинга учиб борсам!”

Аммо энди у бўз йигит эмас.

Тангри ёрлақаб унда қанот пайдо бўлганда ҳам энди унинг ёнига бора олмасди. Бунга иқрор бўлгани сайин ич-ичидан нимадир кўтарилиб томоғига тикиларди-қоларди: “Тангрим...” Шоҳсанам эса яна уйига қамалиб олган, ташқи дунё билан алоқасини узганди гўё.

Бир кунни...

Хотини кечки овқатни дастурхонга қўйиб, ўзи ошхона томонга кетди. Ва зум ўтиб қўлида тугунча билан қайтди.

— Санам опамизнинг тоби йўқ эмиш, — деди у Султонмуроднинг саволчан нигоҳига жавобан. — Бора солиб кўриб келай. Ҳар қалай, бир иллизнинг томиримиз...

Султонмурод тахта бўлиб қолди. Оғзидаги луқмани юта олмади. Гапирмоқчи, нимадир демоқчи бўлди, лекин томоғига қилганок тикилиб қийналаётгандай бўғзидан хирқироқ товуш чиқди, холос.

Хотини унга ғалати қараб қўйди-да, индамай чиқиб кетди.

Султонмурод сўри четини тутди. Кучи борича маҳкам ушлади. Ҳозир кимдир оёқ-қўлини чандиб боғлаб ташлашига-да рози эди. Йўқ! Йўқ! Бу мумкин эмас!..

Ярим соатлардан кейин хотини келди. Ранги оқаринқираган...

— Санам опамизнинг анча мазаси йўққа ўхшайди, — деди у сўри четига ўтираркан. — Вой худойим-эй!.. Дард бераман деса осон экан-да. Бечора... Адойи тамом бўпти! Аёлнинг аёлга раҳми келдими, аҳвол жиддий!

Султонмуроднинг ичида нимадир чирт узилди. Қулоқлари шанғиллади. Хотинининг жаврашлари узоқ-узоқлардан келаётган товушдек элас-элас эшитиларди:

— Узидан кўрсин! Ҳаммасига ўзи, фақат ўзи айбдор.

Вақтида эр қилганида бу азоблар йўқ эди. Ҳали бу кунлар ҳолва. Бу ҳали азоб эмас. Ҳақиқий азоб ҳали олдинда! Бир кунлар турибди ҳали. Қон йиғлайди, қон!..

Хотини башорат қилган ҳалокат яқинлашиб

қолгандек Султонмуродни даҳшат босди. Кўзларини чирт юмди. Аллазамонлардан буён қадам ташлашга изн бермаётган, темир тўсиқдек йўлига гов бўлган куч исканжасида тўлғонди.

— Мен ўшанда айтгандим, билгандай, кўнглим сезгандай айтгандим, — ҳамон лаби-лабига тегмасди хотинининг. — Амакимга кўнмасангиз, ана Тўйчи муаллимни ушланг дегандим. Ёлғиз яшаш осон эмас. Иссиқ жон... Ўзи мени норози қилган одам ўнганмайди!

— Бас қил-л!.. — тишларини гичирлатди Султонмурод. — Бас қил-л!..

— Ҳа, намунча...

Хотинининг гапи чала қолди. Султонмурод кутилмаганда ирғиб ўрнидан турди-ю, сўридан сакраб тушди ва кўча эшик томон отилди.

Тўлин ой тераклар устида осилиб турарди. Аллақандай шовқин-суронсиз, маъзун кеча эди. Султонмурод шу оқшом муюлиш четида қорайиб турган тошни кўрди. Ва анча вақтгача тош устида хаёл суриб ўтирди. Кейин бор кучи-ю иродасини тўплаб, эшон буванинг нураётган уйи томон юрди.

— Бу ҳаммаси... сиқилганимдан... Кўрқманг, ўтиб кетади, — деди Шоҳсанам синиқлик билан. Унинг юзи заъфарон, кўзлари киртайган, озғин вужуди ниҳоятда беҳол эканлиги шундоқ сезилиб турарди.

Аёл ниманидир яшираётгандек ва буни кулги билан пардалаётгандек, ҳадеб жилмайишга уринарди. Султонмурод уй ичига зимдан разм солди: ҳаммаёқ шипшийдам, тахмонда тўрт-бешта кўрпа-ёстикдан бошқа қўлга илинадиган нараса йўқ эди.

Жувон буни сезди.

— Дори-дармонга деб... Ўлсин, қанча дорини ичиб юбордим. Барибир фойдаси бўлмади.

Ўртага зилдай сукунат чўкди.

Султонмуроднинг нимадир дегиси, аёлнинг кўнглини кўтаргиси, шу билан ўртадаги ноқулайликни кўтариб ташлагиси келарди. Лекин ҳали уйидан чиқмасдан олдин ич-ичидан турган қалтироқ ҳамон босилмагани сабабли, сира ҳам гапира олмайётган эди.

— Биламан, менадан хафасиз, — деб қолди жувон бир маҳал.

Султонмурод шунча уринса-да, эпполмади — бўғзидан оғир хўрсиниқ отилди.

Аёл кўз учидан унга қараб турарди. Нимадир дейиш лозим...

— Нималар деяпсан... деяпсиз... Нега хафа бўларканман?..

— Билмайман, ҳатто тушуна олмайман ўзимга ўзим... Менга нима бўлган? Худди ҳушим ўзимда эмасдай... Мана ҳозир ҳам... — деди аёл ўзига ўзи гапиргандай паст овозда. Бирпас жим турди-да, сўнг яна деди: — Баъзида нимадандир жуда безовта бўламан. Хаёлимга нималар келмайди? Мана ҳозир яна... Менадан нафратлансангиз ҳам арзийди... Мен шунга лойиқман... О, йўқ, йўқ!..

Жувон юзини кафтлари билан тўсиб, ҳўнграб йиғлаб юборди. Юзи бир бурда... Бармоқлари қонсиз ва нимжон... Қоқсуяк елкаларида аянчли титроқ...

Сўнгги бардош ҳам тугади:

— Ўзингдан-ўзинг нималар деб ётибсан боядан бери, — дея гап бошлади йигит, гўё жуда ҳам оддий нараса ҳақида сўзлаётгандек. — Ҳали... ҳали шунақа бўлмағур ўйларни ўйлаб, ўзингни ўзинг касал қилиб ётган экансан-да. Мен хафа эмишман... тўғри, бир пайтлар бўлган... шундай... Лекин кейин... билсам, сендан нафратланиш тугул, хафа ҳам бўлолмас эканман...

Бирор соатлардан кейин Султонмурод ўрнидан кўзгалди.

“Бунинг ҳаммаси ёлғизлик оқибати... Уни ташлаб қўймаслик керак!” деган қарорга келди у жувон билан хайрлашаётиб.

Шундан кейин у тез-тез Шоҳсанамнинг аҳволидан хабар олиб турадиган бўлди. Аёл жуда секинлик билан бўлса-да, ўзига кела бошлади. Унинг аҳвол-руҳиясидаги



ҳар бир ўзгариш йигитнинг назаридан четда қолмасди: “Бугун у ярим соатдан кўпроқ гапирди, ҳарсилламасдан, хотиржам сўзлади. Ҳатто кулгиси ҳам жаранглай бошлади...”

— Менга турмушга чиқ, — дея таклиф қилди у кунларнинг бирида.

— Иложим йўқ... — дея пичирлади жувон. Йигит ҳайратдан донг қотди. У аёлдан бундай жавобни кутмаганди.

— Нега? Нима учун? Мени ўйлаётган бўлсанг кўп қайгурма, ҳаммасини яхшиликча ҳал қиламан.

— Мен у ёғини ўйлаётганим йўқ.

— Нимани ўйлаяпсан бўлмаса? Сени бу ҳовлида нима ушлаб турибди? На фар... Кечирасан!

— Мен бандиман...

— Тушунмадим...

— Яхшиси, шундай юраверайлик.

— Сени ҳеч кимга ишонмайман. Ҳатто манави соқов деворларга ҳам...

— Бу деворлар соқов эмас. Ҳар оқшом улар тилга киради.

— Ўлай агар, сўзларингга тушунган бўлсам.

— Э, қўяверинг бу ёғини. Бояги гапим гап. Шундай юраверайлик. Бизни ҳеч ким, ҳеч нарса ажрата олмайди!

Йигит эътироз билдирмади.

“Балки у ҳақдир? — деб ўйлади ичида. — Эҳтимол, шуниси маъқулдир...”

Биз режа тузамиз, аммо тасодиф уни барбод қилади. Кутилмаганда фожиа юз берди. Ҳа, бу — тасодиф, машғул тасодиф эди. Ҳатто ғайритабиий сирсиноат эди. Кутилмаганда содир бўлди у. Шоҳсанам ярим тунда қўққисдан гумбурлаган момақалдироқдан чўчиб уйғонди-да, чидаб бўлмас даражада санчаётган юрак хуружидан йигирма дақиқа азоб чекди-ю... омонатини топширди-қўйди. Султонмурод довдираб қолди. У ҳеч нарсани идрок қилолмасди. Йўқ, идрок қиларди, аммо ҳеч нарсага тушунмасди. Ахир шу кеча ҳарорат қирқ даража иссиқ, ҳаво қуриб қолгандек нафас олиш амримаҳол, баркут осмонда юлдузлар чарақлаб турар, қилт этган эпкин йўқ, лекин бутун борлиқни, курраи заминни ларзага солиб, момақалдироқ гумбурлади!..

Ё алҳазар!

Ер ёрилиб кетгудек бўлди-я!

Дафн маросимидан қайтиб, очиққанларидан шоша-пиша овқатланаётган эркагу аёл, одатдагидек, яъни бошқа ҳамма жойда бўлганидек, марҳума ҳақида гапиришти.

— Тавба, минг марта тавба, шундай қилиб ҳам одам ўладими? Жон бериш ҳам осон экан-да. Биргина момогулдирак!..

— Йўқ, бу ерда бошқа бир гап бор.

— Шўрликнинг юраги хаста экан-да.

— Э, у бўлди-бу бўлди, нима қилиб бўлсаям эшон бува завжасини ўзининг олдига чақириб олди-да!

— Ие, уни қаранглар, парда қимирляпти!

Султонмурод ортиқ дош бера олмади... Азахонадан чиқиб кетди.

Тўшакда ажриққа ағанагандек ухломмаган йигит алламаҳалда аста ўрнидан турди.

— Қаёққа? — сўради хотин.

— Ўзим, шундай...

— Эрталаб вақтли туришингиз керак, ухласангиз бўлмайдимми?

— Уйқум келмаяпти.

Эшик хиёл гийқиллаб очилиб-ёпилди.

Хотин кўрпани юзига тортди: “Тавба!”

Кеча ойдин эди.

Чарақлаган юлдузлардан ерга кумушранг ёғду тўкиларди.

Дераза ёнидан ўтган йигит бирдан таққа тўхтади.

— Сен?!

— Ҳа, мен...

— Ахир, сен...

— Кета олмадим!

“Дунё шунчалар гўзал!

Яйраб нафас олиб яшаганга не етсин... Ой нурида товланаётган япроқларнинг шовуллаши қандай ажойиб...

Аммо...

Бу дунёни сиз борлигингиз туфайли яхши кўраман.

Сиз туфайли!..”

— Қаерларда юрибсиз? — сўроққа тутди хотин.

— ...

— Бирпасда йўқ бўласиз-қоласиз!

— Ёмғир ёғаётган экан. Йўл четидаги тош устида бирпас ўтирдим.

— Бирпас?! Қайси йўлнинг четидаги тош?

— Муюлихдаги...

— Муюлишда ҳеч қанақанги тош йўқ! Ёмғир ҳам ёғмаяпти! Қачонлардан бери осмондан бир томчи тушгани йўғ-у... Нега ёлғон гапирасиз? А, нега? Нима учун? Ҳеч бўлмаса ариқдаги сувга бўкиб, кейин уйга келсангиз бўларди!

— Мен ахир у ерда Холиқ амакини кўрдим. Кейин анави чол бор-ку, оти нимаиди, ҳаҳ, тегирмончи...

— Шўрим қурсин, ахир улар аллақачон ўлиб кетишган-ку!

— ...

— Сизга бир бало бўлгани рост.

— Бас қилсанг-чи!

— Бас қилмайман! Нега энди бас қиларканман?

Мен ерда яшайман, сизга ўхшаб осмонда учиб юрганим йўқ!

— Инсоф қилгин, чарчадим, бирпас мизғиб олишга кўясанми-йўқми?!

— Боринг, дўкондан бир қоп ун опкелинг. Уйда бир ҳовуч ун йўғ-у, бу кишим!.. Қачон болам-чақам дейсиз?

— Э, бор-э!

“Эсингиздами, бир кеча тонг отгунча ухлამасдан гаплашиб ўтирганимиз? Эсингизда, а? Билардим... Осмон бир бошқа бўлиб ёришиб кетганди ўшанда! Ой нақ тепамизда туриб олганди. Худди биздан узоқлашгиси келмагандек. Илиқ шамол райҳон ҳидини димоғимизга урарди... Назаримда, кеча-кундуз ҳам, ой-қуёш ҳам, ҳамма-ҳаммасининг бизга ҳаваси келарди”.

— Чик-чак... Чик-чак...

Султонмурод чўчиб кўзини очди.

Аллаким дераза ойнасини оҳиста чертгандек туюлди. Ёстиқдан бошини кўтарди.

Хира ёғду тушаётган ойна ортида кимдир унга тикилиб турарди.

Йигит ихтиёрсиз суратда ўрнидан турди.

Хотини қора терга ботиб ухлаб ётарди.

Султонмурод ҳовлига чиқди. Сўнг кўчага...

Ўн дақиқадан кейин у ўзини хароба олдида кўрди.

Чироқ ёниқ турарди.

— Кеч киришини минг азоб билан кутдим... — дея шивирлади жувон унинг кўксига бош қўяркан.

— Мен ҳам адойи тамом бўлдим. Нега бунча шошилдинг?

— Ихтиёрим ўзимда эмасди.

Тўсатдан жавондаги идишлар жаранглаб кетди. Қандайдир кўринмас қўл идишларни бир-бирига уриб, чил-чил қилаётгандек эди.

Жувон хижолатли кулимсиради.

— Ўтибор берманг. Мен ўрганиб кетганман...

У сўзини тугата олмади. Хонанинг аллақайси бурчагидан эшитилган овоз жувоннинг овозини босиб кетди:

— Бадбахт! Ярамас! Тавқий лаънатимга учрадинг! Қиёмат куни ҳам сени кечирмайман!.. Эй, бадбахт! Азоб фаришталарига топширдим сени! Алар дўзах ўтидин тож кийдирурлар бошингга, қиздирилғон мисдан либос кийурсан!

Жувон иккала кафти билан йигитнинг қулоқларини тўсди.

— Эшитманг!..

* * *

Султонмурод кимсасиз кўча ўртасида турар, аллақачон қоронғи тушиб, ён-беридан одам оёғи тийилганини, уйига бориши лозим эканлигини фаҳмларди, ҳис этарди, аммо оёқларига тош боғлагандек уларни ердан узолмасди. Бир маҳал аллаким қўлидан тутгандек бўлди. Каттиқ сесканди. Уй томон юрмоқчи бўлди. Шу он оқшом ҳукмига ўтган борлиқ бағридан сирғалиб ўтган бир нидо қулоқларига урилди: “Султон...”

Йигит иккиланди: бу одатдаги овозга, одатдаги чорловга ўхшамасди.

Тагин ўша овоз: “Султон...”

Йигит гарангсиган кўйи овоз келган томонга юрди: яна ўша хароба!

У таниш йўлак бўйлаб ичкарилади.

Хона зим-зиё.

Қулоқни қоматга келтиргудек сукунат.

Вақт тўхтаган, олам нафас олмай қўйганди гўё.

— Бу ёққа ўт! — деган дағал овоз гулдуради.

Қоронғиликка кўника бошлаган йигит зулмат қаъридан ўзига қадалиб турган бир жуфт ғазабнок нигоҳларни ҳис этди.

Сўнг эса... шифтда осилиб турган оқиш сиртмоққа кўзи тушди.

Қалтираб кетди.

— Ўзингни ос!

Тош қотган сукунатга бирдан жон энди: хона шовқин-суронга, шивир-шивирларга, саросимали, қироатли, йиғламираган овозларга тўлиб кетди.

— Э худойим!

— Ё раббий!

— Бояқиш ҳали ёш экан.

— Хайрият, у биздан эмаскан. Мен укам Мирзаўлатми деб ўйлаб кўрқиб кетганимдан югуриб келгандим. Хайрият!.. Анчадан буён бетоб эди-да...

— Нега менга тирғаласиз ҳадеб?! Қаерга борсам кўзингизни лўқ қилиб турганингиз-турган!

— Ие, бу Искандар аканинг ўғли-ку! Вой шўрлик...

Искандар акага хабар бериш керак. Тезроқ! Тезроқ!

— Вой-бўй, намунча... Мен билан кўришмаслик учун атай пойабзалингизни қўлингизга олволдингизми?

Пасткашлингиз қолмади-қолмади-да!

— Ўғлим!

— Болам... Болажоним... Ёш жонингга жавр қилма!

Отаси, унга айтинг, бундай қилмасин... Болам!.. Дарвоқе,

эшон бува... Эшон буванинг олдига боришим керак! Ё тангрим...

— Бўлсанг-чи! Нега иккиланияпсан? Бўлақолсанг-чи!

Султонмурод тошдай оғир нигоҳларини сиртмоққа қадади, бир неча сония ундан кўз узмади.

— Бу жуда осон...

Султонмурод беихтиёр сиртмоқ томон бир қадам ташлади.

“ — Оҳ!

— Вой бечора...

— Э, нега дод-вой қиласанлар? Қилғиликни қилгандан кейин жазосини олсин-да! Бундайларнинг жойи дўзахда!

— Дўзах шундай жойки!.. Дўзахнинг ўтидин заррадек олиб, уни тоғ устига қўйдилар. Бас, тоғ анинг иссиқлигини симобдек эриб кетди...

— Ё тавба!

— Тангрим, уни ўзинг ёрлақа!”

Султонмурод сиртмоққа қўл узатди. Қўли етмади,

етар-етмас бўлиб, ҳавода муаллақ қолди. Яна бир қадам...

Бехосдан пойабзалининг учи қаттиқ нарсага тегди. Мункиб кетди.

— Йўқ, йўқ, — деганча ортга тисланди у ўзига келиб.

— Кўрқма, — дея далда берди гулдураган овоз энди бир оз юмшоқ оҳангда...

— Йўқ!

— Бу жуда осон...

Шу он бўшлиқ қаъридан сузиб чиққан шарпа тап тортмасдан дорга қўлини узатди ва... худди шундай ҳеч иккиланмасдан — оддий юмушни бажарётгандек — сиртмоқни бўйнига солди. Шундоқ Султонмуроднинг кўз олдига шарпа ўзини осди. Боши кўксига осилган... оёқлари шалвираган... Юзи эса... Ҳайратланарлиси шунда эдики, у шарпанинг юзини аниқ-таниқ кўрди. Дарвоқе, юз... юзини қандай эди деса бўлади? Юзи... юзи улуг саодатга эришгандек мамнун ва сокин эди!

— Нега бундай қилдингиз? — дея қичқириб юборди Султонмурод беихтиёр.

— Нима қипман?

— У ўлиб қолди.

— У ўлгани йўқ. Яхшилаб қара. Мана у ёнингда турибди.

Султонмурод кўзларини юмиб-очди: ё алҳазар! Шарпа бояги жойида ҳеч нарса бўлмагандек қаққайиб турарди!

Йигит ақлдан озаёзди.

— Ҳозир... Ҳозиргина у... — дея пичирлади қуруқшаган лаблари.

— У ўлгани йўқ, сираям ўлгани йўқ.

— Ақлим бовар қилмаяпти...

— Тасаввур қил, вужуд — улкан чиганоқ, руҳ шу чиганоқ ичида димиқиб ётган жонивор. Мана энди у озо! Султонмурод яна сиртмоққа кўз югуртирди.

— Бу жуда осон...

— Бу жуда ажойиб...

— Бу жуда осон...

— Бу жуда ажойиб...

Таранг тортилган асаблар бўшашди.

Йигит ўзи истамаган ҳолда, лекин шунга мажбурдек сиртмоққа қўл юборди. Шу вақт...

Бирдан еру кўкни ларзага солиб, момақалдироқ гумбурлади. Чақмоқ чақди.

Шамол қоп-қора булуғларни ҳайдаб келди.

Дераза шарақлаб очилиб-ёпилди.

— Йўқ! Йўқ! — деган фарёд эшитилди аввал.

Кейин... Ё раббий!

Чақмоқ ёруғида у кўзга ташланди. Мана у! Бор бўй-баста билан. Бу ўша!

— Йўқ! — дея такрорлади у. — Йўқ! Бундай қилманг!

Бу тузоқ... Бу фитна... — жувон йигит пойига тиз чўқди. — У мени ўзи билан олиб кетмоқчи эди. У билан кетсам гуноҳлардан фориг бўлармишман. Жаннат менинг пойимда бўлармиш! Мағфират нурига йўғрилар эмишман. Шунда буюк азоб куни ёруғ юз билан чиқар эмишман. Акс ҳолда руҳим ёруғ дунёда сарсон-саргардон изғиб юраркан... Мен шунисини танладим. Дунёни сиз борлигингиз туйфайли яхши кўраман! Қаранг, шафтоли қийғос гуллабди...

Қутилмаганда хона ичи ёришиб кетди. Султонмурод ҳайрат оғушида жувонга боқди. Сиртмоққа узалган қўллари бўшашди...

Эрталаб уни харобадан хушсиз ҳолда топиши. Тушгача у қишлоқ касалхонасида ётиб, ниҳоят хушига келди. Аммо... йигит тамомила ақлдан озган, телба эди.

“ — Ё тавба, мен илгарӣ ҳам бундай воқеага гувоҳ бўлгандим.

— Қачон?

— Миллион йил аввал...”





Умид ташлаб кетмас ҳеч

ШАРОБ ТУТМА

Менга шароб тутма, майпараст дўстим,
Ичган аламлардан ерпарчин мастман.
Гоҳ кўнглим иқболдан маст бўлди — ўдим,
Пойимда ястаниб ётибди осмон.

Май менга не даркор, симирдим тунни,
Симирдим қуёшининг тутган жомини.
Ичаяпман менга аталган кунни,
Гоҳ қарғаб, олқишлаб ҳаёт номини.

Ҳар тонг тирикликнинг таъмини тотиб,
Шириноми, аччиқми лаззат туярман.
Орзуни опичлаб, армонга ботиб,
Сабр косасига кўз ёш қуярман.

Руҳим фалакдаги ойни ичаркан,
Юлдузни қучоқлаб ухлаган тушман,
Ҳавони шаробдек симираркан тан,
Май менга не даркор, ҳали... сархушман.

Менга шароб тутма, майпараст дўстим...

СИЗДАН ЭМАС

Тикилмангиз маънос, дилпора,
Қиё б-қамм, бўлманг овора.
Сиздан эмас, хумор, қоп-қора —
Аразладим кўзларингиздан,
Менга кулиб қарамай қўйди.

Гоҳо мағрур, гоҳида вайрон,
Нега жимсиз, турибмиз ҳайрон.
Сиздан эмас, чиройли, равон —
Аразладим сўзларингиздан,
Аҳволимни сўрамай қўйди.

Рости, сизга айтар гинам йўқ,
Зардаларим отмам мисли ўқ,
Сиздан эмас, бўлсин кўнглим тўқ —
Аразладим қўлларингиздан,
Гул тутмоққа ярамай қўйди.

Айро кунлар эмасдир бежиз,
Эт кўрсангиз кетаверинг сиз.
Сиздан эмас — қадрдон, азиз —
Аразладим йўлларингиздан,
Изимизни курамай қўйди.

Сиздан эмас аразларим, йўқ...

ДЕМАДИ-КУ

Мен ёр дедим, ёронлар,
Ул ёр, ор демади-ку.

Кечмоқни мен дедим ор,
Ул ёр, ор, демади-ку.

Гул изладим беҳуда,
Очилмоқ умидида.
Чаман ичинда туриб,
Бизда бор демади-ку.

Чехраси шамсу тобон,
Бечора кўнглим хуфтон.
Жамолин бир кўрсатмас:
Нурга зор демади-ку.

Кўзимда аччиқ ёшим,
Тошдан қаттиқми бошим:
Берган азобларини,
Ҳеч озор демади-ку.

Оҳ, деб кўкка чўзим қўл —
Кўкламимда урди дўл.
Лабин буриб кулди у:
Эсиз, хор демади-ку.

Ишқи беором этди,
Зорим фалакка етди.
Ҳол сўрмаса ҳам майли,
Эй, бечора, демади-ку.

Жафоларидан тўйдим,
Бақони бахтга йўйдим.
Орзум — илкин сиртмоқ эт —
Мана дор, демади-ку.

Видолашдим, хайр дедим,
Сўнги бор, муштоқ эдим,
Лоақал бир хўрсиниб,
Яхши бор, демади-ку.

Қаддим дол, дилим чўкди,
Тилим дуолар тўкди:
Эй, Гам, ундан кет, десам,
Ул — безор демади-ку.

Ёр дедим мен, ёронлар,
Ул ёр, ёр демади-ку.
Кечмоқни мен дедим ор,
Ул ёр, ор демади-ку.

ҚУШЧАГА

Эй, бижирлаётган қушча,
Қанотлари ранг-баранг.
Овозинг жуда ширин,

Ҳўп чиройли, кўп жаранг.
Куйла десалар, шошиб,
Ўзингни босиб аранг,
Боғни ларзага солиб,
Шўх-шан куйлашинг бекор.
Ўзга менга етмас, деб
Калта ўйлашинг бекор.

Сенгача бу боғларда
Не-не қушлар роз айтган.
Ҳар қувончу дардини
Бийрон айтган, соз айтган.
Тиллари куйса ҳамки,
Тўхтамаган, боз айтган.
Сен бу ҳақда, албатта,
Дарахтлардан сўраб кўр.
Бемору соғ, бедору,
Қарахтлардан сўраб кўр.

Шунда ҳайрон қоласан,
Дарахтларга тил битгай.
Бемору соғ, бедор не,
Қарахтларга дил битгай.
Сенинг бурро тилинга
Андишадан нил битгай.
Аввал эшитиши, тинглаш,
Қулоқ солишни ўрган.
Керакда жўр бўлишни,
Навбат олишни ўрган.

Эй, бижирлаётган қушча...

ЧИПТА

Поезд кетиб бўлди.
Халқ ибораси

Кетаверсин поездлар,
Улар асли кетгувчи.
Ҳали самолётлар бор,
Манзилларга элтгувчи.

Умид ташлаб кетмас ҳеч,
Орзу сизга мунтазир.
Осмон этинг юракни,
Юракда-ку барча сир.

Поездларга ачинманг,
Хайр денг кетганларга.
Парвозлари муборак,
Тушуниб етганларга.

Саидвафо БОБОЕВ

НОМУС ТУТҚУНИ

Қисса

Роппа-роса икки йил аввал бир тўп ёш-яланг билан мардикорчилик қилиш илинжида пойтахтга кетган Ҳайдар ниҳоят қишлоғига қайтди. Устида нархи хийла қақиб оладиган куйлак-шим, оёғида тоза чарм туфли. Ишқилиб, кўрган киши бу йигирма уч яшар бўзболнинг икки йил бировлар эшигида ишлаб ийиғи чиқмаганини дарров пайқайди. Сафар олдидан тоза шампун билан обдон ювилган жингилтоб сочлари кўпириб, қорамағиз юзлари йилтиллаб турибди.

Ҳайдар автобусдан катта йўл ёқасига тушиб қолди. Беш-олти соат тиқилинч, ҳар хил ачимсиқ ҳидларга тўла салонда ўтириб, туйқус тоза ҳавога чиққаниданми биркур боши айланиб, кўзлари тиниб кетди.

Май ойи адоқлаб қолганига қарамай, ҳали бу ерлардан баҳорнинг сўлим таровати кетмаган эди. Қирлар, ялангликлар кўм-кўк. Қийғоч, қуюқ барглarga бурканган дарахтлар енгил эпкиндан оҳиста чайқалади. Одатда, бу теваарак саврнинг ўрталаридаёқ сап-сарик, тақир даладашга айланиб қолар эди. Йўқ, бу йилги кўкдам хийла серёғин келгани учунми ҳарнечук бу сафар баҳор ҳали авжида, сержилва сепини йиғиштириб олгани йўқ.


Ҳайдар совға-саломга тўла сафар тўрвасини елкасига олифталарча осиб қадрдон қишлоғи Чангак томон кўз ташлади. Қишлоқ дов-дарахтлар, кенг пайкаллар ортидан гира-шира кўзга ташланиб турар эди. Катта йўлдан хийла узоқ, ҳечкурс, беш-олти чақирим келади. Шаҳарнинг тайёр кўликларига ўрганиб қолган Ҳайдар эриниб йўл бўйида пича туриб қолди. Шояд бирор улов Чангак томон бурилса-ю, шаҳар кўрган йигит бир амаллаб унга илашиб олса! Аммо атроф жим-жит, олис-олисларда зўр бериб ишлаётган тракторнинг кучаниб тариллашигина қулоққа чалинади. Аҳён-аҳён катта йўлдан "Нексия", "Опел", "Лада" каби узоқни кўзлаган машиналар ўқдай учиб ўтиб, ҳаш-паш дегунча кўздан йўқолиб кетади. Ҳайдар бу сержозиб, бежирим автолар ортидан тамшаниб-тамшаниб, орзуманд-орзуманд тикилиб қолади. "Бирорта шунақасидан қачон менга ҳам насиб этаркан?" — хаёлидан ўтади унинг. Йигитнинг кўллари мушт бўлиб тугилиб, юз пайлари асабий ўйноқлайди. Одатда, у ич-ичидан ишонч, қатъият қайнаб чиққандан шундай аҳволга тушади.

Ҳа, Ҳайдар ўз-ўзига ишонадиган, сергайрат, тадбиркор йигит. Бўлар бола бошидан билинади деганларидек, бу хислат ўспиринлик чоғларидаёқ ниш кўрсатган. Ҳайдар мактабда ҳартугул аъло ўқимаган бўлса-да, тиришқоқ, зийрак, ўзига етарли муғомбир-пишиқ эди. У синфдошлари билан туман марказига кинога ё шунчаки томошага чиқишганда, усталик билан ўз харажатларини ўртоқлари бўйнига қўйиб қўярди. Устига-устак изат-икромга, ташаққуру олқишларга кўмилиб юрарди. Чунки у барча тадбирларнинг кайвониси, тўп-тўп анқайган мишиқиларга йўлчи-йўлбошчи бўларди-да.

Бироқ, афсуски, Ҳайдар бирор-бир олий ўқув юртининг тупроғини ялай олмади. Бу масалада шундай учар йигитчанинг омади чопмади, Ҳайдар кетма-кет икки йил уннаса-да, олий мақом ўқишларга илаша олмади. Сўнг ҳарбийга кетди. Аскарликдан баттар устомон, баттар айёр бўлиб қайтди. Ундаги бундай қувлик, тадбиркорлик мардикорчилик пайида пойтахтга боришганда ҳўб қўл келди. У қора ишда қора терга боғиш ўзининг қисмати эмаслигини шаҳар бўсағасидаёқ пайқайди. Ҳамқишлоқларидан ажралиб ўзига алоҳида хужра топди. Аввалига ул бозордан бул бозорга нарса келтириб, чайқовчилик билан кун кечирди. Ушанда ҳам ҳар нечук ёмон топмади, бироқ Ҳайдар янада кўпроқ даромад қилиш пайида эди. Пул топишнинг бошқа йўл-йўриғларини излай бошлади. Шундай серташвиш кунлардан бирида Фулом номли "валютчик" билан танишди. Фулом шаҳарнинг қоқ марказидаги бозор ёнида туриб эртадан кечгача "доллар олавуз, доллар сотавуз" дея гоҳ бўкириб, гоҳ минғирлаб турар эди. Лекин топиш-тутиши тузуккина экани афтидан шундоққина билинарди. Ҳайдар янги акахонига шоғирдликка тушди. Аввал бошида анча қийналди, ҳатто, бир-икки "валютчик"ларни овлаб юрган орган ходимларининг қўлига тушиб, бор-будидан ажралиб, аранг қутилиб чиқди. Аммо Ҳайдар бўш келмади. Шу соҳада ошиғи олчи тушишини негадир ич-ичидан сезарди. Тишини тишига қўйиб ишлади. Ҳатто, йўлини қилиб ўша орган ходимлари билан кейинчалик ош-қатиқ бўлиб кетди. Адашмаган экан, Ҳайдар олти ой ичида бозорнинг энг учар, энг доғули "валютчик"ларидан бирига айланди. Ҳаш-паш дегунча хийла пул жамғарди. Ҳар эрталаб хужрасидан чиқиб, киракаш ёллаб қадрдон бозорига йўл оларкан, йўл бўйларида уймалашиб, бирор бир мижозни саргайиб кутаётган кйр-чир, иприсқи мардикорлар ичида аҳён-аҳён ҳамқишлоқларига кўзи тушиб ўз-ўзича мағрур илжайиб қўядиган бўлди.

Чангаклик "валютчик" кўп ўтмай тиллафурушликка ўтди. Бу соҳа ҳам доллар, рубл олди-сотдидан ўтса ўтардики, асло қолишмасди. Ҳайдар ҳаш-паш дегунча ҳар қандай тилла буюмини қўлида бир зум тутиб туриб, унинг салмоғию сифатини адашмай айта оладиган авлиёга айланди. Унда-мунда учраб турадиган ишқалликларни айтмаганда, деярли унинг ошиғи олчи эди. Аммо Ҳайдар пойтахтга келгандан бери бирор марта ҳам Чангакка бормади. Аҳён-аҳён у-бу ҳамқишлоқлари орқали қолу кампирга оз-моз пул жўнатиб турди. У бозорни бир қонга бўлса-да, ташлаб кетишга кўзи қиймасди. Қўлдан-қўлга ўтиб, сотилаётган тилла буюмларнинг жилваси буткул кўз ўнгини эгаллаб олган эди.

Шундай сержилва, сержозиб кунлардан бирида хужра эшиги устма-уст тақиллаб қолди. Уша кунни бозордан андак эрта қайтган Ҳайдар эндигина ювиниб-чайиниб бўлганди.



— Ким? — сўранди у эшикка юзланиб.

— Бу мен, Хушбоқман.

Хушбоқ Ҳайдарнинг синфдоши, йўл бўйида миждош пойлаб, ризқини териб юрадиган қавмдан эди. Ҳайдар ҳамқишлоғини хушнуд қутиб олди. Умуман, шу кун тиллафурушнинг хийла димоғи чоғ, вақти хуш эди. Чунки тушдан кейинги бир олди-сотдида у мўмайгина ўлжа орттирди. Шу сабаб ҳам бугун яхши бир дам олиш учун ижара уйига эртарақ қайтган эди.

Қора ишдан баттар қорайиб, озиб-тўзиб кетган Хушбоқ дўстининг икки хонали уйига кириб оғзи очилди-қолди.

— Вой-бўй, шишка бўп кетибсан-ку, Ҳайдар! Манави мебеллар, телевизор ўзингникими?

Ҳайдар нописанд илжайган қуйи бош ирғади.

— Кимники бўларди эсам? Уй эгаси қип-яланғоч квартирасини қолдирган, холос. Ҳаммаси ўзимники. Манови чўғдай гиламларни кўрйасанми, туркларники, шунинг ўзидан беш-олтита опқўйдим.

Ҳайдар беихтиёр мақтанишга тушди. Одатда у сир бой бермай, писмиқланиб юришни ёқтирар эди. Йўқ, негадир ҳозир Хушбоқни тўқин дастурхон ёнига ўтқазар экан ўз-ўзидан мақтанишга тушиб кетди.

— Қойил, — дея олди зўрға Хушбоқ, ҳануз теварагига анграяр экан. — Шунча пулинг кўп бўлса, бирорта уй сотиб ол-да.

Ҳайдар совитгичдан ароқ олиб пиёлаларга қуйди.

— Уй дейсанми? Савул пропискам йўғ-да. Уйни қандай расмийлаштираман. Шошилмайлик-чи. Бўп қолар. Қани... буни ол, Хушбоқ, овқатнинг тагида қолсин.

Хушбоқ бироз қаршилиқ кўрсатиб турган бўлдию, бироқ оппоқ ароқ қалқиб турган пиёлани қўлига олди, сўнг бир "куҳ" деб ичидагини сипқориб юборди.

— Ўзингнинг ишларинг қалай? — ҳол-аҳвол сўраган бўлди Ҳайдар, бир бўлак помидорни оғзига тиқиб газак қиларкан. — Қайлардан сўраймиз энди?

— Э, жўра, журиппиз-да мардикорчилик қилиб. Лекин тўғриси айтсам силлам қуриган. Шу қишлоққа буткул кетиб, бир-икки ҳафта донг қотиб ухласанми, деб юрибман.

Синфдошлар ҳиринглаб кулишди.

— Ухлаганинг билан сени биров боқармиди? — дея ўзича донолик қилди Ҳайдар, иккинчи бор пиёлаларни тўлғазиб ароқ қуяркан. — Чидайсан-да энди, илож қанча. Масалан, менга ҳам осон эмас. Нима топган бўлсам, катта машаққат эвазига топганман. Лекин нолисам ношуқурчилик бўлади, жўра. Қани, ол, бош омон бўлсин.

Икковлон яна пиёлаларни бўшатиб, газакка ташланишди. Кўп ўтмай Ҳайдар қозондаги димламани сузиб келтирди.

— Икки кун аввал қишлоқдан келдим, — деди Хушбоқ овқатдан бош кўтармай. — Уйингдагилар салом айтиб юборишди.

— Саломат бўлишсин.

— Нега ҳеч келмайди, ишқилиб, тинч-омонми, деб кўп сўрашди.

— Иш кўп-да.

— Лекин энди бормасанг бўлмайди.

— Нега? — сўради Ҳайдар сергакланиб.

Хушбоқ илжайди.

— Хушхабар. Умар аканг уйланыпти. Бир ҳафтадан кейин, келаси якшанба тўй.

— Тўй?! Дарров-а?!

Хушбоқ жавоб бермай, бу сафар пишиллаган кўйи пиёлаларга ўзи ароқ қуйди.

— Борасанми?

— Албатта-да. Эртагаёқ жўнайман. Тўй олди хизматларига қарашай-да.

Ҳайдар чин айтганди. Ростданам, у бугун эрталаб кўнгилдагидай бозор-ўچار қилиб, совға-салом

тайёрлагач, автобусга ўтирдию, қайдасан Чангак, дея жўнаб юборди.

Ҳайдар шуларни хаёлидан ўтказаркан, қишлоқ томон юрадиган бошқа уловдан умид қилмай, ўйдим-чуқур, тупроқ йўл бўйлаб яёв жўнади.

Кун пешиндан оққан. Ҳавонинг тафти баланд. Нақ тепада тўрғай муаллақ қотганича, бетиним чуғурлайди. Олис-олисда Чангакнинг лойсувоқ уйлари pista пўчоғидек сочилиб ётибди.

Ҳайдарлар оилада уч қиз, уч ўғил. Барчалари иноқиттифоқ. Айниқса, Умар ва Ҳайдарнинг бир-бирига меҳрибонлиги, ўзаро сирдошлиги жуда ғалати эди. Улар ака-укадан кўра бир-бирига суюнч-таянч, қиёматлиг дўстларга ўхшашарди. Шу сабабдан ҳам Ҳайдар акасининг уйланаётганини, тўй яқинлигини эшитиб чидаб туролмади. Бусиз ҳам икки йилдан бери соғинчдан, интиқликдан ҳилвираб турган юраги ортиқ тоқат қилолмай зудлик билан йўлга чорлади.

Бир умр колхознинг кетмонини чопган Давлатқул ака хотини Бибитош янгалар болаларининг қобилгина, бир-бирига меҳрибонгина эканидан бошлари осмонга етарди. "Камбағалигимиз эвазига Худо бизга шундай яхши фарзандлар ато қилди" дея шукроналар айтишарди. Тўғри, Ҳайдарнинг кичик опаси Ойгул эрга чиқишдан андак аввал хийла машмаша кўтарди. У ҳақда қишлоқда ҳар хил сассиқ миш-мишлар пайдо бўлди. Бунинг ҳаммасига аслида Ойгулнинг гўзал, қувноқ ва очиқ кўнгли эканлиги сабаб бўлган. Ойгул вилоят марказидаги педколледжда ўқир эди ўшанда. Кимдир биров уни аллақандай пўрим йигит билан қўлтиқлашиб юрганини кўрибди.

Кейинчалик аллақим Ойгулнинг туман раҳбарларидан бири билан шакарғуфторлик қилиб турганига гувоҳ бўлганмиш. Тагин бир нусха бу сулув қизни колхоз ферма мудири — Карим пачоқнинг машинасида ял-ял яшнаб дала кезиб юрганини гапириб хийла сасиди. Оилада бесаранжомлик бошланди. Айниқса, Карим пачоқ билан боғлиқ шивир-шивир Давлатқул аканинг жон-жонидан ўтиб кетди. Чунки Карим пачоқ ферма мудири, бой-бойвачча киши бўлса-да, Чангақда уни ҳамма ёмон кўрарди. Тиканак соч, юзлари ялпоқ, бурни танқай бу нухсанинг дум-думалоқ, митти кўзлари одамларда аллақандай жирканч ҳис уйғотарди. Айниқса, Карим пачоқнинг насл-насаби, уруг-аймоғи ҳақида шундай нафратли гаплар юрардики, тузуккина амалига қарамай ҳамма ундан ўзини олиб қочишга уринарди. Охири миш-мишлардан сўнг аввал Давлатқул ака, сўнг Умар ва Ҳайдар Ойгулни қўйини-қистовга олиб сўроқ қилишди, тергашди. Аммо бу шўх-шадлоқ, қувноқ қиз одатдаги ҳазил-ҳузуллари билан сўров-терговдан осонгина қутилиб кетди. Ўшанда Ҳайдар опасининг тозалигига ич-ичидан ишонган эди. Шунинг учун ҳам уни ортиқча қистамади, отаси ва акасини ҳам юпатиб, кўндирди. Аммо шундай кунлардан бирида яқин қариндошларидан Ойгулга совчи келди. Давлатқул ва Бибитош бир-бирига маъноли термулишди, афт-ангорларидан мамнуликлари, совчиларга розичилик беришга тайёр эканликлари сезилиб турарди. Бироқ одатга кўра, номигагина бўлса-да, "бизлар бир-ир ўйлаб, маслаҳатлашиб кўрайлик", дейишиб, қариндошларидан муҳлат олишди. Афсуски, ҳамма машмаша ўша кунни бошланди. Совчилар ҳақида эшитган Ойгул ҳангу манг қотиб, маъюс-маъюс ўйларга чўмди, одатдаги қувноқлигу ўктамликдан асар ҳам қолмади. Сўнг туйқус вилоят марказига қочиб кетди. Онаси соч юлиб қаранди, отаси уҳ тортиб, сўкинди. Ойгул ўша кетганидан уч-тўрт кун ўтгач, тагин ҳеч нарса кўрмагандай уйга қайтди. Болаларини ҳеч калтаклаб ўрганмаган Давлатқул ака қўлига узун бир таёқни олди. Бироқ дарровгина шашти сусайиб, қизига уч-тўрт оғиз ўшқиришдан нарига ўтмади, қўлидаги таёқни жаҳд билан бир чеккага улоқтирди.

"Мен қариндошимизга тегмайан", деганди ўшанда Ойгул, эшитилар-эшитилмас товуша.

"Нега?! — ўшқирди отаси. — Ё, топганинг борми, ярамас? Гапир! Миш-мишлар чин экан-да!"

Ойгул индамай онасига қаради. Отаси тушунди, шекилли индамай чиқиб кетди. Ўша кеча Ойгул онасига ёрилди. Чиндан ҳам топгани бор экан. Ойгул фақатгина ўшанга тегаркан. Ҳатто... ҳатто қорнида ўшандан бир ойлик ҳомиласи бор экан. Давлатқул бу хабарни хотинидан эшитгач дами чиқмай қолди. "Наҳотки... миш-мишлар чин экан-да" — изтироб билан ўйланди у кўрагини чангаллаб.

Йўқ, барибир Ойгул вилоят марказига қочиб бориб, дангалига гаплашиб келган бўлса-да, муштипар қиз умид қилганидек, ўша суякли йигитидан совчи келмади. Ойгул қаттиқ ўксинди. Зор-зор йиғлади. Охири... қариндошига тегишга кўнди. Тўй ўтди. Аммо тўй ўтиб, ҳаммаси кўнгилдагидек жойлашгунча Давлатқул ака хонадони безовталаниб, юрак ҳовучлаб турди.

Ҳайдар шундай хаёллар билан тепаликдан ошиб ўтганини ҳам сезмай қолди. Тагин ўттиз-қирқ дақиқа қичаб юрса уйига етади қўяди.

Шу пайт тупроқ йўлдан анчагина наридаги зовур ёнида гира-шира кўзга ташланиб турган машина Ҳайдарнинг диққатини тортди. Машина атай буталар орасига яширинтириб қўйилганини Ҳайдар зийраклик билан пайқади:

"Қизик, кимники экан? "Жигули"га ўхшайди".

Ҳайдар бир ажабсиниб, бир қизиксиниб ўша ёққа юрди. Теварақда зог учрамайди. Фақат осмону фалақда алақандай бўзтўрғай зор-зор бўзламоқда эди.

* * *

Ҳайдар эҳтиёткорлик билан зовурга яқин борди. Секин буталар панасидан машина томон мўралади. "Ия, Карим пачоқнинг "Жигули"си-ку?! Нега яшириб қўйибди?" хаёлидан лип этиб ўтди йигитнинг.

Кўз ўнгида колхоз фермасини хусусийлаштириб олиб, баттар бойигандан бойиб, тараллабедод қилиб юрган юзлари тобоқдай, бурни япасқи, қалин лаблари осилган нусха жонланди. Жонландию ҳалигина йўл-йўлакай худди шу Карим пачоқни эслагани, у билан боғлиқ нохуш хотираларни ўйлагани ёдига тушди.

"Тавба, бўрини йўқласанг қулоғи кўринади. Қизик, келиб-келиб шу тасқарани учратадиганга ўхшайман-а... Ишқилиб, яхшиликка бўлсин-да..." — хаёлидан ўтди Ҳайдарнинг.

Панадаги машинанинг икки ён эшиги очиқ эди. Аммо теварақда жон нуқси кўринмайди. Ҳайдар оҳиста, хушёр қадамлар билан "Жигули"га яқинлашди. Тевараққа қўрқа-пуса аланглади. "Карим ака-а!" дея товуш чиқармоқчи бўлдию, бироқ ҳам чанқовдан, ҳам ваҳимадан қуруқшаб қолган томоғидан ҳеч бир овоз чиқмади. Ён-вердаги буталар барги енгил эпкиндин шитирлаб кетди. Шу чоғ зовур томондан Ҳайдарнинг қулоғига ҳиринг-ҳиринг кулгу, нозик қийқирик саслар чалинди. Йигит шоша-пиша тоғдек тупроқ уюмига тирмашиб, зовур томон мўралади. Мўраладию тагин ўзини панага урди. Юз-кўзлари мисдай қизиб, юраги гурс-гурс ура кетди.

"Наҳотки..." ўйлади у кўрган манзарасини тагин бир бор хаёлида жонлантдириб. Сўнг яна кўрқа-пуса ўша ёққа мўралади. Қамишу юлғунлар қуюқ ўсган зовурнинг бир четида ярим яланғоч бир эркагу бир аёл бир-бирига бақадек ёпишиб, ялашиб-юлқашиб ўтиришарди... Бу сафар Ҳайдар аёлнинг юз-кўзини қоплаган тўзгин сочларини, оппоқ сонларини гира-шира кўрди. Унинг ёнидаги эркак Карим пачоқ эканлигига шубҳа йўқ эди. Уларнинг теварақда кийимлари тўзгин сочилиб ётибди.

Ҳайдар яна ўзини панага олди. Сўнг андак гандираклаган кўйи қишлоқ томон йўрғалади.

* * *

— Об-бо, укам-е, роса соғинтириб юбординг-ку, — дея нақ ўнинчи бор такрорлади Умар, Ҳайдарга илжайиб тикиларкан.

— Ўзиям икки йил қорасини кўрсатмади-я, — ўпкалаган бўлди Давлатқул ака. — Илгари армияга кетган шунча пайт кетарди. Ҳозирги мардикорлар аскарлардан қолишмайдиган бўп кетишган.

Улар қанд-курс, нон бўлаклари сочилган дастурхон теграсида ўтиришарди. Давлатқул ака, Бибитош янга гарчанд ўғилларидан ўпка-гина қилаётган бўлишса-да, бироқ юз-кўзларида мамнуният, қувонч балқиб турарди. Ахир, ёнгиналарида шаҳар нуқси урган, тўлишиб, ўктамлашган ўғли соғ-омон ўтирарди-да. Устига-устак анча-мунча топармон-тутармон бўлиб кетгани, ўзига пухталиги кўриниб турибди.

Умар озгин, қоп-қора юзларини бетиним силар, илжаяр, укасини кўпроқ гапга солишга тиритар эди. Бироқ Ҳайдар негадир паришон кўринади. Чойдан хўр-хўр хўплаганича узоқ-узоқ хаёлга чўмиб қолар эди.

— Шундай қилиб Умарбойни ҳам унаштириб қўйдик. Бу ёғига тўй ҳам тезлашиб кетди, — деб салмоқ билан гап ташлади Давлатқул ака ёстиқни бағрига тортиб, оёқларини узатиб юбораркан.

Умар хоҳолаб кулди.

— Отам алдаяпти, ҳаммасини ўзим тезлаштирдим, Ҳайдар, сенга яхшиликча йўл бўшатай дедим-да.

— Раҳмат, раҳмат, — деб артистларча қўлини кўксига қўйиб таъзим қиди ука. — Бундай ҳимматингни ҳеч унутмагаймен.

Ҳайдар акасини ёшлигидан "сен"сираб ўрганган. Умарга ҳам шунақаси ёқади. Гоҳ-гоҳ "сиз-сиз"лаб қолса, хафа бўлади, "мени бегона қиляпсанми?" дейди.

— Сал мундай қудалар ҳақида суриштирмайсан-а, — деб гина қилган бўлди Бибитош янга.

— Энди-да, эна, энди, — деб илжайди Ҳайдар. — Ҳаммасини бирдан билиб олсам тиқилиб ўламан.

Умар хоҳолаб кулди. Давлатқул ака ҳиринглади.

— Зўр янғалик бўляпсан, галваре, — дея Ҳайдарнинг тиззасига қувноқ шапатилади Умар, — гўзаллигини кўявер, кимлардан эканлигини эшитсанг, оғзинг очилиб қолади.

Ҳайдар чинданам қизиксиниб акасига тикилди.

— Кимлардан экан?

— Қизилсойлик Ҳотам аканинг қизи, хув, Хуррам чавандознинг синглиси.

— Ўҳ-ў-ў, — деди Ҳайдар ҳайратланиб, бир акасига, бир отасига сўз ташларкан, — юлдузни бенарвон урибсизлар-ку?!

Давлатқул ака мағрур бош ирғаб, такаббуруна илжайиб қўйди.

Қизилсойлик Ҳотам, гарчанд Умар эҳтиром билан "ака" деётган эса-да, одамлар орасида "ўпқон" лақаби билан машҳур эди. Ҳотам ўпқон бир пайтлар вилоятнинг кўзга кўринган амалдорларидан бўлган. Кейинчалик имижимида отамакон — Қизилсой қишлоғига кўчиб келиб, тарқаб кетган совхознинг серсув, ҳосилдор еридан анчагинасини эгаллаб олган, катта, серқатнов йўл ёқасига ёқилиги қуйиш шаҳобчасини қурдирган, хуллас, янги замон бойларидан саналади. Ҳотам ўпқон катта амалларнинг, юқори доираларнинг ҳавосидан нафас олиб ўрганганиданми, унча-мунча одам билан очилиб-сочилиб гаплашмас, анчайин тўнг ва баджаҳл киши эди. Унинг тўнгич ўғли Хуррам чавандоз ҳам ўзининг урушқоқлиги, зўравонлиги билан хийла машҳур. Айтишларича, вилоятнинг машҳур бир жиноий тўдасига Хуррам ҳам аъзо эмиш. Шундай бой-бадавлат, димоғдор хонадоннинг Давлатқулдек эски чориг, фақир-пасткаш одам билан қуда-андачилик қилаётгани ҳам қизилсойлик, ҳам чангаклик аҳолини роса ажаблантирди. Ҳатто баъзи бир оғзига кучи етмаган гийбатчилар,



куракда турмайдиган ажойибу фаройиб миш-мишларни тўқиб-бичиб чиқаришди. Аммо ҳаммаси бекор. Ҳотам ва Давлатқул хонадони қудачиликда собит. Худо хоҳласа, яқинда тўй.

— Э-э, укам, ҳали гаплар кўп, — дея кўз қисди Умар, тагин Ҳайдарнинг тиззасига шапатилаб, — ҳали гаплашамиз.

Шу пайт кўча дарвозаси енгил-енгил тақиллади. Дастурхон теварагида ўтирганлар сергакланиб, кўз уриштириб олишди.

— Ким бўлдикан, шом пайти, — деб мингирлади Давлатқул ака, ёстиқдан бағрини ростлаб.

— Ҳозир.

Умар чаққонлик билан ўрнидан туриб ташқарига отилди. Ланг очилиб қолган эшикдан гира-шира шом қоронғулигига бурканаётган ҳовли чала-ярим кўриниб турарди.

Кўп ўтмай дарвоза ёқдан аёл кишининг қувноқ, шўх-шодон кулгуси эшитилди.

— Ия, Ойгул-ку?!

Бибитош янга ҳам қувониб, ҳам ажибсиниб ўрнидан кўзғолди-да, қизнинг истиқболига ошиқди. Давлатқул ака бир-икки томоқ қириб, эшик томон кўз ташлаб тураверди.

Ҳайдар донг қотиб қолган эди. Негадир лоп этиб унинг кўз ўнгига яна ўша зовур лабидаги манзара жонланди. Жонландию ўз хаёлидан ўзи уялиб, ижирғанди. Сўнг ўрнидан оғир кўзғолиб, опаси билан кўришишга ҳозирланди.

* * *

Ойгул одатдагидек шўх-шаддод, бир гапириб ўн кулар эди. Эрга теккандан бери андак тўлишиб, чиройига чирой қўшилган. Таннозларча бошига қўндирган дуррачаси, енги калта, кенг-мўл тикилган қизғиш кўйлаги ўзига ҳўб ярашиб турибди. Бармоқларида қўша-қўша узук, бўйнида тилла занжир.

Ойгул Ҳайдар билан қуюқ кўришди. Ҳатто соғинчдан, қувончдан кўзларига ёш қалқиб, тили бир зум қалмага айланмай қолди. Аммо бир оздан сўнг суҳбат тагин ўз ўзанига тушиб қизиб кетди.

— Қандай шамол учирди, бундай бемаҳалда? — деб сўради отаси унга саволомуз тикилиб. Онасининг андак меҳр, андак ташвиш билан термулиб турган нигоҳларида ҳам худди шу савол кезиниб юрарди.

— Ўлси-ин, — дея тангиланди Ойгул, Умар қуйиб узатган чойдан бир-икки хўплаб. — Куёвингиз билан марказга молга кетаётгандик, қургур, мошинамиз йўлда бузилиб қолди. Чангак яқин бўлгани учун у киши мени бир йўловчи машинасига солиб юборди, бир амаллаб етиб келдим. Ўзлари ҳали бузуқ араваси билан овора эдилар. Ким билади.

Давлатқул ака ва Бибитош янга кўнгиллари жойига тушиб, ўзаро маъноли кўз уриштириб олдилар: "Хайрият".

— Вой, Ҳайдарбек, қачон келдинг? — Ойгул энди укасини устма-уст саволга тута кетди. — Вуй, роса ўзгариб, нақ шаҳарликларга ўхшаб қолибсан. Тошкент қалай? Бозорлар ободми? Ўлсин, биз ҳам энди ўшаёқдан товар ташисакми, деб ўйлаб юрибмиз.

Ойгул эри билан Ургутдан майда-чуйда келтириб, ўзларининг у-бу кўчма бозорчаларида сотиб, тирикчилик қилишарди. Эру хотин кўш хўкиз деганлари чин-да, мана, икковлашиб рўзғорга чопганларидан топиш-тутишлари чакки эмас: рўзғор бут, уй-жой, машина бор.

— Кичкинтойингни кимга қолдирдинг? — сўради Бибитош янга.

— Қайнонамга. Нурбек шу момосига жуда ўрганиб қолган, мен керак эмас унга.

Дастурхон атрофида енгил кулгу кўтариди.

Опасини бош-оёқ қузатиб ўтирган Умар ярим ҳазил, ярим ҳавас билан гап қотди.

— Жуда бойиб кетяпсан-а, Ойгул. Бўйнингдаги анови занжирни қачон олдинг?

— Фу-у, — менсимагандай лаб жийириб, қўл силтади Ойгул, — буни олганимга олти ойдан ошди-ю, сен мана буни кўр, ўтган ҳафта Ургутдан олдим.

Ойгул гоҳ чапга, гоҳ ўнгга бурилиб, таманно билан қулоғидаги қизғиш зиракни кўз-кўз қилди.

— Вой-бў-ўй!

— Кўз тегмасин, туф-туф, — деди Бибитош янга.

Давлатқул ака ҳам бош ирғади.

— Ўзингга буюрсин, бундан ҳам зиёда бўл.

— Эй, сен, — Умар Ҳайдарга юзланди, — тилланинг пириман деб мақтанасан қани буни бир баҳолаб бер-чи?

Ойгулнинг қулоғидаги зирак унчалик қиматбаҳо эмасди. Ҳайдар уни аллақачон пайқаган. Бироқ опасининг кўнглига қараб, ўзича мақтаб қўйди.

— Зўр-ку! Бунақаси Тошкентда осонликча топилмайди.

Ойгул гул-гул яшнаб, укасига ҳавойи ўпич юборди.

— Дидингга балли, ука!

* * *

Йўл юриб чарчаган бўлишига қарамай ўша тун Ҳайдар ухлаёлмай, тўлғониб чиқди. Кўз ўнгига ўша зовур чеккасидаги манзара, гоҳ тилла тақинчоқларга кўмилган опаси бот-бот жонланар, минг бир хаёл исканжасида кўнгли алғов-далғов бўлар эди. Худди шу ўй, ҳислар сира тинчлик бермаганидан, Ҳайдар дастурхон ёнида ҳам хийла бесаранжом, паришон ўтирди. Оила аъзолари ундаги бу аҳволни йўл азобидан толиққанлигига йўйишди, шекилли, ортиқ қийин-қистовга олиб сўроққа тутишмади.

Умарнинг эса оғзи қулоғида. У бўлажак тўй, висол ҳавосидан маст, димоғи чоғ, вақти хуш эди. Устига-устак жигарбандининг, энг яқин, энг сирдош қадрдонининг пойтахтдан етиб келганини айтмайсизми?

Умар мактабда аъло баҳоларга ўқиган эди. Шу боис вилоят марказидаги инженерлар институтига осонгина кириб олди. Институтни битирдию, бироқ ўзига муносиб иш тополмади. Аввалига ўша Қизилсой совхозида мироблик қилди, сўнг, совхозлар тугатилгач, анча гарангсиз не бир иш машғул бўлишини билмай довлдиради. Кейин ўз қишлоқлари ёнидаги подстанцияга қоровул бўлиб ишга жойлашди. Иши тинч, уч сменали Умар навбатчиликдан бўш пайтлари эски, шалоқ "Москвич"ида киракашлик қилади.

Ҳайдар турли-туман палаклар осилган, аллақандай ўт-ўланлар ҳидига бўккан меҳмонхонага кириб, тайёр ўрин-тушакка кириб ётгач Умар ёнига кириб келди.

— Ётдингми?

— Ҳа.


— Шошилмасанг-чи, бироз гаплашайлик. Ичим тўлиб кетган.

Умар қаллиғи, Ҳайдарнинг бўлажак янгаси — Гулбиби билан қандай танишиб, қандай севишганларию, қандай саргузаштлар кечирганлари ҳақида тўлиб-тошиб ҳикоя бошлади. Ҳайдар ора-чора, истар-истамас саволлар бериб, изоҳлар талаб қилиб ўзича суҳбатлашган бўлди. Бироқ тез-тез чалғиб, ўз хаёллари оғушида хомуш тортиб қоларди.

— Ҳа, майли, — деди ниҳоят Умар узун бир ҳомуза тортиб, — қарасам, ҳеч чиройинг очилмаяпти. Қани, ётиб дам ол-чи. Эртага гурун қиламиз.

Ҳайдар ҳайҳотдай меҳмонхонада ёлғиз қолди. Деразадан айвондаги электр лампа чироғининг ёруғи ичкарини гира-шира ёритиб турарди.

Ҳайдар нохуш хаёллардан чалғиб, тезроқ ухлаб қолиш илинжида меҳмонхона васса жуфтларини санаган



бўлди, девордаги палак кашталаридан ўзича ҳар хил тасвирлар ясади. Бироқ уни барибир оғир, шилимшиқ хаёлар тарк этмади. Кўз ўнгиди тагин ўша зовур, ўша ўсиқ қамишзор, юлғунзор, ялаб-юлқашаётган йўнашлар...

Ҳайдар ич-ичидан илондай гимирлаб турган аччиқ ҳақиқатни тан олишга мажбур бўлди. У Ойгулдан шубҳаланмоқда эди! Бу шубҳа негандир ўша манзарага гувоҳ бўлган лаҳзадаёқ туғилганди. Ким билсин, ўшанда йўл-йўлакай Ойгулнинг машмашалари, Карим пачоқ ва Ойгул ҳақидаги гийбатлар ҳақида ўйлагани ва ногоҳ Карим пачоқни кўриб қолгани учун туйқус шундай шубҳага боргандир? Устига-устак, опасининг тўсатдан, бемаҳал ота уйида пайдо бўлиши-чи?! Худди шу ҳол Ҳайдарнинг гумонларини баттар алангалатди. Назарида опаси зовурда балчиққа беланиб, сўнг ҳеч нима кўрмагандай ота уйига кириб келгандек туюлди.

Ҳайдар у ёқдан бу ёқ ағдарилиб ётди. Кўзларини қаттиқ юмди: "Йўқ, бу нарсанинг тагига етишим керак. Карим пачоқнинг кучоғидаги ўша аёл ким?"

Ҳайдар барибир ўз опаси ҳақидаги шубҳалардан қутулолмади. Чунки Ойгулнинг озгина ўйноқи феъли, машмашали ўтмиши бунга халақит берарди. Ушанда, бундан беш-олти йил аввал ҳам, Ойгул ҳақидаги мишмишларга ишонишмаганди. Оқибати нима бўлиб чиқди. Барибир бу гийбатларда оз бўлса-да ҳақиқат бор экан-ку? Шамол бўлмаса дарахт барги беркорга қимирламайди, деб беҳуда айтишмаган-да. Ойгул ала-оқибат "оппоқ" чиқмади-ку?! Ҳар бало кутиш мумкин бу замоннинг қиз-жувонларидан!

Тонга яқин йигитнинг кўзи илинди.

* * *

Ҳайдар эртаси куни чошгоҳга яқин қўшни боланинг велосипедини олиб минди-да, зовур томон кетди. "Барибир бу бошоғриқни бир ёқли қиламан. Балки... ўша ерда бирор белги қолгандир" хаёлидан ўтказди Ҳайдар, ўйдим-чуқур йўл бўйлаб авайлай-авайлай велосипед ҳайдаркан.

Кун иссиқ эди. Чанқаган дарахтларнинг барглари алланечук қоп-қорайиб кўзга ташланади. Пайкалларда эртаги бугдой майсалари хийла бўй чўзиб бошоққа кирган, яшил денгиздай чайқалиб ётибди.

Ҳайдар унда-мунда учраб қолган таниш-билишлар билан кўриша-кўриша, сўраша-сўраша ниҳоят зовурга, кеча "Жигули" паналатиб қўйилган буталар ёнига етиб келди. Атроф жим-жит. Анча олисдаги катта трасса йўл қора тасмадек гира-шира кўринади. Аммо трасса бўйлаб аҳён-аҳён ўқдек учиб ўтиб қолган машинанинг гувуллаган, шувуллаган товуши бемалол эшитилади.

Зовурнинг нариги тарафи катта-кичик пайкаллар. Хув, қишлоқ биқинида ишлаб ётган трактор элас-элас кўзга ташланади.

Ҳайдар тоғдек тупроқ уюмларидан ошиб ўтди-да кечаги саҳнага яқин борди. Худди тажрибали изкуварлардек теваракни синчков-синчков, зийраклик билан кузатди.

Буталар чайладек ҳурпайиб ўсган сойликка уч-тўрт кучоқ ўт-ўлан тўшаб тузуккина жой қилишган экан. Юмалаб ётган ароқ шишаси, ҳар хил ширин ичимликлардан бўшаган идишлар, овқат қолдиқлари бу ерда бемалол базми жамшид уюштирилганидан далолат берарди.

"Демак, Карим пачоқ бу ерга ҳеч кимни мажбурлаб, судраклаб келмаган, ҳар иккови аввалдан келишишган", — дея хаёлидан ўтказди Ҳайдар, ўзича илк хулосани ясаб.

Ҳайдар қалин кўрпадек тўшалиб ётган сўлгин ўт-ўланларни титкилашга тушди. Шу пайт хас-хуслар орасидан нимадир кўзга ярқираб кўринди. Ҳайдар шартта энгашиб ялтироқ нарсани кўлига олди. Олдию ҳам

ҳайратдан, ҳам қувончдан қичқириб юборишига сал қолди. Унинг кўлида бир дона олтин гардишли, ёқут кўзли зирак товланиб турар эди. Ҳайдар ҳаяжон билан зиракни қуёш нурида бир-икки жилвалантириб кўрди. Кўрдию тажрибали тиллафуруш ўз қўлларида гоят қимматбаҳо нарсани ушлаб турганига амин бўлди.

Ҳайдарнинг юраги қувончдан ҳапқирарди. Ноёб топилма уни аввало ноҳуш қийноқлардан, ифлос шубҳалардан халос этди. Бу зирак Ойгулники эмас! Ҳайдар кеча шомда опасининг қулоғидаги зиракни ўз кўзи билан кўрди-ку! Демак, Ойгул покиза, у бу ерда бўлмаган.

Ҳайдар сўлгин ўт-ўланларни титкилаб зиракнинг иккинчисини излашга тушди. У қувончига қувонч қўшилишини, биратўла бир дунё бойликка эга бўлишни истарди. Бироқ кўлидаги зиракнинг жуфти топилмади.

Ҳайдар ҳаммаёғни титкилаб, синчковлик билан текшириб чиқди. Йўқ, Иккинчиси, ҳойнаҳой, ўша аёлнинг қулоғида қолган. Бунисини беҳосдан тушириб қўйгану, лекин сезмаган.

Ҳайдар ҳафсаласи пир бўлиб изига қайтди. Қайтдию йўл-йўлакай миясига урилган фикрдан кўзлари биллур зиракдек қақнаб, лаб-лунжи кулгидан ёйилиб кетди: "Шилиш керак! Анави, аблаҳ Карим пачоқни бошлаб шантаж қиламан..."

Ҳайдар бутун далани тўлдириб қаҳ-қаҳ отиб кулди.

* * *

Қуёш қип-қизариб уфққа бош қўйди. Подадан қайтаётган молларнинг мўраши, қўй-қўзиларнинг маъраши теварак-атрофни тутди. Чангакка шом инмоқда эди. Ҳайдар қишлоқ марказида, ўзига хос чорраҳа вазифасини ўтовчи муюлишда Карим пачоқнинг йўлини пойлаб юриниб турарди. У бугун кун бўйи бу фермадор корчалонни қармоққа илантириб, бор будини шилиб олиш режасини тузган эди. Умуман айтганда, Ҳайдарнинг бунақа ишларга суяги йўқ. Пойтахтда кўпларнинг шўрини қистирган. Айниқса, тилла буюм ўғирлаб сотадиган, сохта долларлар билан шуғулланадиганларнинг роса ўтакасини ёриб, обдон "соғиб ичган". Аммо ҳеч берида Ҳайдар ўзини айбдор санаб, виждони қийналган эмас. "Буни ҳаёт дейдилар", — дея ўз-ўзини юпатган у, ҳар гал одамларни чув туширганда, — ҳар ким орқа-олдини тозалаб, хушёр юриш керак. Озгина сирғалдингми, энди бу ёғига чида..."

Кўп ўтмай таниш "Жигули" кўринди. Ҳайдар атай йўлни кесиб ўта бошлади. Шитоб елиб келаётган машина секинлашди.

— Ўв, намунча имилламан йўл ўртасида? — деб ўшқирди Карим пачоқ хумдек бошини машина деразасидан чиқариб. — Тезроқ ўт!

Ҳайдар у томон юзланди.

— Ассалому алайкум, Карим ака.

— Ия, Ҳайдармисан? Қара-я, танимабман.

Карим пачоқ "Жигули"ни йўл чеккасига тўхтатиб, лапанлаганча машинадан тушди. Сўнг ўзи томон йўналган йигит томон кучоқ очди. Аммо Ҳайдар атай совуққонлик билан узалиб, қўл учиди кўришди.

— Қачон келдинг, йигит? — деди Карим пачоқ иззат-нафси топталганини яширмай. — Шаҳарда журиб, тоза тумшугинг кўтарилиб кетибди-ёв, одам билан нописанд кўришасан.

Ҳайдар илжайди.

— Кучоғлашман, дейсиз... кучоғингиз тозами ўзи, ишқилиб, зовурнинг сувида чайиниб олганмисиз?

Карим пачоқ бирдан хушёр тортди. Хазон тус митти кўзларида саросима пайдо бўлди.

— Бу нима деганинг, ошна? Ҳеч... тушунмадим.

— Айтдим кўйдим-да, — Ҳайдар ўзича бепарво бир чеккага "чирт" этиб тупуринди. — Мен кеча келдим, пешиндан сўнг.

— Таксида келдингми?



— Йў-ў... сизга ўхшаган бойваччалар таксида юради. Биз бечораларга автобус ҳам бўлаверади. Катта йўл ёқасига тушиб қоламузу... буёғи қишлоққача яёв. Жуда зериксак, зовур атрофини томоша қили-иб... бир амаллаб уйгача етиб оламиз.

Карим пачоқ беўхшов илжайиб туксиз иякларини қашлаган бўлди.

— Қани, машинага ўтир. Сенинг гапинг кўпга ўхшайди.

— Бажону дил.

Улар ёнидан икки бола бир сурув қўй-қўзиларни ҳайдаб ўтди. Димоеларга чанг аралаш, мол сийдигининг қўлансаси урилди.

— Хим-м... кўрибсан-да... — деб гудранди Карим пачоқ машина ичида ёнма-ён ўтиришгач.

Ҳайдар унинг товушидаги титроқни, юз-кўзидаги кўрқув ва саросимани дарров илғаб олди.

— Ҳа, кўрдим, — деди сўнг, овози темирдай жаранглаб.

— Ука, буям бир эркакчилик-да.

— Жуда яхши. Қаддингизни уринг, даврингизни суриг.

— Кесатма. Сен ҳам шаҳарда тоза юрмагандирсан?

— Ҳа, бизларда ҳам бўп туради, ака. Лекин гувоҳларга кўз ҳақи бериб турамыз. Ортиқча гап-сўзга ўрин қолдирмаймиз.

— Шунақами?... — Карим пачоқ Ҳайдарга синовчан кўз ташлаб, иржайди. — Жуда соз.

Сўнг бир интилиб машина қутисини очди. Кутича даста-даста пулга лиммо-лим эди.

— Мана сенга кўз ҳақи, ука. Ол, керагича ол.

Ҳайдар пул дасталарини кўриб бир шошган бўлса, ишнинг бу қадар жўнлашишидан минг шошиб қолди.

— Э-э, менга пулингиз керакмас, — дея йигит қўл сийтаб, юзини четга бурди. — Ўзингизга буюрсин. Мен... мен шунчаки ҳазиллашдим.

— Карим пачоқ дадиллашди.

— Ҳазилингни жўраларингга қиласан. Сени ҳўб ташундим... манави пулдан истаганингча ол, олу мени тинч қўй. Билдик... шаҳарга бориб зўр хунар ўрганибсан.

Ҳайдар ортиқча тихирлик қилишга ҳожат қолмаганини англади.

— Ўзингиз... атаганингизни узатинг, — деди тиржайиб. — Сўнг... туя кўрдингни, йўқ. Мен бошқа даммини чиқармайман, тавба қилдим.

— Шундай бўлсин. Йигитча гап.

Карим пачоқ икки даста пулни Ҳайдарнинг тиззасига ташлади.

* * *

Тўй ўтди. Ҳайдар янғалик бўлди. Умар виқор билан чимилдиққа кирди. Тўғриси, чангакликлар яқин орада бундай данғиллама, серчиқим тўй кўришмаган эди. Ичкилик дарё бўлиб оқди. Маст-аласт қийқириб тентираган нечов, йўл бўйлариди, томорқа чеккаларида юмалаб ётган нечов. Никоҳ базмига пойтахти азимда таниқли бир хонанда таклиф этилган экан. Фонограммаларнинг чинқириғи етти қир ошиб, уйқудаги жониворларни ҳам уйғотиб юборган бўлса ажабмас. Қош-кўзлари обдон бўяб-бежалган, лорсиллаган кўкраклари ярим очиқ раққоса қиз каттаю кичик эркакларнинг эҳтиросларини жўштириб, кўзларини ўйнатди. Ҳатто Раим тракторчи пул қистириш баҳонасида раққосанинг дудоқларидан икки марта ўпиб олди. Теварақда қий-чув кўтарилди. Бу савил бўсалар нақ уч ойлик жамғармасини совурган бўлса-да, Раим тракторчи мағрур-мағрур кўрак кериб, ароқ сипқорди. Тўй адоқлаб қолган бир маҳал қайгўрдандир Карим пачоқ пайдо бўлди. Фирт маст. Гандираклар оёқда зўрға турибди. У шу пайтгача тўйхонада йўқ эди. Тўғрироғи, уни таклиф этишмаганди. Аммо базмнинг сўнги

нағмалари авжланиб турган чоғ кутилмаганда даврага суқилиб кирди. Шу пайт Ойгул дугоналари билан ўртада эшилиб-эшилиб рақс тушмоқда эди. Карим пачоқ елка учириб, қўл сермаб ўзича куй оҳангига мос йўргалай кетди. Йўргалай-йўргалай Ойгул томон тиржайиб юрди. Жувон ҳам кулимсираб у томон юзланди. Афтидан оломон бу икковлон ўртасида кечмиш миш-мишларни туйқус эслаб қолганди.

— Бўш келманг, Карим ака!

— Ойгул, олға!

— Бир-бирига ҳўб ярашганини-чи бўларнинг!

Даврадан шундай луқмалар пайдару пай эшитила бошлади

Бир пайт Карим пачоқ чўнтагидан бир даста пул чиқариб Ойгулнинг устига сочиб юборди. Ойгул шўхлик билан кўз қисиб, хув, танноз раққосага тақлидан бўлиқ кўкракларини диркиллашиб бойваччага бақамти келди. Даврада қий-чув баттар авжланди. Шу орада фирт маст Тиркаш, Ойгулнинг эри гандираклаганча ўртага чиқди-да, Карим пачоқнинг гарданига мушт сермади. Аммо Карим пачоқ чап бериб қолдию, рашкчи эр машоқ устига қулади. Тағин бир амаллаб ўрнидан кўзғолди. Пайтдан фойдаланиб Карим пачоқ унга ташланди. Аммо андак хушёрроқ икки кимса уни судраклаб даврадан чиқариб кетди. Тиркаш эса Ойгулга ташланди. Бироқ шапалоқ учун узалган қўлини хотини ҳаводаёқ илиб олди-да, эрини силтаб тортди. Тиркаш худди кучукваччадек Ойгулнинг кучоғига кириб кетди. Жувон унинг бўйнидан маҳкам қисганича даврадан судраб чиқди. Давра кучли қаҳ-қаҳадан ларзага келди.

Ҳайдар бу воқеаларни нафас олмай, тек қотиб кузатиб турди. Карим пачоқнинг туйқус тўйхонада пайдо бўлиши йигитни буткул лол қолдирганди. Ҳайдарнинг наздида ўша шомдаги хуфёна келишувдан сўнг Карим пачоқ унинг кўзига буткул кўринмаслиги, пана-пасқамда биқиниб юриши, шаҳарлик тиллафурушни учратиб қолса, етти букилиб ялтоқланиши керак эди. Ушанда ҳўб ажойиб суҳбат бўлганди-да ўзиям! Ҳайдар фермачи бойваччанинг нақ бўғзидан олди-я! Тўғриси, ишнинг бу қадар жўн ва осон битишини йигит сираям ўйламаганди. Карим пачоқ обдон тихирлик қилади деган ҳаёлда эди. Аммо иш хамирдан қил суғургандай битди. Ҳайдарнинг чўнтағи қаппайди. Ҳайдар ҳар гал Карим пачоқнинг кўрқув ва ваҳимадан бўзариб кетган афтини, дир-дир қалтираётган қўлларини эсларкан, бу довдир бойваччани ҳали кўп бора "соғиб ичишига" ишончи комил эди. Аммо...

Карим пачоқнинг туйқус тўйхонада пайдо бўлиши, устига-устак Ойгулга тирғалиб, пул сочиши уни хийла таажжублантириб қўйди. Ҳатто, ич-ичида аллдақандай хавотир ва ташвиш уйғотди. Эски шубҳаларни яна кўзгаб юборди. Айниқса, Тиркаш поччасининг лапашанг, бўш-баёвлиги бир кулгусини қистаса, бир гашини келтирарди. "Бир хотинни йигитириб ололмасанг, баттар бўл", деб хаёлан жеркиди у. Тиркашни жаҳл билан сўкарди.

Мана, тўй-томоша ўтганига уч кун бўлди. Уч кунки Ҳайдарда ором йўқ. Кундузлари тўй асоратларини баргараф этиш, рўзгор юмушлари билан югуриб-елса, тунлари ташвишли ўйлар исканжасида тўлғониб чиқади. Чала ярим ухлаганиданми тез-тез боши оғриб, аъзон бадани зирқирайдиган бўлиб қолди.

Бугун ҳаво эрталабдан қизиб кетди. Кўзларини уқалаб ҳовлига чиққан Ҳайдар эринган куйи ҳовли этагига ҳожатга бориб қайтди. Сўнг обдастадаги сувга енгил-елпи юз-қўлларини чайиб меҳмонхонага кирди-да, сочиққа артиниб, сочларини тараган бўлди. Шу пайт эшик енгилгина тақиллади.

— Мумкинми, ҳазрат?

Эшик қия очилиб Умарнинг, уч кунлик куёвнинг хуш-хандон чехраси кўринди.

— Кир, киравер, — деди Ҳайдар акаси томон

пешвоз юриб.

Умар илжайди.

— Кўрманани тайёрла. Янганг сенга салом бермоқчи.

Худди шуни кутиб тургандай ичкарига қимтинибгина келин кирди. Меҳмонхона ўткир атир-упа исига бўкиб кетди. Келиннинг эғнидаги қизғиш кўйлак, бошидаги ҳошиялари зарҳал, оппоқ рўмоли ўзига ғоят ярашган эди. У бармоқлари қўш-қўш узукларга тўла оппоқ, лўппи қўлини кўксига босиб уч қарра таъзим қилди.

— Раҳмат, янга, кўп яшанг, — деди Ҳайдар алланечук ҳаяжон ва тотли ҳисларга чўлганиб. — Бахтли бўлингизлар.

Умарнинг оғзи қулоғида эди.

— Янгангнинг юзини кўришни истайсанми?

Ҳайдар аввалдан ҳозирлаб қўйгани, гардишига тилла суви юритилган жажжи соатни чўнтагидан чиқариб келин томон юрди.

— Арзимас бўлсаям, шу мендан эсдалик.

— Ў-ҳў-ў, — деди Умар ҳануз илжайган кўйи, — кўрманачаккимас, — сўнг келинга мурожаат қилди. — Гулбиби, қани юзингни кўрсат, қайнингга.

Гулбиби қимтинибгина рўмолини қия суриб юз кўрсатган бўлди. Унинг қуюққина пардоз-андоз берилган чеҳрасида, андак қалин, қимтилган лабларида келинларга хос табассум ўйноқлар эди. Узун-узун киприкли кўзлари хумор-хумор боқади. Ҳайдар янғасининг кўҳликкина эканини пайқайди. Ичу ташини ажиб бир ҳислар чўлғади.

— Ана, танишиб ҳам олдик, янга, энди бундан бўёғи мендан қочмасангиз ҳам бўлади.

Гулбиби енгилгина таъзим қилди. Умар илжайди.

* * *

Бу хонадонда бахт, шодлик шарпалари кезиб юрарди. Давлатқул ака ҳам, Бибинош янга ҳам замнун. Кейинлари одобли, тарбия кўрган, маданиятли зауфага ўхшайди. Тўғри, уй-рўзгор юмушларига ҳали қовушиб кетгани йўқ, ҳарнечук уч-тўрт кунлик келин-да, аста-секин янги хонадоннинг пасту баландини англаб-тушуниб кейинчалик ўз вазифасига тузуккина киришиб кетса ажабмас. Бир келин бўлса шунчалик бўлар! Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр, деганлари ҳақ рост экан. Гулбининг сепи Умар икки йил қора терга ботиб қурган икки ҳужрали кулбага сифмай кетди. Қишлоқ аҳлига ҳали урф бўлмаган алақандай мебеллар, диван, курсилар, қиматбаҳо матолардан тикилган кўрпа-ёстиқлар, турли-туман кийим-кечаклар кўрган кўзни куйдирарди. Ҳарнечук, Чангакнинг не-не ичкиора, ҳасадгўйлари юрак чангаллаб қолишган бўлса ажабмас.

Айниқса, овозаси етмиш маҳаллага етган тўйни айтмайсизми? Чангакликлар кўпдан бери бундай дабдала базмга гувоҳ бўлишмаган эди. Тўғри, тўйнинг асосий харажати келин тарафдан бўлди. Дастурхоннинг тўри ҳам ўшаларники бўлди. Давлатқул ака даврада кўр тўкиб ўтирган не-не казо-казоларнинг, янги замон бойларининг кўписини танигани йўқ. Бироқ барибир кўнгли кундай чарақлаб турди. Ахир, тўй уникида, унинг хонадонда кечмоқда эди-да! Ишқилиб Худо унга бундай тўйлардан бечисоқ кўришни насиб этсин. Ишқилиб, иккинчи ўғли Ҳайдаржоннинг ҳам бахт-иқболи худди шундай кулиб боқсин!

Ҳайдар эса ўша тўй кунидан бери яна безовталаниб қолган эди. Хаёлида гоҳ кўрқувдан қалт-қалт титраб турган, гоҳ тўй даврасига маст-аласт, нописанд чиқиб келган Карим пачоқ, гоҳ шўх-шаддод Ойгул, гоҳ ўша зовур лабидаги топилган бир дона гавҳар зирак лип-лип этиб ўтарди. Ҳайдар ҳеч бир қарорга, бир тўхтамга келолмай гаранг эди. Ўй-фикридаги шубҳа-гумонни

ҳайдаб сололмай азобланмоқда. Чин-да шубҳалан-масликнинг ҳеч иложи йўқ. Ўша зовур лабидаги шармандали манзара, Ойгулнинг туйқус кечки пайт ота уйида пайдо бўлиши, ниҳоят, тўйдаги икковининг қилиқлари алланечук бир-бирига боғлиқдай туюларди. Ўша чошгоҳ топиб олинган қиматбаҳо зирак ҳам гумонларини тарқатиб юборолмади. "Ойгулнинг қулоғидан тушмаган бўлса, Карим пачоқнинг чўнтагидан тушиб қолгандир" деган бир ўй йигитнинг юрак-бағрига ханжардай ботар, опасининг жирканчли йўлда эканига очиқ-ойдин ишона бошлар эди.

Мана, ҳозир ҳам ўша топилдиқ бир дона бебаҳо зиракни яшириб қўйган жойидан чиқариб, зимдан томоша қиларкан, Ҳайдарнинг кўнгли оғир, ифлос шубҳаларга тўлиб-тошди. Лаблари аламдан қимтиниб, кўллари мушт бўлиб тугилди.

Шу пайт айвон томондан гурс-гурс қадам товушлари эшитилди. Ҳайдар зирак донасини шоша-пиша тўрвасининг ичига яшириб қўйди.

— Мумкинми, кирсак майлими? — эшик қия очилиб Умарнинг бахт, қувонч балққан чеҳраси кўринди.

— Салом бермасанг, бир ямлаб ютаман, — деб ҳазиллашган бўлди Ҳайдар, акасига пешвоз юраркан.

— Эй, тиллафуруш, сенга бир нозик савол бор.

— Сўйла, қулоғим сенда.

— Манави матоҳ неча пул туради?

— Ия, — беихтиёр қичқириб юборди Ҳайдар. — бунга қасдан олдинг?

— Нега бўкираса? Ўзимники.

Ҳайдар юраги гурс-гурс уриб, кўзи тинган куйи ерга ўтириб қолди.

— Ҳазиллашма.

— Ҳазили йўқ, — дея ҳануз илжайди Умар. — Янганг бир донасини йўқотиб қўйган экан. Бошимиз қотди, бир донани тақиб бўлмаса, сотмоқчимиз. Қанчаларга кетар экан-а?

— Билмадим, — дея аранг минғирлади Ҳайдар акасининг кўлидаги кўрқа-писа кўз ташлаб оларкан.

Умар илжайган куйи у томон ўша топилдиқ зиракнинг бир донасини тантанавор узатиб турарди.

* * *

Зирак Гулбиники! Демак, ўша Карим пачоқнинг кўйнидаги танноз шу экан-да! Суюкли акажонисининг хотини, унинг таъзим устига таъзимни қотираётган янғаси. Қандай шармандалиқ, қандай ифлосгарчилик?!

Ҳайдар тўлғониб ётган жойидан уҳ тортиб туриб кетди. Ёнидаги чойнақдан ютоқиб-ютоқиб яхна чой сипқорди.

Тун. Ланг очиқ деразадан қоп-қора осмон мўралайди. Қайлардадир тун ҳашоратлари зор-зор чирқиллайди. Енгил эсан эпкиндан дераза тагидаги дарахт барглари маҳзун шитирлайди. Тонгга ҳали узоқ.

Ҳайдар туйқус йўлиққан шармандагарчиликдан қутулиш йўлларини хаёлан изламоқда эди. Нима қилсин? Бор аччиқ ҳақиқатни ота-онасига, акасига айтиб берсинми? Хўш, қандай исботлайди? Ана, исботлади ҳам дейлик, сўнг-чи? Сўнг, Умар уриб-тепиб хотинини ҳайдайди, катта жанжалга айланади. Шусиз ҳам бу хонадонга ҳасадгўйларча қараб юрган не бир маҳалладошлар бети қолиб, кети билан кулишади. Бу машмашалар Карим пачоқнинг қулоғига етиб борса-чи? "Ҳақини берганмиз, Ҳайдарбой билан келишганмиз", деб қаҳ-қаҳ отиб кулмайдими?! Ушанда тегирмон тоши кимнинг бошида айланади, ахир?!

Ҳайдар ўзи қўйган тузоққа ўзи тушганини англаб, ғужанак тортган куйи бош чангаллаб қолди. Панжалари билан қуюқ сочларини асабий тароқлади. Чуқур-чуқур уф тортди.

Хўш, бу мудҳиш сир ҳақида ҳеч кимга оғиз очмасангиз...



чи? Ёпиглик қозон ёпиглигича қолса-чи? Йў-ўқ! Карим пачоқ ич-ичида кулиб ўтади, бир кунмас? бир кун бирор даврада, "Гулбиби мендан қолган сарқит" деб гап таркатади. Мана шу маймун башара махлуқнинг олдида Умарнинг, Давлатқул ақа хонадонининг тили қисик, боши эгик бўлиб ўтади. Йў-ўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! Оила шаъни учун, ака номус-ори учун ҳали туриб берадиган укалар бор!

Ҳайдар шашт билан қад ростлади. Тишларини ғижирлатиб, қўлларини мушт қилиб тугди: "Ўлдираман! Ўша махлуқни ўлдираман... Қолгани бир гап бўлар..."

Ҳайдар қоп-қора тун қўйнига телбавор тикилди.

* * *

Мана, неча кундирки, Ҳайдар пайт пойлайди. У Карим пачоқни гумдон қилишнинг минг бир режасини туза-туза, ниҳоят, уни бирор-бир овлоқ жойда пичоқлаб кетишга қасд қилган. Шу сабаб кун иссиқ бўлишига қарамай, кийиб олган пиджагининг ичига обдон чарланган, ўтқир, узун тигли пичоқни яшириб олган. Аммо Карим пачоқни ёлғиз, овлоқ жойда учратишнинг ҳеч имкони бўлмапти. Лекин Ҳайдар кузата-кузата, пойлай-пойлай шу нарсага амин бўлдики, Карим пачоқ ичкиликка қаттиқ ружу қўйибди. Куну тун маст. Унинг бу қилиғига ҳатто ҳамқишлоқлар ҳам ҳайрон. Чунки Карим пачоқ илгарилари у-бу давраларда, тўй-ҳашамларда оз-моз ичкилик ичар, кўча-кўйда гандирақлаб юрган биров кўрган эмас эди. Не сабабдандир у туйқус ароқхўрга айланди-қолди. Янги замон бойваччасининг бу аҳволидан Ҳайдар хурсанд бўди. "Худонинг ўзи ишимни ўнглапти", — дея хаёлидан ўтказди.

Бир пайтлар ширкат хўжалигига тегишли бўлган, кейинчалик Карим пачоқнинг мулкига айланган ферма қишлоқнинг кун чиқар томонида, катта-кичик экинзорлар тугаб, қир-адирлар бошланиб кетган ялангликда жойлашган эди. Уч-тўрт узун, пастқам бинолардан иборат ферма тевараги баланд девор билан ўралган. Ҳовлидаги пичан-сомон гарамлари, шифер билан қопланган молхона томлари ғира-шира кўзга ташланди. Ичкарига олиб кирадиган баланд ва кенг темир дарвоза аҳён-аҳён очилиб, ёпилиб кимлардир кириб, кимлардир чиқиб турибди. Пода-пода молларнинг бўкириши, чўпонларнинг асабий қичқириви баралла эшитилади. Буларнинг бариси янги замон бойваччаси — Карим пачоқнинг ишлари авж, ошиғи олчи эканлигини исботлаб турарди.

Фермадан анча олисда, дов-дарахтлар қуюқ ўсган йўл бўйида Ҳайдар чошгоҳдан бери пойлаб ётибди. У режани бугун амалга оширишга қатъий қарор қилган. Шу сабаб ҳам эрталаб фермага отланган Карим пачоққа қорама-қора шу ерга келган эди. Карим пачоқ дарвозадан кириб кетди. Ҳайдар эса уни пойлаб туриш учун айнан шу ерни танлади. Чунки бу ер кузатувга жуда қўлай. Иккинчидан, Карим пачоқ йўлнинг шу қисминдан ўтаркан машинасини албатта секинлатади. Йўл ёмон, ўйдим-чуқур, устига-устак, кескин бурилишли. Ҳайдар ўз режасига кўра, Карим пачоқ фермадан чиқиб қишлоққа қайтаркан, бутазорга анча яқинлашган пайт, у тасодифий йўловчи каби йўл ўртасига чиқади. Ферма хўжайини уни кўриб тўхтади. Ҳайдар, у билан кучоқлашиб кўришган бўлади ва... пичоқ сўнгги сўзни айтади. Мабодо, Карим пачоқ эски "ошно"сига безътибор ўтиб кетмоқчи бўлса... Ҳайдар бу ёғини ҳам ўйлаб қўйибди. Ишқилиб, Худо хоҳласа, ниятини амалга оширади. Энг муҳими, Карим пачоқ ёлғиз қайтсин! Агар бирортаси ёнида бўлса, иш пачава. Шунча кутганлари бугун ҳам бекор кетади.

Ҳайдар ичкики теваракни синчков-синчков кузата бошлади. Кун иссиқ. Олис-олислардан сарғая бошлаган адирлар ола-қуроқ, жимирлаб-жимирлаб кўзга ташланади. Йўлнинг ўнг тарафи бўйлаб ўтиб каттаю кичик

экинзорлар оралаб кетган ариқдан лойқа сув чайқала-тўлғона оқмоқда. Дов-дарахтлар, ўт-ўланлар узра чумчуқлар чирқиллашиб учиб-қўнишади. Экинзорлар ўртасида аллақандай дала шийпони ғира-шира кўринади. Сувоқлари кўчиб, деворлари нураб, томлари кўпорилиб ётганига қараганда, кимсасиз, ташландик. Йигит яшириниб ётган жойдан бир чақиримча наридаги сертупроқ, тор йўл ўша томон элтади.

Ҳайдар бетоқат бўла бошлади. Мана, кун пешиндан оғаяптики, анавидан дарак йўқ. Ишқилиб, қайтармикан? Қайтар, чўпонлар билан тунаб қолмас...

Ҳайдар қўйнидаги ўтқир, узун тигли пичоқни тагин бир сидра кўздан кечириб чиқди. Чаккимас, бир зарбада ҳар қандай полвонни иккига бўлиб ташлайди. Йигит пичоқнинг зарур пайти осонгина қинидан суғрилишини бир-икки синаб кўрган, ўзича у ёқ-бу ёққа сермаб кўрган бўлди.

Теварак тандирдай қизиб кетди. Ҳайдар елим идишдаги сувнинг сўнгги қултумларини ичиб тугатиб, идишни бир чеккага улоқтирди. Шу пайт фермаҳона дарвозаси ланг очилиб, Карим пачоқнинг "Жигули"си ташқарига чиқиб тўхтади. Машина эшигидан ферма хўжайини ивириб тушди. Ҳайдар жон-жаҳди билан ўша ёққа тикилган эди. Тикиларкан, таажжубдан пешоналари тиришиб кетди. Карим пачоқ гўё узоқ сафарга отлангандай, энди ҳеч қайтмайдигандай дарвоза олдида уймаланиб, хўжайинини кузатиб қўйишга чоғланган хизматчилар билан бир-бир кучоқлашиб, ялашиб-юлқашгандай бўлди. Сўнг Карим пачоқ кучоғини кенг ёйиб бир-икки чарх уриб айланди.

"Ғирт маст, шекилли", хаёлидан ўтди Ҳайдарнинг, ҳануз фермаҳона томон пусиб, синчков-синчков тикиларкан.

Ниҳоят, "Жигули" кўзгалди. Орқасидан қуюқ чанг-тўзон кўтарилди. Кузатувчилар машина ортидан тагин пича термулиб туришгач, кун тигидан қочиб ўзларини ичкарига уришди. Дарвоза оғир ёпилди.

Ҳайдарнинг юраги гурс-гурс ура бошладди. "Жигули" тобора яқинлашиб келмоқда. Йигит шоша-пиша теваракни кузатди. Жим-жит. Яқин атрофда ҳеч бир қора кўринмайди.

"Айни пайт"... ўйлади Ҳайдар, ҳаяжондан энтикиб.

Бир пайт анча яқин келиб қолган "Жигули" чайқала-чайқала секинлашди, сўнг ташландик дала шийпони томон элтувчи тор, сертупроқ йўлга шитоб билан бурилди. Бурилдию қуруқ чанг-тўзонга бурканиб тўхтади. Ўсиқ ўт-ўланлар, буталар орасида машина деярли кўринмай қолди. Бироздан кейин Карим пачоқ уловидан тушиб, гўё эндигина кўраётгандай теваракка термулганича туриб қолди. Сўнг ариқ лабига келди. Чўнкайиб юз-қўлларини лойқа сувда чайган бўлди.

Ҳайдар атрофга аланглай-аланглай ўсиқ ўт-ўланлар оралаб ўша томон юринди.

Бир пайт Карим пачоқ қўлларини юзига босган кўйи, беўхшов бир товушда ўкириб йиглаб юборди. Сўнг чўнкайган ўрнидан даст туриб қулоч ёйди. Унинг қўлида узун тигли пичоқ кун нурида ялтираб кетди.

Ҳайдар эҳтиёткорликни ҳам унутиб, тик турган кўйи бақадек қотиб қолди.

* * *

Ҳайдар қандай қилиб қишлоққа, ўз уйига етиб келганини билмай қолди. Юраги қинидан чиққудек тепар, кўйлаги шўр тердан ивиб кетган эди. Йигит ошхонага кириб олақдаги сувдан ютоқчи-ютоқчи ичди. Сўнг теваракка олазарак кўз ташлаганича ичкари кириб кетди. Хайрият, оғилхона тарафда қуймаланиб юрган онаси унга эътибор бермади.

Ҳайдар қўлтиқлаб олган пиджагини хонанинг бир чеккасига улоқтирдию кўрпача устига ўзини ташлади. Беҳол чўзилди. Ўз-ўзига устма-уст пичоқ санчиб,

ихраганича қулаган Карим пачоқ хануз кўз ўнгида лоп-лоп жонланиб турарди. Ҳайдар қандай, қачон орқасига ўгирилиб қочганию, қай бир пана-пастқамлардан чопиб уйигача етиб келганини эслаёлмасди. Фақат кўз ўнгида қолгани ихраб, қалтираб қулаган Карим пачоқ, машина кузовига сачраб кетган қон.

Қалин пардалари туширилиб, нимқоронғу қилиб қўйилган хона салқин эди. Анча чўзилиб ётгач, Ҳайдар аста-секин ўзига кела бошлади. Аммо юрагини аллақандай кўрқув, таҳлика қоплаб олган эди. Ўзини қандайдир шилимшиқ, исқирт нарсани ушлаб олгандек ҳис этарди.

Ҳайдар судралиб бурчақдаги эски, ойналарига дарз кетган сервант ёнига борди. У ерда "тўй муборак"дан омон қолган, Ҳайдар дадиллик учун ҳар кеч қиттак-қиттак ичиб яримлатиб қўйган ароқ бор эди. Йигит шишани даст кўтариб тахир, илиқ суюкликдан икки-уч ҳўплади. Ароқ томоқларини куйдириб ўтди. Ҳайдар ёстиқни юзига босиб ҳидлади. Шундан сўнг ваҳима чекиниб, йигитнинг фикр-хаёли тиниқлаша бошлади.

Қизик, Карим пачоқ нега ўз жонига қасд қилди экан? Ишида ишқали бормикан ё? Наҳотки, шунча бойликни ташлаб кетишга кўзи қийган бўлса?

Ҳайдар ароқдан тагин уч-тўрт қултум ичди. Газак ўрнида ачимсиқ тер иси анқиб турган кўйлагини оғиз-бурнига босиб ҳидлади.

"Уни Худонинг ўзи жазолади", — ўйлади Ҳайдар ёстиққа ёнбошлаб чўзиларкан.

* * *

Карим пачоқнинг ўлими ўша куниеқ Чангакда дув-дув гап бўлди. Кимдир уни бўғизлаб кетибди, дея ваҳима кўзгаса, кимдир ферма хўжайини ўз жонига қасд қилгани ҳақида шов-шув кўтарарди.

— Охири ит ўлимини топибди, — деди Давлатқул ака кечки овқат устида. У илгаритдан Карим пачоқни ёмон кўрарди. Шу сабаб марҳумлигига қарамай, бойваччага нисбатан нафратини яшириб ўтирмади.

Бибитош янга эрини инсофга қақирди.

— Ўтган одамнинг орқасидан унақа гапирманг-е, гуноҳ бўлади. Худо охиратини обод қилсин.

— Э-э, охират борми унда! Фирт бузуқи, товламачи нухса эди.

— Бечорани қачон чиқаришаркан?

— Э, ким билади, ҳали унинг ўлигини органга олиб кетишган.

— Вой, нега?

— "Нега" эмиш... текширишади-да, ўзи ўлганми ё... биров қасд қилганми...

Ҳайдар ўзаро гап-сўзларга ўзича бепарво овқат ичиб ўтирарди. Сухбатга аралашмади. Аралашса, гўё ота-онаси унинг сиру синоатини билиб оладигандай туюлди.

Чангак тун чодрасига бурканди. Қоп-қора осмонга юлдузлар чўгдек сачраб кетди. Олис-олисларда енгил, салқин эпкин эсиб қовжирок беда ҳидини димоқларга келтириб урди.

Ҳайдар уйга сиғмади. Аммо кўчага чиқишга ҳам негадир юраги бетламас, аллақандай таҳликадан аъзон бадани бўшашарди. Шу сабаб ҳовли этагида, оғилхоналар ёнида бемақсад тентиб юрди. Томорқага ариқдан жилдираб оқаётган сувни кузатган бўлди. Аҳён-аҳён уҳ тортиб, узок-узок хаёл суриб қолади.

Шу пайт кўча деворидан аллаким тап этиб ошиб тушгандай бўлди. Ҳайдар дарҳол ўзини дарахт панасига олиб ўша ёққа мўраллади. Уй айвонидаги электр чироқнинг сим-сим нурлари томорқа томонни ола-чалпоқ ёритиб турарди. Ҳайдар гира-шира ёруғида девордан ошиб, ариқ лабида саросималаниб турган шарпа, ўн икки-ўн тўрт ёшлар чамасидаги ўспирин эканини пайқайди.

— Тўхта, кимсан? — деб овоз берди у, дарахт панасидан важоҳат билан чиқиб.

Ўспирин уни кўриб тахтадай қотиб қолди. Сўнг чангалида маҳкам сиқимлаган нарсасини шоша-пиша чўнтагига тикию девор томонга тисарилди. Ҳайдар бир ҳатлаб унинг ёнида пайдо бўлди.

— Тўхта, барибир қочиб қутулолмайсан.

У кўрқиб кетган ўспириннинг билагидан маҳкам тутди.

— Қўйворинг... — аранг сас берди бола пичирлаб.

Қўлимни оғритдингиз.

— Кимсан?

— Салимман... Қўлдош чўпоннинг ўғли.

— Нега ярим кечаси бировларнинг деворидан ошиб юрибсан? Ўғримисан?

— Йў-ўўқ, — жон ҳолатда бош чайқади Салим. — Мен... мен адашиб...

— Бекорларни айтибсан. Чўнтагингга нима тикдинг?

Ўспирин чўнтақларини бир-бир титишга тушгач Ҳайдарга жовдираб тикилди.

— Жо-он ака, қўйворинг, бошқа келмайман...

— Бу нима? — Ҳайдар боланинг ёлворишларига ортиқ эътибор бермай, унинг чўнтагидан топиб олган қоғоз тахламини ёйиб ёруққа тутган бўлди. — Нима бу хатми?

— Билмадим...

— Ия, галча экансан-ку, чўнтагингдаги нарсани қандай билмайсан?

— Рост, билмайман... Эрталаб буни менга Карим акам берган эдилар.

— Карим? — дарров ҳушёр тортди Ҳайдар. — Қайси Карим, пачоқми?!

— Ҳа, хўжайинимиз. Уни бугун биров ўлдириб кетибди.

— Нима учун берганди?

Салим пишиллаб жавобдан тайсалланди.

— Ўв, — Ҳайдар унинг биқинига туртди, — гапир, нега чайналасан?

— Кечкурун Гулбиби келинга киритиб бер, ҳеч ким кўрмасин дегандилар.

Ҳайдарнинг аъзон баданига галати бир титроқ инди.

— Сен... буни очиб кўрдингми? Ўқидингми?

— Ўлай агар, очганим йўқ, мен... мен бировларнинг хатини ўқимайман.

Ҳайдар боланинг гарданига енгил шапатилади.

— Йўқол энди! Бу қоғоз ҳақида бировга оғиз очсанг сени ўлдираман. Йўқол. Қандай келган бўлсанг, шундай даф бўл.

* * *

"Гулим, Гулбимим! Мени кечир, сени охирги марта безовта қилияпман. Бу—видо хати. Сени икки дунёда ҳам алқаб ўтаман. Сен менинг севгимга севги билан жавоб бердинг. Бу мен учун тенги йўқ бахт, чексиз қувонч. Гулбиби, мendan ҳамқишлоқларим, таниш-билишларим бир умр нафратланиб ўтди, мени итдан ҳам ёмон кўришди. Билмадим, нега? Кимнинг арпасини хом ўрибман! Мен ҳеч кимга ёмонлик раво кўрган эмасман аслида. Тўғри, бой бўлиб, ялло қилиб яшадим. Лекин бировнинг ҳисобидан эмас. Ҳеч қачон ҳеч кимнинг товоғига қўл чўзганим йўқ. Нимаики топган бўлсам, ўз меҳнатим билан, ўз пешона терим билан топдим. Югурдим-елдим, тадбиркорлик қилдим, ниҳоят, тўкин дастурхонли, фаровон турмушли бўлдим. Гулим, лекин хузур-ҳаловат топмадим. Одамлар мени аввалгидан баттар ёмон кўришди. Тўғри, жуда хунукман, Худо шундай яратган бўлса, мен нима қилай? Лекин юрагим тоза, покиза. Аммо юракни суғуриб олиб бировга кўрсатиб бўлмас экан, Гулим. Мен севги устадим, Мухаббат узладим. Бундай бахтни фақат сендан топдим, Гулбиби. Сени менга йўлиқтирган Худойимга минг шукр. Аммо Тақдир ўз билганидан қолмади. Мен, ёши бир ерга бориб қолган бир тасқара, ниҳоят, севги топдим. Гулбиби, лекин йўлларимиз айри-айри эди. Буни икковимиз ҳам яхши билардик. Шу сабаб мен чеккага чиқдим. Сенга,



сенинг бахтинга халақит беришни асло истамайман. Лекин сенсиз ҳам яшашни хохламайман. Бойлик, мансаб, молу мулк мен учун бир чақа. Барча-барчаси муҳаббатсиз бир чақага арзимаёди. Менга сенсиз ҳеч нарса керак эмас, ҳеч нарсанинг қизиғи йўқ. Ҳаёт мен учун тугади. Тўғрироғи, тугатишни ўзим хохлаб қўлдим. Мени кечир, Гулбиби. Лекин армоним йўқ, ахир, чин муҳаббат мевасини татиб кўрдим-ку! Алвидо, Гулим.

Карим

Ҳайдар сирли хатни, эгасига етиб бормаган мактубни ўқиб тугалларкан, ғазаб ва аламдан ўзини кўйрага жой тополмай, хона бўйлаб у ён-бу ён юрина бошлади. У худди қафасга тушган оч қашқирга ўхшарди.

Аниқ! Демак, ҳаммаси кундай равшан! Гулбибининг бузуклигига, ўша кунги танноз ана шу ўзича маъсума келинчак эканига бундан ортиқ исбот керакмас! Ҳайдар ўлдирди бу қанжиқни! Ўша тасқара ўйнашининг ортидан асфалософилинга жўнатади! Йўқ, оила шаъни, ака номуси учун ҳеч нарсдан қайтмайди!

Ҳайдар ҳануз хона бўйлаб асабий юринаркан, туйқус акасининг кулгусини эшитиб чўчиб тушди. Секин деразага яқин бориб ҳовлига мўралади. Умар қудуқ ёнида Гулбиби билан сув сепишиб, ёш болалардек ўйнашарди. Айвондаги электр чироғи ёғдусидан келинчак устидаги қип-қизил, зар-зар ҳошияли халати худди оловдек жилоланарди.

— Эй, Ҳайдар! — деди Умар, ногоҳ укасига кўзи тушиб. — Қарама, уят бўлади. Ҳозир олдинга кираман.

Ҳайдарнинг ғаши келди. Димоғида истехзоли иржайди. Кўп ўтмай афт-ангорига сув сачраган Умар эшикдан ҳовлиқиб кирди.

— Суюнчини чўзавер, ука!

— Нима? — тўнгилади Ҳайдар. — Тинчликми?

— Зўр янгилик!

Умар бугун кун бўйи қайнотаси билан казо-казоларнинг идорасида бўлганини ютоқиб ҳикоя қилишга тушди.

— Насиб бўлса, бу ҳафтадан бошлаб Нурафшондаги ёғ-мой завўдида ишлайман. Аканг қарағай бош инженер!

— Зўр... букюрсин...

Умар укасининг тумтайган башарасига қараб таажжубланди.

— Намунча қовоғингдан қор ёғаяпти? Мазанг йўқми?

— Э, сал-пал... бош оғрияпти.

— Юз грамм-юз грамм қиламизми?

— Йў-ўғ-е... ухламоқчиман.

— Ихтиёринг. Лекин са-ал қовоғингни оч, уйқуни ҳам чўчитиб қочириб юборасан.

Умар ажабланиб елка қисганича чиқиб кетди.

* * *

Ҳайдар ўзича экинларни суғорган бўлиб чошгоҳга довура томорқада ивирсиб юрди. Зимдан янғасининг ёлғиз қолишини пойлади. Давлатқул ака саҳармардондан далага чиқиб кетган. Умар ҳалигина тагин туман марказига йўл олди. Ёғ-мой заводига ишга кириш учун айрим ҳужжатларини тўғирлаш керак эмиш. Юз-кўзида мамнуният, ҳаяжон. Ана, онаси ҳам Гаффор ҳисобчининг касалманд хотинидан хабарлашиш учун кичкина бир тугунни қўлтиқлаб дарвоза томон юринди.

— Келинжон, катта қозонда сув иситворинг. Мен дарров қайтаман, биргалашиб кир ювамиз.

— Йўғ-э, хола, — тантиғланди Гулбиби, — бемалол гурунглашиб ўтираверинг, кирни ўзим ювиб тақлайман, озгина экану...

Бибитош янга келинидан хурсанд, уни алқаган бўлди.

— Ўлай сизга, болам. Ишқилиб, кўп уриниб қолманг-да.

Қайнонаси чиқиб кетгач, Гулбиби ошхона ёнидаги ўчоққа ўт қалаб, қозонда сув иситишга киришди. Унинг эғнида ҳаворанг, парча-парча гулли кўйлак, бошида елвагай ташланган рўмол. Кийимлари ўзига хўб ярашгани учунми, ҳарқалай, келинчакнинг ўзи ўчоқ бошига ярашмай турарди.

Ҳайдар янғасига яқин келиб томоқ қирди.

— Ву-уй, ассалўм... — ўзича қимтинибгина салом берган бўлди Гулбиби.

Ҳайдар алик ўрнида беўхшов тиржайиб, ўчоқ яқинидаги тўнкага кет қўйиб ўтирди.

— Энди би-ир ўйнаб берадиган бўлдингиз, келин пошшо.

— Вуй, нега?

— Сизга хат бор, — Ҳайдар тунда қўлига келтирилган варақни Гулбибига намоишкорона узатди. — Ишқилиб, ўқиб хурсанд бўласиз.

Гулбиби қайнисининг истехзо, нафрат қалққан юзига кўрқа-писа кўз ташлади. Сўнг ботинмайгина варақни қўлига олди. Ҳайдар келинчакни синчковлик билан кўзларини тигдай қадаб кузатиб турарди.

— Овоз чиқариб ўқисангиз ҳам қарши эмасмиз. Сиз оймтилланинг кимлигингизни бутун дунё билиб қўйсин.

Гулбиби вараққа энгилгина бир кўз ташлаб чиқиди, ўчоқда чирсиллаб ёнаётган оловга ташлади.

— Нима қилдинг, қанжиқ!

Ҳайдар ўридан ирғиб туриб кетди. Турдию хатни янғасининг қўлига бериб катта хато қилганини англади. Бузуқини фош этувчи далилдан айрилди-қолди!

Гулбиби қайнисининг ўшқирлигини эшитмагандай, челақдаги сувни қозонга ағдариб, бепарво ўз ишида давом этди.

— Шу билан қутудаман, деб ўйлаясанми, ифлос, — дея Ҳайдар истехзоли тиржайди, — ундан зўр исботларим бор, сени фош қиладиган.

Ҳайдар Гулбибини ҳақорат қилиш учун бисотидаги энг жирканч сўзларни териб-териб айтаркан, янғасининг бепарволигидан, ўзи кутганидек, йиғлаб оёғига бош урмаганидан баттар жаҳди чиқди.

— Мен сен қанжиқни уйимиздан итдек ҳайдайман! Йўқолган зирагининг бир донаси менда. Зовур ёқасидан топиб олганман. Карим пачоқнинг қўлида ётганингни ҳам кўрганман. Хўш, бу ёғига не дейдилар, келин пошшо?

Гулбиби қайнисига энгил бир кўз ташлаб олди. — Ҳақорат қилманг, бешигимни тебратиб қўйганингиз йўқ. Ниятингиз нима ўзи? Нима истайсиз мендан?

— Йўқол! Йўқол, уйимиздан! Акамнинг кўзига чўп суқиб юрма. Эсам сени ўлдирман.

— Менинг жавобимни акангиз берадилар. Мен у кишининг хотиниман.

Ҳайдар янғасининг бепарво туриб, бемалол гапиришини кузатаркан, аъзои бадани худди чумоли юргандек жимирлашиб кетди. "Наҳотки, акам ҳаммасидан хабардорми?! Наҳотки... асло бўлиши мумкинмас..."

— Йўқ, сендай бузуқига номусимизни топтатиб қўймайман.

— Номус?! — деди Гулбиби Ҳайдарга тик қараб. — Оти чиққан опангизни юмалоқ-ёстик қилиб узатганда ҳам номус ҳақида ўйлагансизларми? Бу тўғрисида бошқа гапирса ҳам, сизлар гапирманг.

Ҳайдар бошига калтак теккан тентақдай гангиб қолди. У осмонга тупургани ўз юзига келиб тушишини сира кутмаган эди.

— Кўрамиз ҳали, — деди йигит, беихтиёр томорқа томон буриларкан, — мен ҳаммангни ўлдирман.

* * *

Тун. Ака-ука ароқ ичиб, совиб қолган картошка қовурдоқ еб ўтиришибди. Ҳайдар икки-уч пиёла ароқни

босиб-борсиб ичса-да, негадир маст бўлмади. Умар бугун туман марказида кўрган-кечирганларини, не бир амалдорлар қайноғасининг отини эшитиши билан тиззаса қалтирашини айтиб, бетиним мақтанарди.

— Энди бундан кейин ишларим беш, ука, — деди у пиёладаги ароқни сипқориб юбораркан.

Ҳайдар аччиқ ҳақиқатни акасига қандай айтишни билмай, Умарга ўқтин-ўқтин хомуш тикилиб ўтирарди.

— Ака, — деди у, ниҳоят юрак ютиб, галдаги бир пиёла ароқни ичиб юборгач, — хотинингни ҳайда, у бузуқ.

Умарнинг ичкиликдан қизарган кўзлари укасига ўқдек қадалди.

— Нима?! Нима деб валдираяпсан? Тилгинангни кесиб оламан-а?!

— Аввал гапимни эшит, кейин хоҳласанг мени чиқариб, сўй.

Ҳайдар шундай дедию чўнтагидан хув, зовур ёқасида топилган зирак донасини чиқариб хонтахта устига қўйди.

— Бу нима? — деб сўради анчагина ширакайф Умар.

— Бу янгам йўқотган ўша зиракнинг донаси. Буни қаердан, қандай топганимни биласанми?

— Хўш-ш...

Ҳайдар кўрган-билганларини шоша-пиша, алам ва газабдан ҳансираб, ҳаяжонланиб айтиб берди. Гап охирида тунги хат можаросини ҳам қистириб ўтди.

Умар ияк-даханини қашлаганича, ичкиликдан қизарган кўзларини қоп-қора деразга тикиб, хомуш эшитди.

— Гулбиби Карим пачоқнинг ўйнаши бўлган, — дея изтиробли ҳикоясини тугатди Ҳайдар.

Умар пишиллаганча пиёлаларга ароқ қўйди.

— Бу минғир-минғирларингга ишонмайман, ука. Қани, пиёлани кўтар, ич. Босиб-босиб ич!

— Ака...

— Ич деяпман сенга.

Улар бир-бир кўтариб пиёлаларни бўшатишди.

— Ака, оиламизнинг, сенинг ор-номусинг пок бўлиши керак, — деб эҳтиёткорона минғирлади Ҳайдар. — Ҳайда анови исқиртни.

— Ука, янгангни ҳақорат қилма, у аввало бировнинг боласи, кейин менинг хотиним. Хўш-ш... Сенинг гапларинг умуман асосиз. Гулбиби... янганг чимилдиққа кирганда фариштадай тоза эди. Ўзим гувоҳман-ку! Яна қанақа исбот керак сенга?

— Ака, — истехзоли илжайди Ҳайдар, — Ҳозирги тиббиёт керак бўлса ўликни қайта тирилтиради. Унақа... унақа майда-чуйда йиртиқларни тикиб қўйиш...

— Ҳайдар, ўчир овозингни!

— Бўпти... ўзингиз биласиз.

Умар шашт билан пиёласидаги ароқни сипқориб юборди-да, гандираклаганича ўрнидан турди.

— Ҳайдар, — деди у кўрдек пайпасланиб. Эшик тутқичидан тутаркан, орқасига ўгирилиб. — Агар... агар мени десанг... мени ўйласанг, иккинчи бунақа ипλος гапларни кўзгама!

— Бўпти... Кўзгамайман. Эртагаёқ бу ердан йўқоламан.

— Оқ йўл сенга, ука, — Умарнинг кўзларида жиққа-жиққа ёш айларди. — Лекин унутма, сенинг гапларингга ишонмадим, ишонмайман.

— Тўғри... сен айтганларимга ишнолмайсан. Бунга... бунга ҳаққинг йўқ.

Умар хўрсиниб, ёшланган кўзларини ерга қадади.

* * *

У олис-олисларга бош олиб кетади. Энди ҳеч қачон Чангакка қайтиб келмайди. Бундай шармандалиқдан ё

ўлиб, ё дарбадар йўқолиб қутулиши мумкин. Энди у бу бешаён оилага бегона, энди у бундай беномус акага ёт!

Ҳайдар нарсаларини йиғиштираркан, беихтиёр ўпкаси тўлиб, кўзларига ёш қалқиб чиқди. У ўзининг бу қадар тез ва осон мағлуб бўлишини қутмаган эди.

Шу пайт дарвоза томондан ғала-ғовур эшитилди. Кимдир уни чақиргандай бўлди. Онаси экан.

— Ҳайдаржон, дарвозага чиқ, сени сўрашяпти.

Ҳайдар истамайгина ташқарига чиқди. Чиндан ҳам дарвоза ёнида баланд бўйли, бақувват, жинси шим, энги калта, ҳаворанг кўйлак кийган икки нотаниш йигит турарди.

— Норов Ҳайдар сизми? — деб сўради улардан бири, Ҳайдар билан тезгина саломлашгач.

— Ҳа.

Нотаниш кимса чўнтагидан қип-қизил гувоҳномасини чиқариб пеш қилди.

— Жиноят қилирув бўлимиданмиз. Биз билан ҳозироқ идорага борасиз.

— Тинчликми? — ҳангу-манг сўради Ҳайдар.

— Борганда биласиз.

Шу орада ичкари уйдан чиққан Умар, кўйлаги тугмаларини қадай-қадай етиб келди.

— Нима гап? Нима... — дея ҳовлиққанча гудранди у, нотаниш кимсалар билан қўшқўллаб кўришиб чиқаркан.

Йигитлардан бири тагин қип-қизил гувоҳномасини чиқариб, истамайгина ўзини таништирган бўлди.

— Сабабини билсак бўладими? — деб сўради Умар товушига бир қадар виқор бериб. — Мен Ҳотам аканинг куёвлари бўламан, Хуррам чавандоз бизга қайноға.

Изқуварлар андак саросималаниб бир-бирига тикилишди.

— Укангиз са-ал шубҳа остида, — деди улардан бири Умарга юзланиб. — Ҳамқишлоғингиз Бердиев Каримнинг ўлими юзасидан... Текшириб, гаплашиб кўрамузу... ҳаммаси жойида бўлса қайтариб юборамиз.

— Карим пачоқни ўлимидами? — беихтиёр қичқириб юборди Умар. Қичқирдию ранги ўзгариб укасига юзланди. Ҳайдар четга қаради.

— Тезроқ бўлинг, Ҳайдар, — дея қистаган бўлди изқуварлардан бири, — вақт зиқ.

Умар укасининг елкасига қўл ташлади.

— Бўпти, бориб кела қол. Мен... мен ҳозир Хуррам акага бориб хабар бераман. Кўнглинг тўқ бўлсин.

* * *

Дунёда ҳамма нарса ҳимояга, эътиборга муҳтож. Ҳатто номус ҳам. Номус ўз вақтида қўриқланмай, хорликка ташлаб қўйиларкан, у бир куни қаттиқ қасос олади. Қасоски, унинг ўлчови бир инсон умрига тенг. Вақтида қадрланмаган, ўз вақтида ҳимоя этилмаган номус учун у ҳам энди ўз ҳаёти билан товон тўлаши керак. Токи теварак-атрофдагилар билсин, кўрсин, ор-номус учун ҳар нарсага тайёр инсонлар бор бу дунёда...

Ҳайдар шундай жўшқин хаёллар оғушида жаддор терговчи ҳузурда ўтирар эди.

— Норов, ҳазиллашмай гапиринг, — деди терговчи Ҳайдарга тик қараб. — Охирги марта сўраяпман, ўт билан ўйнашмай, ростини айтинг, Бердиев Каримнинг жонига сиз қасд қилдингизми?


— Ҳа, мен...

— Нима учун?

— Номус учун!

— Нима, тушунмадим?

— Балки, сиз ҳам тушунмасиз, номус учун деяпман...





ЎКТАМОЙ

Севги, сендан

УЯЛАЯПМАН...



ОНАМ ХАВОТИРИ

Болам, яша одамдай,
Танангни қўй тақдирга.
Қаён қочгунг толедан
Чида қоработирга.
Ёруғликка чиқарсан,
Хаёлларга суяниб.
Жонингга кўзин тиккан
Дардлар қолар уялиб.
Сени қайғу туққанми,
Ўчирасан шамларни.
Нега сотиб оласан
Йўқ ердаги ғамларни?

КАЛТА ҚЎЛ

Кўзимга кундуздан санчилиб қолган
Оғриқ ухлатгани сира қўймайди.
Кўксимда депсиниб ўсар исёнлар,
Рухимда шох отган
дарахт мудрайди.

Куз — жаллод гулларга теккизар
тиғин,
Ёрдамга чақирар гуллар кимнидир.
Жаллоднинг бўғзига етмаган калта,
Эй, титроқ қўлларим, қайга беркидинг?

Ана! Бошпанасиз шамолдай тенгиб,
Аёзда шумшайар ватансиз кимса.
Ватан бўлар эди унга кенг бағрим,
Шу қисқа қўлларим оғочдай ўсса.

Бўз ерлар туш кўрар сув—
ёмғирларни,
Тиланчи қўлларни чўзиб фалакка.
Қўлим етса эди кўкка, булутни
Йиртиб сув берардим
ташина юракка.

Қўлларим осмонга етсайди агар,
Гулларнинг ўрнига юлдуз терардим.
Юлдузга етмоқни ким
бахт деб билса,
Бахтдан кучоқ-кучоқ олиб берардим.

Ҳе, калта қўл билан
кун кўрмоқ мушкул,
Мен унга суяниб яшайман беун.
Усаётган дарахт менинг қўлларим,
Кесмасалар кўкка етади бир кун!

Мени ташлаб кетдингиз тунга,
Ой туйнукка келди қувониб.

Этагимга ёпишди соя,
Тундан, кундан юрар қизғониб.
Мендек меҳрга зор ҳулволар,
Сув бўйида тенгир тонггача.
Силаб-сийлаб дардим саболар,
Юз, кўзимдан олади муччи.
Бошим узра қўнган ҳумомас,
Ўлжа пойлаб учган бургутлар.
Шодлигимга соялар солиб,
Сайр этишар саёқ булутлар.
Вужудимга чирмашар кеча,
Ул сарғайган сабрлар, гуллар.
Бир кун сиздан интиқом олар
Сиз қадримга етмаган кунлар.

Ёлғон мени бўздай тўқийди,
Ҳижронларда пишитади чарх.
Осилганча хору хасларга,
Андухларга бўлаяпман ғарқ.
Ҳаёт — менга илингани ғам,
Ишқ — бу тишим ўтмаган сура.
Пешонамда не марду Худо,
Таваккал деб ташладим қуръа.
Қалбни тишлар оч қолган соғинч,
Дардларим кўнгилга сиғмайди.
Азобингга кўникдим нечун,
Юрагимда оққуш йиғлайди.

Сени кўрон,
Бедил деб севдим,
Узоқ кетдим мен шу кетишида.
Ҳижратларда яшадим узоқ,
Теракзорлар тушди жунбушга.
Талтинарди япроқ қушларим,
Жаҳаннамдан изладим овунч
Тунга тинчлик бермади бир дам,
Кўзимдаги безовта соғинч.
Ишқ бош урди оёқларимга
Ғиркўкларда олиб кетар деб.
Сен фироққа итариб кетдинг,
Толдим ачиқ азобларни еб.
Мен кимлигинг билмасдан суйдим,
Еткур, дедим раббим, фанога.
Кўздан оқди илтижоларим
Мени ташлаб кетма хаёлга.
Чопавердим ортингдан тинмай,
Қисмат дедим ғамга ботишини.
Одамлигинг билиб қолган дам
Билмай қолдим,
қайга қочишини.

Кўнгил — томиб тугаган кўз ёш,
Вафо — ёши қайтган ўйинчи.

Умидлари занглаган телефон,
Бугун мендан сўрар суянчи,
Андухларни чекдим, тутади,
Шикаст етди руҳи жонимга.
Хушхабардан қувонмади дил,
Дарз кетганди қалб кўмғонимга.
Кўпиради бағримда дарё,
Ўз ҳолимга қўйил тош одам.
Фариштани ахтариб, сабо,
Ишқ даштига эжжаймиз қадам.

Тош бўлган юрагим
Тошлар ичинда
Суздик дарёдек кўз
Ёшлар ичинда.
Сўқмоқ йўллар чорлар
Кетдик адашиб.
Ўрмондек туташган
Қошлар ичинда.
Менинг тоқатимни
Тошлар синайди.
Сабрларим тошар
Ғашлар ичинда.
Дўстга беролмадим
Меҳрдан бўлак
Ғамимга айландим
ташлар ичинда.
Шукр, шу кунларга
Омон етди бош.
Деворга урилган
Бошлар ичинда.
Токай зиндонингда
Тутқунман, эрким
Дийдалари қаттиқ
Дошлар ичинда.

Ёнмоқ истаб турган хазонга
Билиб билмай ташлаб ўтдим чўғ.
Ялдо туннинг кўнгелини хушлаб
Мен қадрига етолганим йўқ.
Изларингни айладим тавоф,
Хизматингда елдим, югурдим.
Товонимга кирди тиконлар,
Қалбни яра қилиб улгурдим.
Туйғуларим белар тупроққа
Гоҳ ўлиб, гоҳ тириляпман,
Маъсум кўзларингга қарашга,
Севги, сендан уялаяпман.
Хатоларга тайрилиб кетдим,
Дардни севдим ўша кезимдан,
Севги, сенинг бағринга сиғмай
Кетиб қолаяпман ўзимдан.

Бобомурод ЭРАЛИ



Куй келар кечанинг Бағирларидан

УСМОН НОСИР. 30-ЙИЛЛАР

1.

Рухимни куйдирдим оппоқ қоғоздай,
Кўзларим олдида зарра-зарра кул.
Юракда садо йўқ, афтода создай,
Кўксимни пайпаслаб, торга чўзиб қўл.

Топмоққа уриндим, топа олмадим,
Ҳилар чувалтирди бари-барини.
Зилдай қабоғимни ёпа олмадим,
Энди қайдин излай юрак торини?

Дам сайин жисимда қурийдим мадор,
Қафасин бузай дер қушдай хаёллар.
Қафас эса улкан - фалакка қадар.

Тўзғиган патларни маънос аёллар,
Қўлига йиғади тун бўйи бедор.
Учириб кетса ҳам бир кун шамоллар.

2.

Шохларин силкийди ўқиб дарахтзор,
Қисматининг аччиқ ёмғирларидан.
Ким у нўш этмоқчи, қандайин мард бор,
Осмон қуйиб турган чоғирларидан.

Куй келар кечанинг бағирларидан
Кўйлаги - жикка хўл, йиғлар санамлар.
Барини эслашга бўлурми дамлар,
Йиллар ўтиб, умр охирларида.

Юрагим - шип-шийдам, юрагим - ҳовар.
Қадаҳда шаробмас, бир қултум захар.
Ичмоққа қасд айлаб узатаман қўл.

Фақат битта сўзга интиқ-интизор,
Кетаман, эҳ нечун тугамас бу йўл.
Қаршимда тобора қип-қизилдир чўл.

3.

Бу менинг оҳимми, менинг оҳимми,
Тошлари оёқни тилган йўлларда.
Шом чоғи балқиган ўша моҳимми,
Соқлари илинмиш саксовулларда.

Менинг кўз ёшимми - қатра юлдузлар,
Қоп-қора зулматга мангу сочилган.
Уюрлар тарк этган далалар, тузлар,
Тузалмас ярадай куйган, очилган.

Не қилай, бир сўзга банди тилимни,
Яна тўзғиб кетган турки элимни.
Пойизга қурбонлик учун сўяйму?
Ёлғиз юрагимни, шу юрагимни
Ёруғлуқ қонига йўлни бўяйму?
Сўнг шаҳид кетмоққа бошни қўяйму?

4.

Қиличдай кўтарил, эй, сабил руҳим,
Сенга тинчлик бермас шу ер, шу осмон.
Бўғзимда жазиллар энг сўнги уҳим,
Энди хаёл этма қолмоқни омон.

Ҳўди сийратимнинг битиктошлари,
Қадимий саҳродай куймоқда ичим.
Қорачуқ тубида алам тошлари,
Қўлимдан учарму синмас қиличим?

Тентираб қайтаман қора даладан,
Бошни кўтаролмай ўтлуғ жоладан.
Юлдуз—чўғ. Шамол—чўғ. Ой қайиғи—чўғ.

Ҳушимга келаман эзгин ноладан:
Ҳар недан муқаддас, ҳар недан улғу,
Юракда ҳилпирар йиртилган бир туг.
1988-90-йиллар

* * *

Балки унутарсан бир кунни мени,
Ёдингдан учарман, эсга олмаган,
Қайғуриб юрмассан, йиғламассан ҳам,
Тонгга қадар мендай уйга толмассан.

Қайда у ёнишлар, қайда у олов?
Айромиз. Бариси юракдан кўчган.
Лек ҳамон ухлайман соқларинг аро,
Балким хаёлингдан исим ҳам ўчган.

Воз кечдинг. Бемалол. Наҳот билмассан,
Кечилмаган йиллар қолишларини.
Юракни оғритган алланимадир
Яна қийноқларга солишларини.

Сенга дуч келмоққа қарорим йўқдир,
Ҳудди бардошимдай учар яроқлар.
Ёмғирли боғларда жим-жит кезаман,
Эсимга тушса гар ўшал титроқлар.

Дугонанга кулиб сўйлаб берарсан,
Балки бир умрга етар шу эрмак.
Тунлари рўмолча тўқиб чиқарсан,
Балки шу рўмолча — севгимиз демак.

КУЗ БОР

Куз бор. Кечалари яроғин тўқиб,
Чиққан дарахтларга боқмак дамлари.
Қўлингдан учаркан, хира тортар кўк,
Сенга қуйиб тутган жомлари.
Чарчайсан, хаёлинг ипин узолмай,
Вужудингни қийнаб оғриқ айланар.
Рухинг жимлигини тағин бузолмай,
Қуш каби учмоққа юрак шайланар.

Куз бор. Елкаларни эзади ёмғир,
Рутубат боғларни кезасан ёлғиз.
Ёмғирга қўшилиб йиғла барибир,
Ортингга қарасанг қолмайди-ку из.

Сўнги юлдуз порлар кўзни куйдириб,
Йиллар этагида сени овулар.
Узоқ жим қоласан кўчада туриб,
Бариси-бариси кўнглинг совулар.

Куз бор. Қучоғингга хазон соқилар,
Балки бир умрга териб юрасан.
Юракда асраган сирлар очилар,
Гўё бир қудуққа юзни бурасан.

Фасллар ичидан орттирганинг шу,
У, ё бу гувоҳлар, мангудай сукот.
Кўзингдан ситилган томчи кўз ёшу,
Қонингга гуриллаб сўнаётган ўт.

ТАЛАБАЛИК ЁТОҚХОНАБИДА ЁЗИЛГАН ШЕЪР

Кел, ўлтир, бўлайлик бу кеча ғамни,
Адо этурмизми тонг отгунича!
Ой ҳам мўралайди деразамиздан,
Бизни хўрсинтириб то ботгунича.

Ширин хотирадай кўнгул орзиқар,
Хира тортаётиб кузнинг боғлари.
Сен менга қанчалар таскин берардинг,
Ул қиздан рад жавоб олган чоғлари.

Елкани эзади зилдай сукунат,
Минг бир уйга толган дарахтлар жим.
Номаълум юлдузни кашф этмоқ бўлди,
Самога тикилган икки мунажжим.

Тунлари изғирин шамоллар эса,
Қизлар қучоғида асрайди ўтни.
Севгини юракда меҳмон қиларди,
У бизга ўргатди яшаш, ҳаётни.

Бир қизнинг ишқиди куйдим шунчалик,
Хушхабар келтирган кунларингни қўй.
Илгари сен билан орзу қиларди,
Ойни ҳам чақириб ўтказамиз тўй.

Кел, ўлтир, бўлайлик бу кеча ғамни,
Бизни айро етар бепарво йиллар.
Бошқалар банд қилар жойларимизни,
Энди унутилгай биз эккан гуллар.



Зарбуви АЛҚАРОВА

Ватан ишқин дилга шуриб

ОНАМ ДУОСИ

Топганинг тилло бўлсин,
Ушлаганинг дур-гавҳар.
Онам дуо қиларди,
Гўё сандиқ тўла зар.

Онамнинг дуолари
Инакдек майин эди,
Олдингиздан тилло-зар
Чиқиши тайин эди.

Онам дуосини мен
Чала ярим олдимми,
Қўлимга тилло тушса,
Гавҳари илинмайди.

Гавҳар қаер-қаерда,
У юлдузлар ёнида.
Яна унинг макони,
Денгизларнинг тагида.

Осмон тўла юлдузлар,
Қўлим етмас йўл бўлди.
Денгизда сузаман деб,
Этакларим ҳўл бўлди.

Ҳўл бўлган кўйлагимни
Офтоб қурилармиди,
Онамсиз кунларимни
Кўзёш арилармиди.

Қабрингизни зиёрат
Қилиб, тавоф айлайман.
Онажон, меҳрингизни
Қалбгинамга жойлайман.

"Она" деган сўз менинг
Қалбимда порлайверар,
Яхши тилак ва сўзни
Руҳимга жойлайверар.

ЗАВҚИМ КЕЛАР

Сакраб-сакраб тоғ-тошлар аро,
Кийик билан чопгим келади,
Ёқимсиз қуш бойўғлига
Тунда тошлар отгим келади.

Олмахонни дарахтдан ушлаб,
Урмонлардан топгим келади.

Кўзиқорин териб саватда,
Ёмғирларда чопгим келади.

Алдаб қочиб кетган тулкининг,
Думларидан тортгим келади.
Қир-адирга, лола бағрига
Мен ўзимни отгим келади.

Иягимни қўлимга тираб,
Булоқдан сув ичгим келади.
Ерда ўсган сурма ўтларни
Кўзларимга суртгим келади.

Дала кезсам пахтазор узра
Оқ толалар тергим келади.
Ажинанинг уяларини
Таёқ билан ургим келади.

Осмонларга туташ тоғлардан
Лола териб чопгим келади.
Ошиқ кўзларини нурга тўлдириб,
Бахтдан ёниб юргим келади.

* * *

Бу дунёнинг борлигин,
Ишқи борларга беринг.
Чаккасига ишқни гулдек
Таққан Зебога беринг.

Мажнунтолдек кезиб сахро,
Чанқаган зорга беринг.
Ишқдан бемору ўзи,
Дили соғларга беринг.

Ишқни гулдек асрабон,
Маликаи даврон бўлиб,
Ҳайратлар ичра ёнган,
Узи ҳайронга беринг.

Муҳаббат куйини чалган
Садоқат торида ҳар тонг.
Меҳрини мунаввар этган
Меҳрибонларга беринг.

Ватан ишқин дилга тугиб,
Яшаи завқин баланд тутган,
Муҳаббат хазонин кечган,
Кўнгли баҳорга беринг.



ШИРИН

Куз оҳанглари

* * *

Сув бўйида мажнунтол
оёқларин сувга осилтириб ўтирар,
кўзи тушибоқ менга ҳазин
жилмаяр.

У билан эскитдан қадрдонмиз
шу кўйи ўтиришини унинг кўп
кўрганман

Бу томонларга йўлим кўп тушар
айниқса кузак пайтлари...

Кузак пайтлари
хазонларин шивирига
энтикиб қулоқ осадилар дарахтлар,
Мажнунтолга ҳам зимдан сар
солсам
барвақт сарғайганга ўхшар
барглари.

Сийраклашган кўринар шунданми ё
сочлари?

Беихтиёр ёнига чўккалагим келар
тафтиши қилмоқчидай ўз хаёлларин
сақлагани сукунатини бузмоқдин
чўчиб

оҳиста сўрайман:

— Майлими мажнунтол, ёнингга
ўтирсам
оёқларим сувга тиқсам —
майлими?

* * *

Биламан, яқинда куз тамом бўлар,
Бошланар аёвсиз қишлари
Изғирин совурса сарғайган жоним,
Баҳор, кейин мени уйғота кўр-чи

* * *

Шодлик бир тараф
Андуҳ бир тараф
мен бошқа бир тараф бўламан энди.

Шодлик, гар шодлансанг мени-да чақир
Андуҳ, ўша жойда поёнинга ет
Мен эса бу ерда бахтлиман десам
Шодлик шу заҳоти мен томон бўлди
Андуҳ шу заҳоти...





ТОМЧИДА ҚУЁШ АКСИ

Таҳририятдан: Ўзбекистон Республикаси “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Олий ва ўрта-маҳсуе таълим, Халқ таълими вазирликлари томонидан “Биз — Ўзбекистон фарзандларимиз”, “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз”, “Ўзбекистон ғурури тоғлардан баланд” мавзуларида ижодий ишлар танлови эълон қилинган эди. Мазкур танловда юртимизнинг жуда кўплаб ижодкор ёшлари иштирок этишди. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, танловга тақдим этилган асарлар самимияти, ҳис-ҳаяжони, мустақил юртга бўлган ҳақиқий муҳаббати билан бизларни мафтун этди. Афсуски, журнал ҳажми имкон бермаганлиги боис биз бу иншооларнинг ҳаммасини саҳифаларимизда чоп этолмаймиз. Аммо томчида қуёш акс этгани каби, ушбу асарлардан олинган айрим парчалар ёшларимизнинг она Ватанга бўлган буюк муҳаббатларини намоён этиб бера олади, деган умиддамиз.



Нигора ШАРИПОВА,
Навоий Давлат
Педагогика институти
талабаси

БИР ҲИКМАТ ҲАҚИДА ЎЙЛАЙМАН

Ватан! Бир дам ўйга толаман. Мадҳ этмоқлик-чун сўз ахтараман... Ҳаяжон зарбидан ураётган юрагимга бир зум қулоқ тутамаман. Ундан англаганларим, ҳис этганларимни сўз салтанатининг энг сержило гавҳарлари бирла мадҳ этмоқликка чоғланаман, бироқ... Тил билан баён этиб бўлмас иқрорим:

Ватан бешигимдир — дунё ўйига йиғлаб келганимда овулган бешик, Ватан қўшигимдир етмиш икки томир кенгликларига меҳр ундиролган суюк бир қўшиқ.


Ватан! Не мўъжиза, не синоатдирки, эшитган ҳамон қалбим эзгу ҳисларга чулғанади?! Шулар ҳақида ўйлай туриб, беихтиёр хаёллар гирдобига шўнғийман. Юртимнинг энг майда гиёҳидан тортиб улкан тоғларигача, сарҳад билмас кенг яйловларидан сермавж дарёларигача менга ўзгача сирли, ёқимли ва муқаддас туюлаверади. Мен айна шу онда қалбимда ажиб бир ҳисни туяман. Том-том китобларга сифмайдиған, энг оқилона, энг бетакрор сўзлари

билан ҳам таърифлаб бўлмайдиған бу туйғуни айна дамда ҳис этиб турганимга амин бўламан. Бу Ватанга муҳаббат ҳисси, Ватан туйғуси эмасми?! Шерият султони Алишер Навоийга қалам тутқазган, буюк Соҳибқиронга жанг майдонларида паноҳ бўлган, жасур Жалолиддин қалбига жасоратнинг илк уруғини қадаган шу мўътабар Ватан-ку, ахир!

Ватан — инсоннинг руҳияти, турмуш тарзи, онги ва тафаккури, ўтмиши, бугуни ва келажаги мужассам бўлган муқаддас тушунча.

Шу муқаддас заминга киндик қони тўкилган, жаннатмакон юртимнинг кенг кўчаларида тетапоё қилиб катта бўлган ҳар бир инсон борки, шу юртга фарзандлик бурчини ҳис қилиши табиий. “Инсон учун Ватанидан яхшироқ ёр бўлмайди”, деганида нақадар ҳақ эди доно халқимиз. Чиндан ҳам Ватандан азиз, Ватандек муқаддас, Ватандек қутлуғ маскан бормикан?! Инсон учун нимаики муқаддас бўлса, барчаси Ватан билан боғлиқдир.

Мен ҳамиша бир ҳикмат ҳақида узоқ ўйлайман. Бир жумбоқ тагига етолмай хаёлларга чўмаман. Ҳеч ўйлаб кўрганмизми, нима учун инсон олис ўлкаларнинг сўнгсиз мўъжизалари қошида ҳайратга ботади, аммо ҳеч ким, ҳеч қачон шу мўъжизаларни деб Ватанидан воз кечиб кетган эмас. Шулар ҳақида ўйлай туриб, Турк хоқони Мадихон билан боғлиқ афсона ёдимга тушади. Унда тасвирланишича, душман юртга бостириб кириш учун баҳона излайди. Донишманд ва тинчликсевар Мадихон душманнинг ниятини тушуниб, беҳуда қон тўкилишининг олдини олиш учун ёвга учқур отини ва гўзал маликани тортиқ этади. Аммо улар бунга қаноатланмайди, мамлакатнинг чекка сарҳадидаги унумсиз бир парча ерни талаб қилишади. Шунда шоҳ қатъиятга тўлиб, лашкарига қарата: “Энди жангга қирамиз. Чунки ватаннинг бир қарич ерини ҳам душманга бериб бўлмайди”, — деб жангга киришади. Гарчи ёшлигимда бу ҳикмат замирига етолмаган бўлсам-да, энди унинг асл моҳиятини англаб етмоқдаман.



...Лабларимнинг шивирига оҳиста қулоқ тутаман ва англаганим шу бўлади: **Ўзбекистон!**

Мунис онам айтган алла наволари бирла томиримда ҳаёт янглиғ оққан, бувижоним айтган эртақлар туфайли жажжи тасаввуримда ғужжон ўйнаган саволларимга бугун жавобим — **Ватан!**

Онажоним ёпган иссиқ кулчани қўлларимда тутолмай ариқларга оқизган, кундузлари офтобларга, тунлар парирўй моҳтобимга менгзаганим — **Ватан!**

Бобур қисматидан юм-юм йиғлаганда овутганим, тирикликда ҳеч нарсага алишмаган диёрим, бу дунёдан кетар чоғим ёлғиз ўзи бағридан жой берганим — **мозорим — Ватан!**

Шундай келажаги буюк давлатда яшар эканман, юртимга боқиб туриб, беихтиёр шундай дегим келади. Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз.

*Нечун ураётир вужудда юрак,
Нечун оқаётир томиримда қон.
Мени фарзанд дея атама, майли —
Ватанни севмасам сендек, Онажон.*

*Қаламинг дунёни тебратса ҳам гар,
Дўстим, "шоирман", — деб ёйма жаҳонга.
Лоақал, биргина оташиң сатр
Битмасанг, шу она — Ўзбекистонга!*



Комила МАҲКАМОВА,
Самарқанд Давлат
Чет тиллари институти
талабаси

ТАФТ

Ватан — Ўзбекистон, мен — ўзбек. Шу икки сўзни талаффуз қилганимда, қалбим юртимнинг тоза ҳавоси, тиниқ осмони, ширин меваларидан майинликни ва аждодларим қолдирган моддий, маънавий меросдан, Президентим қилган ишларидан ифтихорни ҳамда халқимга, аждодларимга, Ватанимга, Президентимга муносиб фарзанд бўлишим кераклигини ўйлаб масъулият сезади.

Мен ўқитувчиман, шу билан бирга талабаман ҳам. Мендан катта куч ва ирода талаб қилинади. Ўқитувчи эканман, шундай шарафли қасб айнан менга ҳам насиб қилганидан мамнунман. Зиёлилар оиласи вакиласи бўлганим сабаб ушбу қасб машаққатини ва у менга улкан масъулият юклашини яхши биламан. Ахир, менинг қўлимда ўнлаб, юзлаб ўқувчилар таълим олишади. Бу эса, менинг йўл қўядиган биргина хатоим юз хато бўлиб ўқувчиларимда акс беради демакдир. Бас, шундай экан, мен Ватаним, ўзбек деб аталмиш меҳмондўст миллатим, халқим келажаги учун, ота-онамга муносиб фарзанд бўлишим учун аввало ўзим камолот сари интилишим ва пухта илм эгаси бўлишим

ЮРАКДАГИ

шарт. Мустақиллик шарофати билан мен бундай имкониятга эгаман.

Донишманд Скорина Ватан ҳақида гапирар экан, шундай дейди: "Чўлда ўрмалаб юрган жониворлар ҳам туғилишиданоқ ўз маконларини биладилар, ҳавода учувчи қушлар ҳам, денгиз ва дарёлардаги балиқлар ҳам ўз ошёнларини ҳис қиладилар, ҳатто болари ва шунга ўхшаш бошқа ҳашаротлар ҳам ўз уйлариини муҳофаза қиладилар, — шулар каби одамлар ҳам қаерда туғилиб парвариш топсалар, — ўша жойга чексиз меҳр қўйган бўладилар".

Биз ҳам Ватанимизнинг ҳатто бир қарич ерини кўз қорачиғидай асрайлик, унинг дахлсизлигини бирга таъминлайлик, меҳр қўяйлик ва меҳримиз тафти зинҳор сўнмасин! Шу улуг замин — Ўзбекистон фарзанди номига муносиб бўлайлик!



Ҳурматой ДЕҲҚОНОВА,
Фарғона Давлат
Университети талабаси

НУРДАН ЯРАЛГАН СЎЗ

Вужудга титроқ солгувчи, кўнгилга нурдай қуйилгучи бир буюк сўз бор дунёда. У сўз танга қувват, руҳга роҳат, инсон ҳаётига бир умрга фароғат бағишлайди. Бу сўз бутун танангни титратиб жаранглайди. Бу сўзни эшитганда, ўзбекнинг тўқсон икки томири яшнаб кетади. Бу сўз учун жонидан, хонумонидан кечган аждодларим бор. Бу шундай буюк сўз, муқаддас сўз. Уни тилга олмоқ осон эмас. Минг битта жонимга титроқ солган ўша олов — **ВАТАН!**

Бу сўз айтилганда, бутун вужуд сезгига айланиб, уни сенга ишониб кетган аждодлар нигоҳини ҳис этсагина, шу юртнинг фарзандиман дейишга ҳақлисан. Ватан! Бу сўзни айтганимда кўз олдимда меҳрибон онамнинг нурли юзлари, маҳаллам, қон-қариндошларим, беғубор болалигим ўтган кўчалар, биринчи ўқитувчим, биринчи муҳаббатим, мусаффо осмоним гавдаланади. Менинг кечам, бугуним ва эртанги англалувчи бу сўзни нечун жоним титраб айтмай?! Нечун уни севмай? Ё Онам каби мўътабарим, Она юртим деб атамай?! Нечун?

Она юрт! Унинг қадрини ундан йироқ яшаб, бир ҳовуч тупроғига зор бўлган инсонгина жуда яхши тушунади.

ВАТАН! Мен бу сўзни болалигимдан, мактаб парталаридан англаб етдим. Шу боис бўлса керак, бешинчи синфдалигимдаёқ ёзган илк шеърим ҳам, кейинчалик шеърим китобим ҳам "Ватан туйғуси" деб номланди. Мен юртимга бўлган меҳру муҳаббатимни шеърларимга тўқа бошладим. Мана ўша шеърларимдан бири:

*Неча йил бошингдан кетмади булут,
Қуёшни соғиндинг, нурга бўлдинг зор.*

*Сен бугун уларнинг барчасин унут,
Кувон, она халқим, давронимиз бор.*

*Бугун юракларда поклик ҳукмрон,
Оналар сочига бевақт қўнмас қор.
Ҳар ишда ҳаловат, мусаффо осмон,
Кувон, она халқим, карвонимиз бор.*

*Йўлларни ёритар адолат нури,
Бунда ёш авлод ҳам ўсар бахтиёр,
Энди ўзингни кошонанг тўри,
Кувон, она халқим, сарбонимиз бор.*

*Сен менинг иродам, иймоним, Ватан,
Шаънингга танда жон битурман ашъор.
Мен бўлай булбулинг, ўзингсан чаман,
Кувон, она халқим, қомусимиз бор.*

Юртбошимиз айтганларидек, "Миллат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар". Шу маънода, 2005 йилнинг 13 майида бўлиб ўтган Андижон воқеалари бизни янада ҳушёрликка чорлади. Портлаш натижасида синган ҳар бир ойналар синиғи гўё бизнинг қалбимизга санчилди. Бу оғриқ бизни огоҳликка чорлайди. Бу оғриқ бизни нонни босиб ўтиб, базм қилувчи нонқўрлар борлигидан, алла айтаётган аёл томон, алла эшитиб ухлаётган чақалоқ томон ўрмаловчи қора илонлар борлигидан огоҳлантириб туради. XXI аср бонг ураётган бир даврда лоқайд одамларга орамизда ўрин йўқ. Ота-боболаримиздан қолган буюк меросни, кўҳна бу юртни, келажак авлодга гард юкмаган ҳолда топшириш барчамизнинг шарафли бурчимиздир. Мақсад — аниқ, йўлимиз — раван, Ватан йўлида олға қадам ташлайлик.

Наргиза ШОИМОВА,
Гулистон Давлат университети талабаси

АЛЛА БИЛАН АНГЛАНГАН ТУЙҒУ

Ватан! Шу биргина муборак сўзнинг куч-қудрати, сеҳри ва жозибасини ҳис қилмайдиган одам бўлмаса керак.

Ватан. Ундан-да муборакроқ ер бормикан дунёда.

Ватан — бу бошпана, бизни боқаятган диёр. У ота-боболаримиз ўтган юрт, бизнинг қавм бир дин, бир иймон, бир туг остида бирлашиб, миллат сифатида макон топган заминдир. Уни асраб авайламоқ ва шундай етук шаклда авлодлар қўлига топширмоқ эса ҳар бир инсоннинг, ҳар бир фуқаронинг бурчидир, нафақат бурчи, балки унинг ҳаёти мазмунидир. Ватан киндик қонинг тўкилган тупроқ, чанг кўчалари тўзғиган қишлоқ.

"Киндик қоним тўкилган тупроққа бош қўйиб ўлсам, армоним йўқ" дейишади. Бу сўзлар, менимча, беҳуда айтилган эмас.

Она замин билан киши ўртасида ҳали биз англаб етмаган, биз кўра олмайдиган, ўргимчак тўридан ҳам нозик бир боғлиқлик бор.

Ватан остонадан, туғилган кўчанг, меҳрибон уйингдан бошланади. Умуман, Ватан деб ёниб-куйган кишига Ватан чегараси бўлмайди. У шундай чегарасизки, уни дафъатан қуёш ҳам қуча олмайди. Унинг мовий осмони, осмонўпар тоғлари, киши билмас гўзалликлари, кўз илғамас ажойиботу сир-синоатлари беихтиёр киши диққатини ўзига тортади.

Маълум муддат уйдан олисда бўлган киши сафари қариб, овулига қайтгач, атрофга бошқача нигоҳ билан боқади. Уйи олдидаги бир туп олма дарахти нақадар гўзал-а. Унинг ёқимли ҳиди уйғотган хислар юракни қитиклайди.

Азизим, ана шу дарахт, унинг илдизи — Ватан. Осмонга интилаётган шоҳи ҳам — Ватан. Ҳали шаклланиб улгурмаган куртаклари хаёлидаги меваси ҳам Ватан. Мана шу тупроқ, шу замин, шу юрт учун ёниб яшамайдиган фуқаро ўзини Ўзбекистон фарзанди деб аташга ҳаққи борми? Йўқ, асло! Ватанимиз истиқлолга эришиб, ўз йўлини топиб олаётган, жаҳонда буюк ўтмиши ва эртанги умидлари билан довруғ топаётган бир пайтда ўзини четга олиб, томошабин бўлиб туриш кечирилмас гуноҳдир, адалсиз номусдир.

Юрган йўлимиз — Ватан, ўнгу сўлимиз — Ватан. Аммо инсон дунёга келиб эшитиши лозим бўлган илк сўз Ватан бўлиши ҳар бир ўзбекнинг орзуси. Инсонда мавжуд Она-Ватан сингари туйғулар ҳеч қачон сотиб олинмайди. Улар йиллар давомида маълум бир сабабларга кўра чанг босиши, устига кул тортилиши мумкин. Аммо "асал айнимас" деганларидек, чин инсоний туйғуларга ҳеч қачон дарз кетмайди.

Ватан сўзи муқаддас. Бу сўз олдида кимлар бош эгмайди дейсиз. Бу сўзни гурур билан айтмоқ ҳар бир мўмин учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Биз эрта турамыз, ишга шошамиз, уйга қайтамиз ва яна уйқуга кетамиз. Ҳаётимиз тўқис. Устимиз буту қорнимиз тўқ. Энди ўйлаб кўринг, замондошим, сизнинг куну тунигингизни тинч айлаб, бутун вужудингизга хотиржамлик улашаётган нарса сиз сезмайдиган, аммо қалбингиз тўрида мудом ёниб турган Ватанга нисбатан меҳр-муҳаббатингиз нури эмасми? Маконингиз тинч бўлса, қалбингиз тинч бўлади, уйингизда сокинлик кезади.

Ватан ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Бу борада қанча шоирларимиз, қанча мутаффакир алломаларимизнинг теран, мулоҳазали фикрлари мавжуд. Аммо мана шу туйғуга эмикдош сўз ҳисобланмиш "ватанпарварлик" тушунчасини қандай изоҳлаш мумкин? Умуман олганда ватанпарварлик сўзини Ватанни севиш, уни ҳимоя қилиш дея изоҳлаб бериш мумкин. Лекин чуқур мушоҳада билан унинг асл маъносига мурожаат қиладиган бўлсак, бу сўз инсон ҳаётида жуда катта аҳамият касб этади. Бу туйғу ҳар бир шахс учун ўзликни англашнинг ибтидосидир. Уни дилига жойлаган инсоннинг гурур ифтихори юксак, мақсад-муддаолари аниқ бўлади. Тоғдек таянчи — Ватани борлигини ҳис этган инсон ҳаётнинг ҳар қандай синовларига тайёр туради. Ватани учун жонини фидо қилишга, унинг шодиёнасида ҳам ғамгин кунларида ҳам балогардон бўлишга шай туради.



Чарос ДУСТМАТОВА,
ЎЗМУ журналистика
факультети талабаси

МУҚАДДАС ТУЙҒУ

Ватан... қанчалар улғ,
қанчалар муқаддас, қанчалар
беғубор тушунча. Ушбу тушунча
замирида улкан маъно ётади.

Ватандан-да муборакроқ, азирроқ ерборми денёда? Лекин бу туйғу қачон ва қаерда уйғонган? Умуман биз унинг қадрига қачон етгаймиз? Албатта, биз дунёнинг турли чеккаларида бу Ватанни соғиниб яшаётганларчалик қадрини сезмасак керак. Ватан бу нима? Бошпанам, боқадётган диёрим, сеҳрли коинотми, мовий денгизми ё киндик қонимиз тўкилган юртми? Ёки ота-боболаримиз яшаб ўтган макон? Балки, у бизнинг қавм, бир дин, бир иймон, бир туғ остида бирлашиб, миллат сифатида макон топган заминдир. Ҳа, бу муқаддас тупроқ, зангори осмон, тиниқ сув буларнинг барча-барчаси бизнинг Ватанимиз - Ўзбекистон юртимиз тарих саҳифаларида, олтин ҳарфлар билан битилган Ватандир. бу сўз заминидан қанча инсонлар тақдири Ватанни куйлаш, унга бутун жисму жонини бахшида этиш унинг тараққиёти йўлида бор имкониятларини ишга солиш, бир сўз билан айтганда "Менга ватан нима берди" эмас, "мен шу заминга нима беряпман" деб яшаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Сайёра ОМОНУЛЛАЕВА,
Андижон Давлат университети лаборанти.

АВЛОДЛАР ЙЎЛИ

Ватан - бебаҳо бойлик. Бу сўзни изоҳлаш учун қоғоз ҳам, қалам ҳам, сўз ҳам камлик қилади. Муҳими, Ватанни ҳар бир инсон учун дилидан, қалбидан ҳис қилмоғи лозим.

Халқимизнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида шарқ халқлари учун қудратли маънавий манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Бутун мамлакатимизда олиб борилаётган ва давлат сиёсати даражасида қабул қилинган, ёшлар муаммоларини ечишга қаратилган дастур ва тадбирларни амалга оширишда, вояга етиб келаётган ёш авлоднинг ҳаётда ўз муносиб ўрнини топиши, уларни, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги йигит-қизларни иш билан таъминлаш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши, соғлом турмуш кечириш учун имкониятлар туғдириш, ёшлар онгига замонавий дунёқарашни қарор топтириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби ўта муҳим масалаларда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрнини жуда катта деб биламан.



Гўзал НОРЧАЕВА

НАЗМ

Шунчалар сирлими мехр деган сўз...

* * *

Қўрқувларга бас келажакман,
Ийғаламайман, бас, кулажакман,
Ойдин, оппоқ ҳур келажакман,
Дўст ёримга ҳали керакман.

Гумон нима, ётсираш нима,
Ўз элига ёвсираш нима?
Манманликни қилмайман таъма
Халқ қизиман, метин юракман.

Лоқайдликка чидамам асло,
Ёвни ютгум мисли аждарҳо.
Оллоҳ ризқим қилмаса бежо,
Абадий мен қалқон, тиргакман.

Сўрагандим пок муҳаббатни,
Эҳтиросли шеърини хилқатни,
Ана энди кўринг қудратни
Улашаман, темир билакман.

ҚАЙТАР ДУНЁ ЭКАН БУ

Пешонам шўр дея минг ўртанганлар,
Бир бор пешонасин ялаганмикан?!
Бахтим йўқ менинг дебзор қақшаганлар
Оллоҳдан бахтини тилаганмикан?!

Ўтиб борар туз карвон,
Тузин олиб эзайин,
Энди бахтсизлар учун,
Оллоҳдан бахт сўрайин.

Гуноҳ қилса, қайтар гуноҳга жазо,
Бир кун келиб, қайтар дунё экан бу,
Ғафлат босиб ётиб қолса дўст эмас,
Душманига айтар дунё экан бу.

Тангрим ёмон кишига,
Ўз ёғини ичирсин.
Тилак қилай, яхшилар
Гуноҳини кечирсин.

Ўз келини оғритганда дилини,
Ғам-андўҳда сарғаймасин момолар.
Ҳаётингда камол топгин ўғлим деб,
Фарзандини дуо қилсин боболар.

Инсон яшар дунёда,
Боласига интизор,
Ният қилинг, ҳеч киши
Тирноққа бўлмасин зор.

Ўтиб борар туз карвон,
Тузин олиб эзайин.
Энди бахтсизлар учун
Оллоҳдан бахт сўрайин.

ДЎСТАЛРИМИЗ

Ўша мунчоқ кўзлар чорлайди мени,
Маъсума чеҳралар тортар ўзига.
Шунчалар сирлими мехр деган сўз,
Сирдошларим кўринмоқда кўзимга.

Олисдаман гарчи, юрагим яқин,
Қалбингизнинг тафти йўлимга малол,
Барибир, яшолмам сиздан узоқда,
Биргамиз, дўстларим сиз-ла тоабод.

Ажратолмас бизни баъзи фанимлар,
Баҳор нафасидек илиқ бағримиз.
Сизни соғинаман ана шунча кўп,
Биз шундай мехрибон дўстларимиз.

Зокир ШОИМОВ

Назира МАҚСУД

Оташ бўлар юраклар

Ухламаган боғ

* * *

Кун қайгадир олиб кетар бош,
Шамол ҳукм ўқир борлиққа.
Гумон титиб ташлар хонани,
Кўчалардан шом қайтар диққат.

Кўкка қадар чопар дарахтлар,
Ёғилади бахтми, озорми.
Боққа кириб келар беҳадик,
Кузакларнинг мангу ороми.

Деразалар ёпилар қарахт,
Четда сукут сақлар курсилар.
Хона хира ойнага қараб,
Нимагадир қаттиқ хўрсинар.

Гумон титиб ташлар хонани,
Чироқларнинг фиғони фалак
Туни билан ухламаган боғ
Кун ҳақида топади дарак.

СОҒИНЧ

Хира борлиқ оралаб сокин
Бу сўқмоқлар кетар қайгадир.
Қишлоқнинг тор кўчаларида
Ҳар кеч ёлғиз сукунат дайди.

Илк севгини ранларга бўяб,
Савлатини тўкади райҳон.
Минг йилдирки остона ҳатлаб,
Ичкарига киролмас ёлғон.

Шу тупроқда гуркирар ишонч,
Ҳар гўшада матонат изи.
Ҳовлиларнинг деворларига,
Сингиб кетган садоқат иси.

Хира борлиқ оралаб сокин
Сўқмоқларга ястанар саҳар.
Хўв олисда минг юрак бўлиб,
Бу қишлоқни соғинар шаҳар.



ДҲҮТ
Садоқатли бўлса агар дўст,
Бир умрга қолур дўстлиги.
Садоқатли бўлса агар дўст,
Бир умрга татир дўстлиги.

Дўстлар, садоқатли бўлсангиз,
Араз қилманг бир-бирингиздан
Садоқатли бўлсангиз агар.
Ўрнак олар ёш авлод сиздан.

БАҲОР
Ёмғир ёғди шошилиб,
Ҳамма ёқни лой қилди.
Ариқлардан сув тошиб,
Қалбимга баҳор келди.

Баҳор ҳиди уфура,
Дарахт буталарида.
Гуллади бодом, ўрик,
Саболар ҳам юзурик.

Хазону шох шаббалар,
Майсаларга берар жой.
Уйғониб шўх булбуллар,
Хониш қилади тинмай.

Наврўз келди эй, наврўз,
Ҳар бир чечак кулади.

Хурсандликдан қозонлар
Сумалакка тўлади.

ЎЗБЕК АЁЛИ
Кўз олади жилваси,
Шўх нигоҳи куйдирар.
Дилга чўғлар солади,
Мунис ўзбек аёли.
Ўзбек аёли. Ўзбек аёли.

Оташ бўлар юраклар
Хандон отиб кулганда.
Дилни тешар киприклар.
Мунис ўзбек аёли.
Ўзбек аёли. Ўзбек аёли.

Оналикда бебаҳо,
Ой каби битта — танҳо.
Беғубор хуш чехрали.
Мунис ўзбек аёли.
Ўзбек аёли. Ўзбек аёли.

Кўтармас ҳеч товушин,
Иффати пок — виждонли.
Сақлар у ор-номусин,
Мунис ўзбек аёли.
Ўзбек аёли. Ўзбек аёли.

Абдужалил ҚўШМАТОВ,
Бахмал тумани

Юрагимни мудом этар шод
Келажгим, буюк Ватаним...

ИЗЛАЙМАН ЎЗИМНИ

Ҳаёт дарё бўлиб тўлқинланади...
Сочларинг мавжсида жамулжам олам.
Менинг юрагимга ҳайрат солади,
Ҳаттоки исмингни ёдламоқ бир дам.

Сенинг юрагингни эгаллай олсам,
Мен учун асли бу буюк бир шараф.
Шунда яна гўзал бўларди олам,
Гўзал кўринарди шунда ҳар тараф.

Излайман ўзингда доим ўзингни,
Сўзингда излайман сўзларимни ҳам.
Муҳаббат нурлари очди кўзимни,
Асли сен дунёда мен топган олам...

ВАТАН
Ватан асли менинг қалбимда,
Ўзим Ватан, оилам Ватан.
Кулгу бўлса мудом лабимда,
Яйрайди дил, яйрайди бу тан.

Боғим менинг кичкина ўлкам,
Мен асрайман уни доимо.
Чечакларнинг гўзаллиги ҳам
Бағишлайди қалбимга зиё.

Эрким эрур энг гўзал Ватан,
Муҳаббатим сўлим чаманим.
Мен яшайман яйраб, шодумон,
Обод бўлар тенгсиз масканим.

Дарё бўлиб оқади ҳаёт,
Ифтихорга тўлади қалбим.



Абдулла УЛУГОВ

ЧЎҚҚИ

Тоғлар чўққилари билан улуғвор кўринади. Тоғларнинг осмон билан бўйлашиб, булутлар "осилиб" турган чўққилари кўнгилга аллақандай сурур, завқ бағишлайди. Уларга қараганда кишининг кайфияти беихтиёр кўтарилади, кўнгил кенгайди, чарчоқ босган вужудга қандайдир бир қувват, куч сезиб киради. Ижод аҳли ҳам тоғларга ўхшайди. Улар ҳам ўз фаолиятида баланд-паст турли чўққилар яратишади. Бу чўққилар узоқ манзиллардан, олис замонлардан бўй чўзиб туради. Уларга ҳамма қарайди, баҳра олади. Фирдавсийнинг "Шоҳнома"си, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий "Хамса"лари неча асрлардан бери худди улуғвор тоғ чўққилари каби одамлар қалбига маънавий-руҳий қувват бериб келади.

Шоир, ёзувчи, ҳайкалтарош, рассом, композиторлар битта-иккита эмас, балки жуда кўп асарлар ижод қилишади ва уларнинг барчаси ижодкор учун бирдай қадри саналади. Чунки ҳеч бир асар, у кичик ёки катта бўлишидан қатъи назар, ўз-ўзидан, осонгина вужудга келмайди. Ижодкорнинг ҳар бир асари учун сарфлаган кучи, қувватини бирор бир мезонга солиб ўлчаб бўлмайди. Оддийгина пейзаж, фард, рубоий, туюқ ҳам дoston, роман, маҳобатли ҳайкал ҳам ижодкорнинг хаёли, тасавури, қалб кўрини "сўриб" пайдо бўлади. Шундай бўлса-да, асарлар бир-биридан фарқ қилади. Бу уларнинг мавзуси, жанри, яратилган даври билан боғлиқ эмас. Асарлар бир-биридан, аввало, мазмундорлиги, жозибадорлиги, таъсирчанлиги, муסיқийлиги, кўркемлиги жиҳатидан фарқ қилади. Шоир, ёзувчи, рассом, ҳайкалтарош, композитор барча асарларининг баркамол, мукамал бўлишини истайди. Шунга интилади, ҳаракат қилади. Аммо бунга эришолмайди. Унинг асарлари ҳар қанча уринганида ҳам "бўй-басти" жиҳатидан ҳеч қачон тенг, баробар чиқмайди. Шунинг учун Микеланжело, Леонардо да Винчи, Рафаэл каби буюк мусавирларнинг ҳам, Фирдавсий, Низомий, Деҳлавий, Саъдий, Ҳофиз каби улуғ шоирларнинг ҳам асарлари бир хил эмас. Шекспир, Гёте, Достоевский, Толстой, Тагорнинг асарлари таъсир кўлами, бадиий даражаси жиҳатидан ҳар бири ўзига хос.

Бу ҳар хиллик адабиёт тарихи учун ҳам хос ҳодисадир. Миллий адабиётлар тарихида баъзи даврларда юксалиш, айрим пайтларда эса таназзул содир бўлади. Навоий ижоди туфайли ўзбек адабиёти улкан юксалишга эришган. Кейинги асрларга келиб, аксинча манзара кўзга ташланади. XX аср ўзбек шоирлари, ёзувчилари ижоди ҳам ранг-баранг. Бу давр ўзбек адабиётида "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён", "Кеча ва кундуз", "Сароб", "Навоий", "Мирзо Улуғбек", "Улуғбек хазинаси", "Кўхна



дунё" каби асарлар осмонга бўй чўзган чўққидай кўринади. Ваҳоланки, Абдулла Қодирӣ, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Одил Ёкубов булардан бўлак ҳам яна қатор асарлар яратишган. Шундай бўлса-да, ушбу асарлар уларнинг ижодида алоҳида ажралиб туради. Бу ижодкорларнинг сўз санъаткори сифатидаги ўзига хос маҳорати айни шу асарларда яққолроқ кўринади. Шоир Эркин Воҳидов ижодида эса "Рухлар исёни" достони алоҳида ажралиб туради. Эркин Воҳидов-сермаҳсул ижодкор. У жуда кўп шеърлар, қатор дostonлар, драмалар яратган. Аммо унинг юзлаб шеърлари, ўнлаб дostonлари ичида "Ўзбегим", "Инсон", "Тирик сайёралар", "Арслон ўргатувчи", "Шарқий қирғоқ" каби асарлари бамисоли чўққилардай юксак кўринади. Бу чўққилар ичида яна бири бор. У—барчасидан баланд, муҳташам. Унда шоир истеъдодининг энг ёрқин жиҳатлари мужассамлашган, унинг безовта қалбидаги оғриқлар таъсирчан ифодаланган. Эркин Воҳидов ижодининг юксак чўққисига айланган "Рухлар исёни" достони:

Бу дунёнинг

Кувончи кам

Дарду ғами-зиёда

деб бошланади. Бу ҳикматомуз мисралардан олдин Назрул Ислоннинг : "Туғилгансан озод, мудом

Озод бўлиб қол!"

деган сўзлари келтирилади. Достоннинг умумий мундарижаси айти шу пеш сўзда мужассамлашади.

"Рухлар исёни" достони мавзуси адабиётнинг абадий муаммоси—инсон эрки, озодлиги учун курашга бағишланган. Инсон эрки эса аввало унинг ватани озодлиги, мустақиллиги билан боғлиқ. Шу боисдан ушбу муаммо нафақат адабиётнинг, балки инсониятнинг азалий ва адабий дарди, ташвиши бўлиб келади. Инсон эрки, ватан озодлигининг аҳамияти, қадри ҳеч қачон пасаймайди. Бу муаммо, айниқса, XX аср бошларида ниҳоятда кескинлашди. Бутун дунёда халқлар ўз озодлиги, эрки учун курашга отланди. Эрк, озодлик душманларига қарши курашда ижод аҳли олинда турди. Уларнинг сўзи, даъвати энг замонавий қуроллардан да қудратлироқ кучга айланди. Ўз мустақиллиги учун курашган халқлар тарихи бунга тасдиқлайди. XX асрда мустақиллик, озодлик, эрк учун олиб борилган курашларда шоирлар генераллар, ҳарбий саркардалар, қўмондонлардан кўра кўпроқ хизмат қилди. Уларнинг жасорати, фидоийлиги ҳар қандай жанговар қаҳрамонликдан кўра юксакроқ туради. Шоирлар эрк, озодликка ҳаммадан кўра кўпроқ интилиши айнан сўнги икки юз йилликда ёрқинроқ намоён бўлди. Шоир Эркин Воҳидов:

*Аммо ғамдан қочмоқнинг ҳам
Тадбири кўп дунёда*

деб ғамдан қутулиш, халос бўлиш усулларини бир-бир таърифлар экан:

*Лек оламда бир дард борки,
Унга сира нажот йўқ.
Бу азобга ким дучорки,
Унга кун йўқ
Ҳаёт йўқ...
Бу-шоирнинг дилин эзган
Истибоднинг дардидир*

дейди. Достонда Назрул Ислом шу дард билан оғриган, азоб чеккан ватанпарвар шоир сифатида гавдалантирилади. "Рухлар исёни"да мустамлакадан азоб чекаётган Ҳиндистондаги аҳвол умумлаштириб қуйидагича тавсифланади:

*Кўргилик бу, деди ҳинду,
Тақдир, деди мусулмон...*

Инглизлар томонидан мустамлакага айлантилган Ҳиндистондаги фожеавий аҳвол, ҳинду ва мусулмонлар ўртасидаги низо, адоват, турли мазҳаблар орасидаги зиддият улуғ ҳинд адиби Рабиндрат Тагор асарларида ҳаққоний гавдалантирилган. Ёзувчининг "Гоурмаҳон" романида, жумладан: "Агар мушук ёнингда ўтириб овқат еса, бунга ҳеч ким ёмон деб билмайди. Лекин овқат еб турганида эшикдан бошқа мазҳабдан бирон киши кириб қолса, овқатни чиқариб тўкишни буюрадилар... Бизда паст мазҳабларнинг, ҳатто, ибодатхоналарга кириши ҳам маън қилинган" дейилади. (Тагор Р. Асарлар. Саккиз томлик. 2-том. -Т.: Ўздавадабнашр, 1960.-186-бет.) Мазкур романда бир оила аъзоларининг турли хил мазҳабларга кириб кетгани, улар ўртасида ички низо, келишмовчиликлар авж олгани, мустамлакачилар бундан устомонлик билан фойдалангани, улар ҳинду-мусулмонларни бир-бирига қарши қўйиб, турли низо, можаролар чиқаргани таъсирчан тасвирланади. Ҳинд мазҳабидагиларнинг ақидаларига олий табақа кишилари паст табақадагиларнинг ёки бошқа диндаги одамларнинг идиш-товогидан фойдаланса, у ўзини булганган ифлослантирган, мурдор қилган саналиши турли воқеаларда гавдалантирилади. "Рухлар исёни" достонидан бу тарихий ҳақиқатга қуйидагича ишора қилинади:

*Икки жондош эл аро дин
Яна солди адоват
Аслида-ку ҳаёт оғу,
Турмуш ўзи зимистон.
Айбдормас бунга ҳинду,
Гуноҳқормас мусулмон.
Аслида-ку...
Беизтироб
Ҳўлаб қора қаҳвони,
Деразадан оқ тан жаноб
Кузатар можарони.
У кўп хурсанд,
Лабда кулеу,
Кўзи чақнар комирон.
Мусулмонни янчар ҳинду,
Ҳиндни эса мусулмон.*

Жаҳолат авж олиб, қирғин юз бераётган пайтда виждонли кишилар томошабин бўлиб туролмайди. Айниқса, Назрул Ислом сингари ўтюррак шоирлар бундай пайтда адолатсизликка тоқат қилолмайди. Эркин Воҳидов ана шу ҳақиқатга алоҳида эътибор қаратган. У эрк, озодлик деб тўлиб тошган шоир қалб кечинмаларини қуйидагича ифодалайди:

*Шоир бўлсанг,
Бўлсин қалбинг
Элга қурбон бўлгудек...
Шоир бўлсанг
Қаламингни
Найза қилиб тутолсанг.
Юракдаги аламингни
Оқ қоғозга тўколмасанг.*

Достоннинг айти ўринлари Эркин Воҳидовнинг эрксевар шоир Назрул Ислом руҳиятидаги исённи аниқ англаганини билдиради.

"Рухлар исёни" достонидан Назрул Ислом образи Эркин Воҳидов учун фон вазифасини бажаргани билиниб туради. Эркин Воҳидов ўтюррак бенгал шоирининг фожиа тақдири, унинг хаёл, кечинмаларини баён этиш орқали ўзининг ҳақиқат, жаҳолат ҳақидаги дардли ўйларини изҳор этади. Достонда Назрул Ислом таржимаи ҳоли батафсил баён этилмагани ҳам шундан далолат беради. Достонда ривоятлар алоҳида ўрин тутаяди. Улар шоирнинг фожией қисматида боғланган. "Адабият ҳақида ривоят", "Фидоийлик тўғрисида ривоят", "Жаҳолат тўғрисида ривоят", "Шоҳи Жаҳон ва Аврангзеб ҳақида ривоят", "Зоҳидлар ва орифлар ҳақида ҳикоят" мавзу жиҳатидан турлича бўлса-да, мазмун жиҳатидан улар бир-бирини тўлдиряди. Бу ривоятларда нафақат ўтмиш, балки ҳозирги замоннинг ҳам аниқ мазараси кўринади. Чунки барча замонларда барча халқлар учун ҳикоят ва ривоятлар ўзига хос ибрат бўла олади. Инсоният тарихида Назрул Ислом сингари фожеали тақдирлар талайгина топилди. Жаҳолат ҳаётда турли кўринишларда намоён бўлади. Лекин бунда ҳаммиша истъедодли кишилар жабр кўради. Чунки улар бошқаларга ўхшамайди, "қолип"ларга тушмайди. Назрул Ислом сингари фидоийлар англаган ҳақиқатларни бошқалар кечикиб тушунади. Ўз замондошларидан олдинда юрганлар доимо турли тўсиқ, ғовларга дуч келади. Улар бошқаларнинг янги манзилларга ўтиши учун "кўприк" бўлади. Кўприк эса оёқлар остидан эзилиб, кишиларнинг узоғини яқин қилади. Унинг қадрига ҳамма ҳам етавермайди. Назрул Исломнинг тақдири ҳам шундан далолат беради.

Достондаги ривоятларда инсон қисматининг мураккаблиги, кишилараро муносабатлар чигаллиги,



одамларнинг ҳақиқатни англаши осон кечмаслиги, бу йўлда кўп йўқотишлар, қурбонлар беришга тўғри келишига эътибор қаратилади. Бу ривоятлардаги ҳақиқатлар ҳаётий асосга эга эканлиги Назрул Ислом қисматида кўрсатилади. Шу боисдан "Руҳлар исёни"да ҳақиқат ва ривоят узвий бирлашиб кетади. Достоннинг "Тутқунлик" бобида Назрул Исломнинг ҳибсдаги ўй-кечинмалари баён этилади. Зиндонда онасини ўйлаб, азоб чекиб ётган шоирнинг дилидан айнан шундай аламли кечинмалар кечишига китобхон ишонади:

*...Одамлардек беозор, тек
Яшаб юрсам нетарди.
Менга толе,
Сенга тинчлик
Балки насиб этарди.
Булбулларга,*

*Гулларга маст
Ёзсам фақат ғазаллар,
Балки мени
Миршаблармас,
Изларди ёш гўзаллар.*

Назрул Ислом сингари фидоийлар-фавқуллода шахс. Ҳар қанча истаган, интилган билан бошқалар улардай бўлолмайди. Фидоийлар юксак мақсад йўлидаги шижоати билан бошқалардан фарқ қилади. Аммо улар ҳам изтироб, уқубатлар гирдобиди қолган чоғида баъзан бошқалар сингари беғам, тинч, сокин яшагиси келади. Оддий кишиларнинг ҳаёт тарзига ҳавас қилади. Эркин Воҳидов ана шу ҳақиқатдан келиб чиқиб, Назрул Исломнинг инсоний дунёсини гавдалантиради.

Қаҳрамонни оддий бир одам сифатида гавдалантириш ҳамisha ижодкорнинг асосий мақсади саналади. Чунки ижодкорнинг асарига аввало шу мезондан келиб чиқиб баҳо берилади. Искандар, Хусрав, Фарҳод каби шоҳ ва шаҳзодалар образи ҳам аввало ҳукмдор эмас, оддий одам сифатида эътиборни тортади. Ўқувчиларни шоҳлар, султонлар, лашкарбошилар ёки олимларнинг сиёсий, илмий-ижодий фаолияти эмас, оддий одам сифатидаги қувончи, қайғуси кўпроқ қизиқтиради. Шу боисдан "Руҳлар исёни"да Назрул Исломнинг шоир сифатида исёнқорона руҳий кечинмаларидан аввал унинг онасини ўйлаб, изтиробларга тушиши берилади. Достоннинг айнаи ўринлари диққатни кўпроқ тортади. Назрул Ислом ўзининг инсоний кечинмалари боис ўқувчига янада яқинлашади.

Достонда Назрул Исломнинг шоирлар билан хаёлан суҳбати берилади. У тош деворларига бош қўйиб, хаёлан Рудакий, Навоий, Бобур билан суҳбатлашади. Уларнинг зиддиятли тақдирини тасаввур қилади. Пушкин, Лермонтов, Машраб, Насимийнинг фожиали қисматини ўйлайди. Ва бундан ўзига тасалли олади. Чунки шоирга шоирнинг ҳаёти, тақдири кўпроқ таъсир қилади. Шоир ҳам ўз касбдош-қисматдошларини ўзига яқин олади. Назрул Ислом образини гадалантиришда айнаи шу жиҳатга эътибор қаратилади. Достоннинг ушбу ўринлари беихтиёр шоирнинг "Ўзбегим", "Инсон" қасидаларини ёдга солади. Бу эса "Руҳлар исёни"да шоир ижодига хос энг яхши хусусиятлар мужассамлашганидан далолат беради.


Эркин Воҳидов ўз ижодининг бу чўққисига осонгина чиқиб олмаган. "Руҳлар исёни" 1978-1979 йилларда яратилган. Эркин Воҳидовнинг илк шеърлари эса ўн тўрт ёшида, у 7-синфда ўқиб юрган пайтида эълон қилинган. Маълум бўладики, "Руҳлар исёни" достонини яратгунча шоир салкам ўттиз йиллик ижодий йўлни босиб ўтган. Бу даврда у юзлаб шеърлар, ўнлаб достонлар ёзган, қатор китоблар чоп эттирган. "Сайланма"лар чиқарган. Гётенинг "Фауст" асарини таржима қилган. С. Есенин А. Блок, М. Светлов, А. Твардовский, Р. Ҳамзатов каби машҳур шоирларнинг шеърларини ўзбекчага ўтирган.

Шоирнинг дастлабки шеърларида ҳаёт қувончлари ҳаяжонга тўлиб таъриф-тавсиф этилган. Уларда романтик хаёллар, ишқ-муҳаббатдан бахтиёрлик нашидаси жўшқин мисраларда қуйланган. Илк достонларда ҳам шоир ҳаётни чиройли ташбеҳларда ифодалаган. Нозик ташбеҳлар, чиройли хулосалар шоир шеър устодларининг ўзига хос беазага айланган. "Руҳлар исёни"гача яратилган асарларида ижодкор ўзбекона сўзнинг янгича маъно товланишларини очишга, унинг муносиқий оҳанглари кашф этишга интилган. Эркин Воҳидовнинг шоир сифатидаги ўзига хос маҳорати, санъаткорлиги кўпроқ шунда кўринган.

Тўғри, шоир "Нидо" достониди, ўша даврдаги аксарият асарларидан фарқли ўлароқ, қалбидидаги аламлар ҳақида очиқроқ сўзлаган. Унда шоирнинг фарзандларини ота-она меҳридан бебахра қилган урушга нафрати ёрқин ифодаланган. Шу боисдан "Нидо" уруш уқубатларини тортаётган қалби ўксик инсоннинг туганмас изтироби, нидоси сифатида таассурот уйғотади. "Руҳлар исёни" достониди эса шоир қалбидидаги изтироб, нидо доираси янада кенгайган. Унда шоирнинг ҳаёт мураккабликлари, инсон табиати ҳақидаги аламли ўй-мушоҳадалари кўламлироқ, теранроқ намоён бўлган. Шоир достонда оддий ривоят, ҳикоятлардан ҳам чуқур, таъсирчан маънолар чиқарган, ҳар бир ҳодисада сир, ҳикмат борлигига эътибор қаратган. "Руҳлар исёни" шу каби жиҳатлари билан ҳам шоирнинг юксак ижодий чўққисига айланган.

Барча асарлар учун ҳаёт зиддиятлари, эзгулик билан ёвузлик кураши асосий мавзу саналади. Айрим асарларда кишиларнинг гайриинсоний хатти-ҳаракатлари очиқ-ошқора қораланади. Уларнинг феъл-атворида сингиб қолган иллатлар ҳажв қилиб, масхараланади. Булар ҳаёт ҳақиқатининг муайян кўринишлари сифатида таассурот уйғотади.

"Руҳлар исёни" достониди ҳам босқинчилик, зўравонликка қарши курашга даъват қилинади, жаҳолат нечоғли мудҳиш фожеаларга бўлиши ривоят устоди воқеалар асосида ёритилади. Аммо мулоҳаза, мушоҳадалар шунчаки жўн эмас, балки жўшқин эҳтирос билан ифодаланади. Инсон эрки, қадрини топтайдиган тубанликнинг турли кўринишларига нафрат билдирилади. "Руҳлар исёни" достони инсоният тақдирининг чигалликлари, кишилараро муносабатларнинг мураккаблиги, кишиларнинг бир-бирини англаши йўлида тўсиқлар кўплиги тўғрисида ҳикоя қилинади. Лекин шундай бўлса-да, достон инсонга меҳр-муҳаббат уйғотади, башарият азал-азалдан меҳр-муҳаббатга ташна бўлганлиги ҳақида ўйлатади. Эркин Воҳидов ижодининг бу юксак чўққиси айнаи шу жиҳати билан жозибадор, улғувор кўринади





Расул КУШЕРБОВ

КЎКРАК НИШОНИ

Ҳикоя

Ҳар таътилда Карим қишлоқдаги амакисиникига келиб, ҳам дам олиб, ҳам уларнинг ул-бул ишларига қарашиб юради. Амакиси Сафарқулни ҳамма айрича ҳурмат қилади, баъзилар "қаҳрамон" дея ўзларича ардоқлайди. Айтишларича у аллақандай афғон урушида қатнашган, соқолтой душманларга қирон келтирган экан. Кўкрагига тақиб юрадиган қизғиш-сарғиш товланувчи нишонни ҳам ўшанда олган эмиш. Бу қургур нишон Карим тугул бошқа болаларнинг ҳам ҳавасини келтирарди.

— Амаки, — деди бир куни Карим — Шу медалингизни менга бериб тури-и-нг.

— Нима қиласан? — ҳайрон бўлиб сўради Сафарқул.

— Озгина тақайин... Кейин олиб кеб бераман. Сираям йўқотмайман! Майлими, амакижон?

Карим шундай ёлвориб жон-қолига қўявермагач, амакиси нишонни бериб юборди. Карим қишлоққа кийиб келган янги костюмига нишонни тақиб олди. Унинг қувончига шу тоб олам торлик қиларди. У кўпинча қишлоқда юзини сепкил босган Бекзод деган бола билан ўйнайди. Бекзод уйда ёлғиз бўлиб ўсганигами, онаси Манзура холанинг эркатойи эди. Онасига айтганини қилдирмай қўймасди. Баъзида ҳазиллашиб бирон бола Бекзодни сал туртиб қўйса, дарров йиғлаб онасини бошлаб келишдан ҳам тоймасди.

Карим кўпинча Бекзод яхши кўриб ўйнайдиган уйлари ёнидаги тепаликка борди. Бу ердан бутун қишлоқ кафтдагидай кўринади. Пастдан илонизи бўлиб кетган сўқмоқ йўл бугдойзорга бориб туташади. Тепаликнинг ён бағрида жарликлар бор. Бир вақтлар тошқин ер бағрини ўйиб кирган. Болалар учун жарлик ваҳимали туюлади.

Карим Бекзод ёнига келгач, кўксига тақиб олган нишонни ўртоғига кўз-кўз қила бошлади.

— Кўрдинг, амаким бунга ўзимга берди.

— Йўғ-е, алдама...

— Нега алдайин, бу медаль энди меники!

— Менам бир тақиб кўрсам бўладими?

Бекзод азбаройи қизиққанидан Каримнинг нишонни бериш, бермаслигини кутиб ўтирмади. Уйдаги эркатойлиги эсига тушди, шекилли, дўстининг нишонига чанг солиб, юлқиб олмақчи бўлди.

— Нима қиялпсан?! — Карим Бекзоднинг қўлини қайириб ташлади, — Қўйвор медалимни...

— Қўйвормайма-ан!

Бекзоднинг безбетлиги тутди. Икки ўртада олишув бошланди.

Бир пайт Карим ҳушига келиб қараса, у шашт билан итариб юборган Бекзод тепаликдан пастга думалаб борарди. У юлқиб олган нишон қайтадир учиб кетди.

...Ҳам ўртоғи жароҳатланганлиги, ҳам амакиси шунча йил сақлаган нишонни йўқолганлиги Каримни довдиратиб қўйди. Яхшиям Сафарқул ака жиянидан нишонни сўрашни эсига келтирмаяпти. Ҳовлида ҳам Карим амакисига дуч келишдан чўчиб юрибди.

Амакиси кичкина нарвонда хомтоқ қилаётган эди. Шу тоб эшик очилиб, Бекзод онаси билан ҳовлига кириб келди. Уларни кўриб Каримнинг ранги қув ўчди. Ҳозир ўғлининг қўлини лат едиргани учун Манзура опа роса урушса керак деб ўйлаганди...

— Ассалому алайкум, Сафарқул ака! — Манзура опа негадир мулойимлик билан амакига юзланди. — Кечирасиз, ўғлим шўхлик қилиб, медалингизни йўқотиб қўйган экан. Шуни топиб олиб келдик. Каримнинг ҳеч қанақа гуноҳи йўқ.

Манзура хола нишонни амакига топширди.

"Бекзод онасига ҳеч нарса демабди-да", хаёлидан ўтди Каримнинг, дўсти томон ер остидан кулиб қараркан. Бекзод ҳам Каримга илжайиб қараб турар эди.

ТОМОШАБОФ

ЛЕВ ТОЛСТОЙ КИМИ СЕВГАН?

Буюк адиб Лев Николаевич Толстойнинг оилавий бахти тўқис бўлмагани ҳақида кўп эшитганмиз. Хотини Софья Андреевна билан оралари совуқ бўлган. Унинг сабабини таниқли руҳшунос Дайл Карнеги шундай изоҳлайди:

"Софья Андреевна дабдабаю ҳашаматга жуда ўч, Толстой эса зеб-зийнатларни кўрарга кўзи йўқ эди. Софья Андреевна шон-шухрат, мартаба истаги билан куйиб-ёнар, Толстой учун буларнинг сариқ чақалик аҳамияти йўқ эди. Софья Андреевна пул, мол-давлат ортидан қувар, Толстой эса кибри, хусусий мулкка эга бўлишни гуноҳ, деб биларди. Ноширларга асарларини қалам ҳақисиз нашр этиш ҳуқуқини бергани учун хотини тинимсиз эговлар, қаргар, жанжаллашар, эрининг китоблари учун ҳақ талаб қиларди.

Толстой андак эъгироз билдирса, жазаваси тутиб полда думалар, бу кунимдан ўлганим яхши, деб афюн ичишга шайланар ёки ўзини қудуққа ташламоқчи бўларди".

Аёл киши қанчалик жанжалкаш бўлса эркакнинг шўри эмасми? Бундай дийдиёлар охир-оқибат Толстойлар оиласи кўргонини ҳам нурагди. Улар бир-биридан бешиб қолишди. Айниқса, Лев Толстой хотинидан қутулиш учун дунёнинг нариги четига кетишга тап-тайёр эди. Шундай бўлди ҳам. Охири бош оққан тарафга қараб жўнаб қолди.

Аслини олганда Лев Николаевич фақатгина Софья Андреевнага кўнгли қўйганмиди? Кошки эди шундай бўлса... Бошқа кўпгина улуглар сингари у ҳам жуда кўп қизларни юрак-юракдан севиб қолганди! Унинг ҳам хушторлари озмунча эмасди! Яхшиси, бу ҳақдаги фикрларни Толстойнинг сўзлари орқали далиллай қолайлик: "Болалигимда Сонечка Колошинага ошиқу-беқарор бўлгандим. Шундан кейинроқ Зинаида Молостовага ишқим тушди. Бу муҳаббат жисму-жонимни қамраб олганди. Хойнаҳой Зинаида бу ҳақда бирон нарса билмаган ҳам. Йиллар ўтиб, стандадаги казак аёл ўзига ром этди. Вақт ўтиб бунга "Қазақлар" номли қиссамда тасвирлаганман. Сўнг киборлар доирасининг гули бўлган Шерватова-Уварова ақлу-хушимни ўғирлади. У ҳам севгимдан беҳабар эди. Мен ҳаминша тортинчоқ бўлганман. Бора-бора ҳақиқий, асл муҳаббат ҳам насиб этди. Севгим соҳибаси Валерия Арсенева эди. Уйланиб олишимга бир баҳа қолди. "Оилавий бахт"ни ўқигандирсиз. Унга ёзган ишқий мактубларни жамласак катта бир боғлам бўлади".

Бунга қаранг, шунча қизни севиб қолиш бир киши учун кўпми ёки оз? Наҳотки муҳаббат деганлари беқарор туйғу бўлса? Аммо, охир-оқибат севмаган киши билан умргузаронлик қилиб, бахтли бўлолмаслик қисмати улуг адибни оилавий ҳаётда хору-зор қилди, уни беадад азоблади.

Жовли ХУШБОҚ



Абдураззоқ ОБРУЙ

СЎЗБЎЯМАЧИЛИК

Бозорда ғирт тўла тадбиркор талай,
 Муштдай тарбуз нархи отнинг калласи.
 Харидор ҳам бор, дўстлар, ҳар қалай,
 Ҳозир савдо-сотиқнинг қизғин палласи.
 Ўшингиз тўшади, таг-ийсиз аҳши,
 Уша-да, касби—кўзбўямачилик.
 Бозорнинг ҳам бордир шоир, бахшиси,
 Қилар иши фақат сўзбўямачилик.
 Ана шу акамнинг гаплари семиз,
 Шакал-шамойили шеърга ўхшайди.
 Ҳосилдан дарак йўқ, ўзи бетамиз,
 Ўшлов берилмаган ерга ўхшайди.
 Шеърин кўяверинг, сурати катта,
 Қараб турар у китовда тиржайиб.
 Пули бор ёзган чикар албатта,
 Бунчи ҳозир ҳеч ким демайди айб.
 Тўйни эгалаган бахшибаччалар,
 Қазо-қазоларнинг эрур фарзанди.
 Сўяб турган ахир метин ханчалар,
 Ким оғиз о-ади йўқ деб таланти.
 Уларнинг овозида - фан-ограмма.
 Тинглаган қулоғи битиб қолганлар.
 Диётат, инсофдан қани грамм-а,
 Пулниг этагин тўтиб олганлар.
 Бозорда ғирт тўла тадбиркор талай,
 Муштдай тарбуз нархи отнинг калласи.
 Харидор ҳам бор, дўстлар, ҳар қалай,
 Ҳозир савдо-сотиқнинг қизғин палласи.



ВОДАПРОВОД

Пародия
 Юртимизда сув келтирган
 Мардга эътибор дерлар.
 Халқимизнинг тилларида
 Раҳмат деган бир розман.
 Аллоҳимга беаад шуқр,
 Сувсозман!

Шухрат ТОИРОВнинг
 «Сувсозман» шеърдан.

Босим кунли Бўлганичун,
 Қранда сув бисёр-да.
 Меҳмон бўлиб келганда
 Қўл ювади дўст-ёр-да.
 Меъёрида ичсангиз,
 Қорин шишиб кетмайди.
 Сув босса гар далаи,
 Билинг, экин битмайди.
 Жўмрагини ёпмасанг,
 Сув босади ҳар ёқни.
 Айб ахир ўзинг-да,
 Узингга чр таёқни.
 Шухрат шоир, билсангиз,
 Гўёки водапровод.
 Жўмрагин маҳкам буранг,
 Қилса ҳамки у бой-доғ.
 Мақсад шўлки, сув-шеъри,
 Юртни босиб кетмасин.
 Сувга бўқиб шеърхонлар
 Уни осиб кетмасин.



Сафар КОКИЛОВ

ҚОРАЕВ ОҚАРИБ КЕТДИ

Ҳажсия



Қораев мақтаняпти. Биров ҳайратда,
 биров кулган...
 — Менга унинг кимлигининг нима
 аҳамияти бор? Бор-ре дедим...
 Хоҳламадим, тўхтамадим...
 — Нима гап? Нима бўлди? Кимга
 тўхтамадингиз? — дея қизиқиб сўранади даврага янги
 келиб қўшилганлар.
 Қораев яна қайта ҳикоя бошлайди:
 — Ҳе-е. Ҳали десангиз, ишга келятувдим. Йўл четида
 бир тўда одам уймалашиб турган экан. Бир "Жигули"
 ариқчага тумшуги билан тиқилиб турибди. Авария. Шу
 пайт одамлар орасидан биров йўлга чиқиб, "тўхтат"
 дегандек қўл силкитиб чиқди. Қарасам, орган одамига
 ўхшайди. Танимаганга олиб, индамай ўтиб кетдим. Тўғри-
 да, иши тушмаган қаердан танийди, фўрмада бўлмаса...
 Тўхтатсам... Керак бўлса, ўзларининг опермашинаси бор-
 ку. "Тез ёрдам" чақирсин... Менга нима, орган бўлса ўзига.
 Ҳе деб, ўтиб кетдим-да-е.
 — Э, сиз балосиз-эй. Қойил, қўрқмадингизми? —
 деди кимдир.

Баъзилар кулди, айримлар индамай бош чайқаб
 кўйишди.
 Тушга яқин Қораев кабинетимга кириб келди. Катта
 бир ишни тиндиргандай — оғзи қулоғида.
 — Эй, шу десангиз, бир зўр иш бўлди-да. Эрталаб
 ишга келаётсам...
 У менга ҳам ўша воқеани гапириб бера бошлади.
 — ...Тўхтамадим, орган бўлса ўзига. Қўрқиб
 ўтираманми. Танимаганга олиб ўтдим кетдим. Бопладим-
 да...
 Шу пайт эшик очилиб, котиба қиз кўринди.
 — Қораев! Шу ердасизми? Жойингизда ўтирсангиз
 бўлмайдим, сизни излаб юрибман.
 — Нима гап?
 — Сизни телефонга чақиришяпти.
 — Ким?
 — Билмадим. Касалхонадан, тоғангиз авто
 ҳалокатига йўлиқиб...
 — Нима?!
 Қораевнинг ранги оқариб кетди.

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,



«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati

Jamoatchilik kengashi raisi:

Abdulla ORIPOV

Jamoatchilik kengashi:

Gulruh A'ZAMOVA

Abulqosim MAMARASULOV

Ahmad OTABOYEV

Nurmat OTABEKOV

Minhojiddin MIRZO

Ahmad USMONOV

Farmon XUDOYBERDIYEV

Bosh muharrir

Sobir O'NAR

Bosh muharrir o'rinbosari

Luqmon BO'RIXON

Mas'ul kotib

Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Odil YOQUBOV

Abduqayum YO'LDOSHEV

Abdusaid KO'CHIMOV

Sirojiddin SAYYID

Rustam MUSURMON

O'rozboy ABDURAHMONOV

G'affor HOTAMOV

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali. 1982 yildan chiqa boshlagan.

© "Yoshlik" № 6 (211) 2006 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

MUNDARIJA**SUHBAT**

Akrom ALIMOV. Faollashayotgan "Kamolot" 1

NAZM

Salim ASHUR. Hayot — katta ko'rgazma 6

Nasiba DILS'OZ. Umid tashlab ketmas hech 23

O'KTAMOY. Sevgi sendan uyalayapman... 35

Bobomurod ERALI 36

Zarbuvi ALQAROVA. Vatan ishqin dilga tugib 37

SHIRIN. Kuz ohanglari 37

Go'zal NORCHAEVA. Shunchalar sirlimi mehr degan so'z .. 41

NASR

Zulfiya QUROLBOY qizi. Yalanglik ortidagi maskan 10

Saidvafo BOBOEV. Nomus tutqini 24

BIRINCHI UCHRASHUV

Zokir SHOIMOV. Otash b'olar yuraklar 42

Abdualil QO'SHMATOV 42

Rasul KUSHERBOEV. Ko'krak nishoni 46

E'TIROF

Tomchida quyosh aksi 38

ERKIN VOHIDOV 70 YOSHDA

Abdulla ULUG'OV. Cho'qqi 43

YELPUG'ICH

Abdurazzoq OBROY. Parodiyalar 47

Safar KOKILOV. Qoraev oqarib ketdi 47

Muqovalarimizda

1-betda: Yangi yil kirib kelmoqda.

2-betda: «Kamolot». II Qurultoy.

3-betda: Dotsent Boybo'ta DO'SQORAYEV.

4-betda: Xushovoz xonanda Nodir TURSUNOV.

Manzilimiz: 700027, Toshkent, O'zbekiston, 1"A"-uy,
Telefon: 393 -08 -23
Bosishga 23. 08. 2006 yilda ruxsat berildi.
Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog'i 6,0.
Indeks 822 ISSN 0207-9137

Jurnal 2003 yil 29 dekabrda Matbuot va Axborot agentligi tomonidan 072 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik»dan olindi deb izohlanishi shart.

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi bosmaxonasida chop etildi.

Buyurtma № 209

Manzil: Tshkent. sh. X. Sulaymonova ko'chasi, 33-uy.